Raqamli iqtisodiyotning shakllanishida asosiy omillardan biri- bu innovatsiya, innovatsion g‘oya va uning mahsuli bo‘lmish innovatsion mahsulotlar ekanligi tasvirlangan. Bunga sabab dastlab innovatsion g‘oyalarning paydo bo‘lishi, rivojlantirilishi va buning natijasida yangi mahsulot (innovatsion mahsulot)larning yaratilishi bo‘lib, ular insonlar hayotini bir muncha yengillashtirdi va qulayliklar yaratganidir. Innovatsion mahsulot deganda asosiy e’tibor sun’iy intellekt, super kompyuterlar, smartfonlar, 3D-printerlari, onlayn savdo, internet aloqa, mobil aloqa, IT-parklar haqida bormoqda. Aynan shularning ixtiro qilinishi va keng miqyosda foydalanilishi raqamli innovatsion texnologiyalar nomini oldi. Bu esa yangi bozorlar (xalqaro onlayn savdo, elektron tijorat, elektron biznes)ni vujudga keltirdi. Shu asosida raqamli iqtisodiyotning infratuzilmasi o‘z-o‘zidan tarkib topdi. Xususan, dastlab kompyuterlarning vujudga kelishi, mobil va internet aloqalarining o‘rnatilishi va buning natijasida elektron tijorat, xalqaro elektron biznesning paydo bo‘lishi va rivojlanishi jarayoni innovatsiyalarning raqamli iqtisodiyotdagi ta’siri darajasini belgilaydi. Raqamli iqtisodiyotda innovatsiyalar yangi g‘oyalarni samarali iqtisodiy yechimlarga aylantira oladigan harakatlantiruvchi kuch vazifasini bajaradi. Bizga ma’lumki mamlakatimizda innovatsiyalarni joriy etish va rivoj-lantirish, raqamli iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha talay ishlar amalga oshirilmoqda. Ammo bu borada mamlakatimizda hali ham bir qancha muammolar mavjud:

- innovatsiya va raqamli iqtisodiyot haqida aholining to‘liq tasavvurga ega emasligi;
- mamlakat hududining AKTlar va internet aloqa bilan to‘liq ta’minlanmaganligi;
- joylarda innovatsiya va raqamli iqtisodiyot bo‘yicha mutaxassislarning

yetishmasligi;

- innovatsiyalar va raqamli texnologiyalar ustida izlanish olib boradigan tadqiqot markazlarining mavjud emasligi;
- mobil aloqa, internet, davlat xizmatlari, soliq va boshqa turdagi onlayn to‘lovlarni amalga oshirish imkonini beruvchi mavjud to‘lov tizimlari (Click, Payme, m-bank, Humo va boshqalar)dan foydalanuvchilar sonining kamligi;
- onlayn savdo va savdo maydonchalarining yetarli darajada emasligi;
- barcha tarmoqlar va sohalarda raqamli texnologiyalarni joriy qilish bo‘yicha muammolarning mavjudligi (kompyuter savodxonligi, moddiy baza yetishmasligi, infratuzilmaning mavjud emasligi);

Yuqoridagi muammolarning bartaraf etilishi raqamli iqtisodiyotga o‘tish, uning infratuzilmasini shakllantirish uchun keng yo‘l ochadi.

Fikrimizcha, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda ijobiy natijalarga erishish uchun mamlakatimizda quyidagi ishlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

- raqamli iqtisodiyot infratuzilmasini shakllantirish maqsadida uning huquqiy-normativ asoslarini yaratish;
- aholida innovatsiya va raqamli texnologiyalar haqida tushunchalarni shakllantirish maqsadida joylar(oily ta’lim muassasalari, davlat tashkilotlari va xususiy tashkilotlar)da anjumanlar o‘tkazish;
- raqamli iqtisodiyotni shakllantirishda ilg‘or xorijiy davlatlar tajribalaridan foydalanish;
- barcha tarmoqlar va sohalarga raqamli texnologiyalarning joriy qilinishi va ularning faoliyatini nazorat qilish;
- onlayn savdo turlari va ularning masshtabini kengaytirish (faqat O‘zbekiston hududida emas, butun dunyo foydalanuvchilari uchun qulay bo‘lgan, Alibaba, Ebay, Amazon singari).

УДК: 336.1(575.1)

Б.Ў. Ташбаев – ТДИУ, “Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси катта ўқитувчиси

КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ МАКТАБИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАР ПАРАДИГМАСИДА ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

Аннотация: Давлат ички ва ташқи қарзлари, Бюджет тақчиллиги ва уни қарзли молиялаштириш, Бюджет тақчиллиги муаммоси, Мамлакат иқтисодиётидаги мавжуд капитал, Бюджет харажатларини молиялаштириш тўғрисида илмий таклиф ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Давлат бюджет, Давлат ички қарзлари, Давлат ташқи қарзлари, қарзлар, Дефицит, Пул, Рентабел, Капитал, солиқ.

Аннотация: Научные предложения и выводы по внутреннему и внешнему долгу государства, дефициту бюджета и его долговому финансированию, проблеме

дефицита бюджета, наличному капиталу в экономике страны, финансированию расходов бюджета.

Ключевые слова: государственный бюджет, государственный внутренний долг, государственный внешний долг, долг, дефицит, деньги, прибыльность, капитал, налог.

Abstract: Scientific proposals and conclusions on the internal and external debt of the state, the budget deficit and its debt financing, the problem of the budget deficit, the available capital in the country's economy, the financing of budget expenditures.

Keywords: Public Budget, Public Domestic Debt, Public External Debt, Debt, Deficit, Money, Profitability, Capital, Tax.

Иқтисодий назарияда давлат қарзларига оид илмий ишлар асосан классик иқтисодий назария мактабининг ривожланиш даврида гуллаб яшнади. Манбаларнинг таъкидлашича, ушбу даврда Британия колонияларидаги доимий урушлар (қўзғолонлар) сурункали бюджет тақчиллиги муаммосининг кескинлашувига сабаб бўлган. Ички сиёсий вазият эса солиқ юкини ошириш имкониятларини чекланишига олиб келган. Натижада, давлат қарзлари бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг асосий манбалардан бирига айланиб, мамлакат иқтисодиётига кучли таъсир қила бошлаган. Давлатнинг қарз сиёсати натижасида 1786 йилда Буюк Британия давлат қарзлари 230 млн. фунт стерлинга ошган. Қарз ҳажми давлатнинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланган бўлиб, унга хизмат кўрсатиш харажатлари давлат харажатларининг ярмигача етган.

Ушбу ҳолат қарзни камайтириш чоралари сифатида:

– мавжуд билвосита ва бевосита солиқларнинг ошишига;

– янги солиқларни жорий этиш;

– асосий қарзни тўлаш учун махсус жамғарма ташкил этиш таклиф қилинган.

"Классик" иқтисодий мактаб намоёндалари мулоҳазаларида, одатда хусусий секторда барча даромадлар истеъмол ва инвестициялар учун сарфланиши лозимлигини илгариш суришган. Уларнининг фикрича тўлиқ бандлик автоматик равишда таъминланиб, хусусий сектордаги мувозанатли ривожланишга боғлиқлигини эътироф этишган.. Иқтисодиётда пул таклифи доимий бўлиб, реал даромадлар чегараси доирасида кўпайиши лозимлигини таъкидлашади. Миллий иқтисодиёт нархлар барқарорлиги шароитида ишлашини эътироф этишади. Мудофаа, суд-ҳуқуқ ва умуман давлат бошқарув органлари ман фаатларига даромадларни юқори даражадаги қайта тақсимлаш самарасизэканлигини таъкидлашади. Натижада, давлат томонидан қарз олиниши ишлаб чиқаришга сармоя киритиш учун ишлатилиши мумкин бўлган хусусий сектор маблағларининг (тежаш) чиқиб кетишига олиб келишини таъкидланади.

Фикримизча, ушбу классикларнинг фикри замонавий шароитларда ҳаддан зиёд қарзга боғланган мамлакатлар иқтисодиётидаги касаллик аломатларининг симптомлари ҳисобланади.

Классик иқтисодчилар мактабининг асосчиларидан бири Адам Смит[10]нинг давлат қарзларига оид позициясининг асосини давлатнининг иқтисодиётга аралашувини чеклашга оид қарашлариташкил қилади. Унинг фикрига кўра, давлатнинг ички ва ташқи қарзи иқтисодиётга тенг даражада салбий таъсир кўрсатади. А. Смит XVII Европа мамлакатлари қарз сиёсатига нисбатан фикр билдириб, "Ҳозирги кунда давлатлар иқтисодиёти катта қарзлар юкига бардош бермоқда, аммо келажакда Европанинг барча буюк давлатларини йўқ қилиши мумкин"[11]- деган фикрни айтиб ўтган эди.

Унинг фикрига кўра давлат қарзларидан бюджет харажатларини молиялаштириш учун фойдаланиш хусусий капиталнинг мос равишда қисқаришига олиб келади. Давлат қарзини тўлашга сарфланган маблағлар хусусий секторда қоладиган бўлса, улардан унумлироқ фойдаланиш мумкинлигини таъкидлайди.

А. Смитнинг таъкидлашича, жамият томонидан қарзга фоиз тўлашда гўёки ўнг қўл чап қўлга тўлайди. Пул мамлакатдан кетмайди ва миллат қашшоқ бўлмайди. Ушбу апология бутунлай меркантилистик тизим софистикасига асослангандир. Ҳолбуки, бунда давлатнинг ички қарзларини ташқи қарзлардан хусусиятли жиҳатларига аниқлик киритилган. Фақатгина ички давлат қарзлари мавжуд жамғармаларни давлат секторига мобилизация қилиш орқали миллий даромадни тақсимлашда иштирок этиши ва шуиннгдек, даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик муаммосини келтириб чиқариши имкониятларига илк аниқлик киритилган.

Яна бир иқтисодчи Давид Рикардо Адам Смит томонидан таъкидланган давлат қарзини мутлақо салбий ҳодиса сифатида қабул қилиши билан рози бўлган[12]. Давид Рикардо иқтисодий инқироз шароитидаги бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун давлат қарзлари солиқ юкини ошириш эвазига қўшимча бюджетга даромадларни кўпайтирмасдан ички ва ташқи молиявий ресурсларни жалб қилиш инструменти сифатида баҳолайди[13]. Чунки, иқтисодий инқирозлар ёки иқтисодиётдаги циклли пасайиш фазасида ички истеъмолни рағбатлантириш муҳим ҳисобланиб, бюджет дефицитини қоплаш мақсадида солиқ юкини ошириш унга салбий таъсир этишини эътироф этади.

Уларнинг фикрига кўра, фоизларни тўлаш учун қарз оладиган ва кейинчалик солиқ йиғадиган ҳукумат пул маблағлари ва капитални тежашга имкон берса-да, ушбу манбалардан хусусий тадбиркорларчалик самарали фойдалана олмайдилар.

Классикларнинг давлат қарзлари бўйича қарашларининг яна бир жиҳати шундан иборат бўлдики, улар қарз фоиз ставкасини, капитал қиймати билан солиштирган ҳолда қарзларни минималаштириш мезонларига аниқлик киритишган. Хусусан, мамлакат иқтисодиётидаги мавжуд капитал

[10] Головачев Д.Л. Государственный долг: российская и мировая практика. М., 1998. С. 14.
[11] Smith A. The Wealth of Nations. — N.Y., 2003. — pp. 520, 997.
[12]https://bstudy.net/729599/ekonomika/razvitie_finansovoy_nauki_xviixviii
[13] J. Buchanan. «Barro on the Ricardian equivalence Theorem», Journal of Political Economy, 1979.-pp.83

қийматидан юқори фоизлар эвазига олинган қарзлар оғирлиги мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлашган. Ушбу фикрлари билан замонавий қарз сиёсати самарадорлигининг асосий мезонларидан бирига аниқлик киритишган.

Классиклар, молиявий ресурсларни самарасиз ишлатилиши ва давлат харажатларининг исрофгарчиликларини кўпайишига олиб келадиган иш ҳақи фондини умуман мақулламайдилар. Уларнинг фикрича, давлат қарзи рентабелликнинг нисбатан рентабел бўлмаган синфини давлат ҳисобидан мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитларни яратди.

Жан-Батист Сэй (Jean-Baptiste Say) ҳам классик иқтисодий мактаб намоёндаларининг давлат қарзларига оид позициясини қўллаб қувватлайди.

Унинг фикрига кўра, ҳукумат қарз олиш орқали хусусий бизнесни эмас, самарасиз истеъмолни қўллаб-қувватлашга шарт-шароит яратади. Хусусий қарз олувчи ва давлатнинг қарз олиши ўртасида жиддий тафовут мавжудлигини таъкидлайди. Умуман олганда, биринчиси, капиталдан фойда олиш мақсадида, иккинчиси - самарасиз истеъмол учун олинган қарз деб қарайди. Унинг таъминларига кўра давлат қарзининг ўсиши пировардида муомаладаги пулнинг миқдори ўсмайди. Фикримизча, Ж-Б.Сейнинг ушбу фикрида давлат қарзлари инструментларининг **тезарвацион** функцияси назарда тутилади. Ушбу функцияси воситасида давлат қарзи инструментлари давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим молиявий инструменти вазифасини ҳам бажаради. Шунингдек, давлат қарзининг кўпайиши миллий бойликнинг кўпайишини англатмайди.

Н.Б. Атамуратова– докторант Каракалпакского Государственного Университеета имени Бердаха

ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ, ЕЕ ОСОБЕННОСТИ, СТРУКТУРА И РАЗВИТИЕ

Annotatsiya: Maqolada raqamli iqtisodiyotga o'tish sabablari, xususiyatlari, asosiy tarkibiy qismlari va rivojlanish istiqbollari ko'rib chiqilgan. Hozirgi kunda ko'plab rivojlangan mamlakatlar raqamlashtirishni hayotning barcha sohalariga tadbiq etmoqdalar va shuning uchun bu samaradorlikning oshishiga, natijada raqobatbardoshlikka olib keladi.

Kalit so'zlar: AKT, raqamli iqtisodiyot, Internet-iqtisod, raqamlashtirish.

Аннотация: В статье рассматривается причины перехода к цифровой экономике, ее особенности, основные компоненты и перспективы развития. В настоящее время во многих развитых странах внедрили цифровизацию во все отрасли жизнедеятельности, а это, следовательно, приведет к увеличению производительности, а следовательно, и конкурентоспособности.

Ключевые слова: ИКТ, цифровая экономика, Интернет-экономика, цифровизация.

Abstract: The article examines the reasons for the transition to the digital economy, its features, main components and development prospects. Currently, in many developed

countries, digitalization has been introduced in all sectors of life, and this, therefore, will lead to an increase in productivity and, consequently, competitiveness.
Keywords: ICT, digital economy, Internet economy, digitalization.

Основной тенденцией в мировом экономическом развитии конца XX – начала XXI в. является переход от индустриальной и постиндустриальной экономики к так называемой цифровой экономике, то есть экономика которая основанная на цифровых технологиях или же использование информационно-коммуникационных технологий (далее ИКТ). Развитие интернета и мобильных коммуникаций являются «базовыми технологиями цифровой экономики».

Цифровая экономика — это не какая-то новая экономика, а очередной этап развития существующей и цифровизация всей экономики рассматривается на государственном уровне как стратегическое направление развития общества, обеспечивающее экономический рост и конкурентоспособность.

В связи с этим, развитые страны мира уделяют пристальное внимание гармоничному развитию системообразующих элементов цифровой экономики, информационного общества и экономики знаний. Необходимость перехода к информационной экономике сложилась и в Узбекистане что, в частности, нашло отражение в формировании специальной стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030» (утв. Указом Президента Республики Узбекистан, № УП – 6079, от 5 октября 2020 г.).

После финансового кризиса 2007–2008 годов, который начался в США, а затем распространился на Европу и Азию, мировая экономика вступила в новый этап [1]. Традиционное экономическое развитие замедлялось, в то время как цифровая экономика, представленная технологиями нового поколения, такими как мобильный Интернет, облачные вычисления, аналитика больших данных и искусственный интеллект (AI), начала активно развиваться [2]. В условиях, когда международная цифровизация и информатизация вступают в эру более полного проникновения во все сферы деятельности человека, основанная на инновациях и информации, цифровая экономика действительно стала новым двигателем экономического роста. [3]

Таким образом, к цифровой экономике относят самые различные виды экономической деятельности, где использование цифровой информации и знаний играет роль ключевого фактора производства и современные информационные сети становятся важной сферой деятельности, а эффективное применение ИКТ выступает в качестве эффективной движущей силы повышения результативности и оптимизации структуры экономики. [4]

В 1985 году, когда был зарегистрирован первый домен и мировая экономика начала переходить в «сеть». С того времени интернет-экономика начала расширять свои масштабы услуг, клиентскую базу, географический охват, и трансформировалась в новый вид предпринимательской деятельности. В условиях массового использования информационных сетей

появилась и сетевая экономика – это совокупность традиционной экономики с использованием информационных ресурсов сетей и технологий. Одновременно и появилось понятие электронная экономика, подразумевающая торговлю в Интернете, то есть главные производственные функции сосредоточены в электронной коммерции.

В настоящее время мир вступает в эпоху постиндустриальной цифровой экономики, которая кардинально изменяет ситуацию:

• Основным ресурсом становится информация, и этот источник от использования не иссякает;

• Торговые площади в Интернете не ограничены;

• Компании не нужно быть большой, чтоб успешно конкурировать;

• Один и тот же физический ресурс может быть использован бесконечное количество раз для предоставления различных услуг;

• Масштаб операционной деятельности ограничен только размерами Интернета;

• Клиент становится "божеством". [5]

Цифровая экономика включает себя следующие ключевые компоненты:

- технологическая инфраструктура (аппаратное обеспечение, программное обеспечение и сети связи);

- цифровые процессы (процессы, обеспечивающие успешное ведение бизнеса);

- электронная коммерция (продажа товаров посредством сети Интернет);

Отметим, что в 2019 году общая сумма электронных транзакций в Узбекистане составила 344,3 млн. долларов, а ежегодный рост доли электронной коммерции в ВВП страны оценивается в 30%. Именно, объем торговли через интернет в 2019-м составил 275,3 млрд сумов (темп роста - в 6,7 раза), что составляет 0,11 процента от общего объема торговли республики. Эти цифры показывают, что феномен электронной коммерции имеет весьма радужные перспективы [6], [7], [8].

Цифровые преобразования меняют облик и структуру экономики, ломая привычные бизнес-модели, приводят к расширению рынков и возможностей, становятся важнейшим двигателем мирового экономического роста. Сегодня 75% профессий требуют базовых цифровых навыков, а порядка 44% компаний в мире имеют стратегию цифрового развития. Само слово «цифровизация» предполагает наличие единого информационного пространства для непрерывного обмена данными между различными сферами деятельности и структурными подразделениями [9], [10], [11].

В настоящее время во многих развитых странах внедрили цифровизацию во все отрасли жизнедеятельности. В свою очередь, цифровизация экономики страны приведет к увеличению производительности, а следовательно, и конкурентоспособности.

Следует отметить, что формирование цифровой экономики разрушило старые отрасли промышленности и породило совершенно новые. Цифровая

революция или польза от этого скачка станет ещё более ощутимее, если распространение ИКТ будет стимулироваться и направляться государством, и тогда охват будет 100 процентным.

Список использованной литературы:

1. Гнездова Ю. В. Развитие цифровой экономики России как фактора повышения глобальной конкурентноспособности // Интеллект. Инновации. Инвестиции. 2017. № 5. С. 16-19.
2. Добрынин А.П., Черных К.Ю., Куприяновский В.П., Куприяновский П.В., Синягов С.А. «Цифровая экономика - различные пути к эффективному применению технологий (BIM, PLM, CAD, IOT, Smart City, BIG DATA и др.)». International Journal of Open Information Technologies ISSN: 2307-8162, no 1, 2016
3. Curran, 2018 , Gomber et al. 2018 , Бриньольфссон и Коллис, 2019
4. Fourcade and Kluttz, 2020, M. Fourcade, D.N. Kluttz A Maussian bargain: accumulation by gift in the digital economy Big Data & Soc., 7 (1) (2020), pp. 1-16 Google Scholar
5. Kai Li, Dan J. Kim, Karl R. Lang, Robert J. Kauffman, Maurizio Naldi, «How should we understand the digital economy in Asia? Critical assessment and research agenda», Electronic Commerce Research and Applications,Volume 44,2020,101004,ISSN 1567-4223, https://doi.org/10.1016/j.elerap.2020.101004. (http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1567422320300818)
6. Убайдуллаев, К., & Алымов, А. К. (2020). Перспективы развития промышленности в Республике Каракалпакстан. *Бюллетень науки и практики*, *6*(10), 258.
7. Атамуратова, Н. Б. (2020). Влияние информационных технологий на развитие туризма Узбекистана. *Бюллетень науки и практики*, *6*(12), 297-305.
8. Жиемуратов, Т. П., & Байжанов, С. Х. (2020). Improving the Economic Efficiency of Agricultural Production by its Diversification in the Republic of Karakalpakstan. *Бюллетень науки и практики*, *6*(12), 306-312.
9. Usmanova, Z., & Alimov, A. (2020). Problems of the Development of Tourism and Recreational Services in Uzbekistan in the Context of a Global Pandemic. *International Journal of Future Generation Communication and Networking*, *13*(4), 815-821.
10. Alimov, A. (2018). Main Directions and Prospects of Development of Ecological Tourism in the Republic of Karakalpakstan. *Abstract of the PhD dissertation on economic sciences, Samarkand*, 27-35.
11. Саидов, Д. Р., Алланазаров, Б. Д., & Алимов, А. К. (2016). Некоторые вопросы и особенности развития сферы услуг. Бюллетень науки и практики, (4 (5)).

Sh.Erniyazova – Student of The faculty of “Finance”, TFI,
S.Yunusova – Senior Lecturer of Department of “Valuation and Investments”, TFI

INFORMATION ECONOMY AS THE BASIS FOR ECONOMIC GROWTH AND INCREASING THE LEVEL OF WELL-BEING OF CITIZENS

Abstract: In the economic theory of post-industrial society, the information factor is distinguished as a production factor. It is closely related to the achievements of modern science, which has a decisive impact on the level of production efficiency, the process of training a qualified workforce and increasing the potential of human capital. Information provides the systematization of knowledge materialized into a system of mechanisms and machines, equipment, management and marketing models.

Аннотация: В экономической теории постиндустриального общества в качестве фактора производства выделяют информационный фактор. Он тесно связан с достижениями современной науки, оказывающей решающее воздействие на уровень эффективности производства, процесс подготовки квалифицированной рабочей силы и повышения потенциальных возможностей человеческого капитала. Информация обеспечивает систематизацию знаний, материализованных в систему механизмов и машин, оборудования, моделей менеджмента и маркетинга.

Annotatsiya: Postindustrial jamiyatning iqtisodiy nazariyasida axborot omili ishlab chiqarish omili sifatida ajralib turadi. Bu ishlab chiqarish samaradorligi darajasiga, malakali ishchi kuchini tayyorlash jarayoniga va inson kapitali salohiyatini oshirishga hal qiluvchi ta'sir ko'rsatadigan zamonaviy ilm-fan yutuqlari bilan chambarchas bog'liqdir. Axborot mexanizmlar va mashinalar, uskunalar, boshqaruv va marketing modellari tizimiga kiritilgan bilimlarni tizimlashtirishni ta'minlaydi.

Keywords: efficiency of the production process, intensive economic development, information society, knowledge economy, well-being of the population.

Ключевые слова: эффективность производственного процесса, интенсивное экономическое развитие, информационное общество, экономика знаний, благосостояние населения

Kalit so'zlar: ishlab chiqarish jarayonining samaradorligi, intensiv iqtisodiy rivojlanish, axborot jamiyati, bilim iqtisodiyoti, aholi farovonligi

Information as a factor of production is extremely necessary in modern conditions of functioning. It ensures the efficiency of decisions made, helps to develop entrepreneurial ability and increase the efficiency of the production process. The availability of information reduces the influence of such external factors as uncertainty. The theory of sustainable development is one of the complex

concepts; it is designed to solve the problem of uncertainty in the development of the macroeconomic system in the long term. Initially, the category of “sustainable development” was proposed as a response to the environmental challenges of our time and was understood in the sense of a conscious focus of development on the long-term provision of humanity with sources of natural resources, provided that the environment is not destroyed. However, gradually, the views of scientists on this issue became broader, in connection with which there were incentives to talk about the orientation of economic development to meet broad social needs, as well as to maintain the ability to meet similar needs of all future generations. Thus, the theory of sustainable development accumulates the provisions of theories of economic growth and development and is potentially capable of becoming a general theory of quantitative and qualitative economic development. Intensive economic development of many developed countries and their increasing involvement in the process of globalization has led to the emergence of terms such as "information society", "knowledge society". Currently, human capital and information resource have become the main factors in the development of modern society and the world economy as a whole. The information resource and the knowledge and information included in it are part of the accumulated and operating human capital, are its base and foundation. Computer scientists were the first to introduce the terms “information society” and “information economy” in relation to the most developed countries in the world.

The welfare levels of our state and many developed countries are different. We are at different stages of development; therefore, commodity relations have become a universal form of communication between individual counterparties that produce goods and services. At present, the main conditions that determine the well-being of an individual are his upbringing and education, respectively, the family and school are becoming the main social institutions that shape future well-being. No market mechanism can provide the consumer with a better and better life than he deserves in terms of his level of knowledge and degree of cultural education. Based on the received level of knowledge, a person forms a certain way of consumption, where the result should be the education of reasonable consumption. The result of creative work is the acquisition of information or knowledge. If the industrial era was characterized by the production and consumption of a material product, in the information society only that material product that will contribute to the development of the individual will be appreciated.

Information is largely a public good, and the act of recognizing a public good is its use in one form or another. In the production of goods and services, creativity is predominant. The result of creative work is the acquisition of information or knowledge. If the industrial era was characterized by the production and consumption of a material product, in the information society only that material product that will contribute to the development of the individual will be appreciated. In modern society, the functioning of the entire economic system will

cause a change in the main characteristics of the goods dominating in society. With the development of the information society, material well-being will no longer be as dominant as it is at present. A condition for increasing welfare will be a certain period equal to the total duration of time for the implementation of "higher activity".

In the information society, the theory of welfare is being modified: it is creative work that will form non-economic welfare, based on the fact that self-affirmation, self-education is a perfect good for human activity as a person. Many factors affect the standard of living. If the standard of living is taken as an economic category, then it will be influenced by such factors as real wages, real incomes of the population, the minimum wage, the subsistence level, and if we take the generalized indicator, then the value of GDP per capita, the share of it costs for final consumption, etc. If the standard of living is considered in close relationship with the quality of life of the population, then it will be influenced by the development of infrastructure, the state of health of the population, the ecological state of the environment, the availability of free time for people, etc.

All of the above has a direct impact on the well-being of the population, changing and improving it. Previously, the level of socio-economic development of a society was not measured by the total amount of time spent on creative activities of people. With the development of the information economy, welfare can be considered as a broad, capacious concept, which is a complex socio-economic phenomenon that unites and includes various characteristics of the style, lifestyle and quality of life of the population, which must be approached from a level point of view, taking into account, in addition, “the highest activity "in society. At the same time, total income is no longer seen as the main factor. It is presented as a necessary sub-factor for the development of higher activity, which contributes to an increase in the level of education and health of the individual. Raising the standard of living of the population is the most important direction in the development of the state as a whole, since a high standard of living helps to reduce socio-economic tension in the country, and to increase human satisfaction. A high level and quality of life allows an individual to more actively develop his spiritual and cultural human potential, to reveal himself as a person and always strives for improvement.

II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Н.А. Ибрагимов– СамИСИ, “Молия” кафедраси профессори в.б., и.ф.д.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда коронавирус пандемиясидан кейинги даврда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларини тиклаш, диверсификация қилиш ва ривожлантириш йўналишлари хизмат кўрсатиш соҳалари кесимларида аниқ ва асосланган тавсиялар орқали ёритилган.

Калит сўзлар: коронавирус пандемияси оқибатлари, туризм ва меҳмонхона хизматлари, умумий овқатланиш, савдо, тўй ва тантаналар ўтказиш хизматлари.

Аннотация: Данная статья посвящена определению направлений восстановления деятельности, диверсификации и развития предприятий сферы услуг в постпандемийный период, даны обоснованные рекомендации.

Ключевые слова: последствия коронавирусной пандемии, туристические и гостиничные услуги, общественное питание, торговля, услуги по организации свадеб и торжеств.

Abstract: This article is devoted to the identification of areas of rehabilitation, diversification and development of enterprises in the service sector in the post-pandemic period, well-founded recommendations are given.

Keywords: consequences of coronavirus pandemic, tourism and hospitality services, catering, trade, services on organization of weddings and celebrations.

Бозор иқтисодиёти қонунлари ҳар қандай шароитда ҳам бир хил ишлайди: талаб таклифни туғдиради, маҳсулотларига талаб кам ёки умуман йўқ бўлган корхоналар, соҳалар аста-секин инқирозга юз тута бошлайди.

Коронавирус пандемияси туфайли киритилган карантин чекловлари натижасида мамлакатлараро чегаралар ёпилди, юртимиз ҳудудида вилоятлараро, туман (шаҳарлар) аро транспорт ва аҳоли ҳаракатлари чекланди, баъзи ҳолларда, тўлиқ тўхтатилди. Коронавирус инфекцияси билан зарарланиш камая борган сари карантин чеклашлари юмшаб бориб, авваламбор, ишлаб чиқариш ва қурилиш ташкилотлари, сўнгра бошқа тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий объектлар фаолиятига инфекция тарқалишини олдини олувчи тадбирларни амалга оширган ҳолда (ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, қўлларни дезинфекция қилиш) фаолият кўрсатишга рухсат берилди.

Коронавирус пандемияси оқибатида энг кўп зарар кўрган хизмат

кўрсатиш корхоналари бўлди, озиқ-овқат савдоси ва дорихоналар орқали дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси бундан истисно. Туризм, транспорт, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси, меҳмонхона хизматлари, умумий овқатланиш, тўйхоналар ва кўнгилочар тадбирлар ташкил этиш хизматларига талаб пандемиядан кейин ҳам тўлиғича тикланмади.

Мамлакатимизда кўплаб тадбиркорлар бу соҳада бизнес юритишади, минглаб юртдошларимиз бу корхоналарда банд бўлиб, рўзғор тебратишарди. Менинг кузатишларим шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорларимиз пандемиядан олдинги фаолият даражасига чиқиш устида етарли иш олиб боришмаяпти. Натижада туман, шаҳар, вилоят даражасида йиллар мобайнида яратилган қувватлар тадбиркорлик, маҳаллий иқтисодиёт ривожига самарали ишламаяпти, тадбиркорлик ривожланиш учун етарли даромад ола олмаяпти, вақтинча ишсиз қолган оилалар иқтисодий ночор ҳолга келиб қолишмоқда.

Ушбу мақолада хизмат кўрсатишнинг ҳар бир йўналиши кесимида пандемиядан кейинги даврда мавжуд хизматлар кўрсатишни тиклаш, янгиларини очиш, олдинги миқдорда иш ўринларини тиклаш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича асосли тавсиялар берилади, зеро уларни фойдаланган ҳолда тадбиркорларимиз қисқа вақт мобайнида ўз бизнесларини тикласалар, зарур ҳолларда диверсификация қилсалар ва ривожланишга қараб ҳаракатларини кучайтирсалар.

Туризм ва меҳмонхона хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш

Вилоятда бугунги кунда жами 8 минг ўринли 160 та меҳмонхона ва 170 та оилавий меҳмон уйлари мавжуд, 134 та туристик синфга мансуб автобус, 106 та микроавтобуслар ва 30 та электромобил, 194 та туроператорлар ҳамда 300 та гид-таржимонлар томонидан маҳаллий ва хорижий фуқароларга сайёҳлик хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Мутахассисларнинг фикрларича, хорижий сайёҳларнинг оқимини пан-демиядан олдинги даражага чиқариш учун коронавирус инфекцияси тарқалиши тугаб, чегаралар очилгандан сўнг 3-5 йил зарур бўлиши башорат қилинмоқда.

Мамлакатимизда туризм иқтисодиётимизнинг ўсиш нуқталаридан, драйверларидан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда, бу йўналишда фаолият олиб борувчи тадбиркорларга пандемия даврида бир қатор имтиёзлар берилди, уларни амал қилиш муддатлари 2021 йилнинг охиригача узайтирилди. Туризмни ривожлантиришга масъул ташкилотлар, идоралар ва ҳокимликлар мамлакатимиз туристик жозибадорлигини ошириш, туристик салоҳиятимизни тўлақонли фойдаланиш, зиёрат туризмини ривожлантириш, тиббиёт ва бошқа турдаги туризм йўналишларини яратиш, маҳаллий туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишга киришишган.

Шу билан бирга, ҳар бир туристик корхона ва меҳмонхона сайёҳларни жалб этиш борасида янги усул ва воситалардан фойдаланишлари зарур.

Биринчидан, туристик компаниялар ва меҳмонхоналар ўз хизмат-

ларини кўрсатишни тарғиб қилишда информацион технологиялардан янада самарали фойдаланишлари, бутун дунёда оммавийлашиб кетаётган ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram, Twitter) да доимий иштироклари билан, мобил иловалар (Agoda.com, Booking.com, Hotels.com ва бошқалар) орқали турли меҳмонхона ва унинг хизматларига буюртмалар жойлаштиришда халқаро платформалардан фойдаланиш, бевосита 24/7 режимида банд этиш хизматларини таклиф этиш муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳар бир туроператор маҳаллий туризм йўналишида фаолиятини кучайтириши зарур. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда маҳаллий туризм туристик компанияларимиз учун муҳим ўсиш нуқтаси бўлиб ҳисобланади. Давлатимиз томонидан бу йўналишдаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилмоқда, янги ҳаво ва темир йўллар учун вилоятлараро янги маршрутлар киритилмоқда, маҳаллий туристларга транспорт қийматидан чегирмалар ва имтиёзлар бериш белгиланган, миллий байрамларни нишонлаш кунларига дам олиш кунларини қўшиб, қисқа муддатлаи саёҳатларга қулайликлар яратилган.

Учинчидан, ўз харажатларини оптималлаштириш, рақобатбардош нархлар таклиф этиш, ўз хизматлари маржасини қайта кўриб чиқиш ўта муҳим ҳисобланади. Кўп меҳмонхоналаримиз бўш турган бўлсада, менежерлар нархларини тушириш устида уйлашишмаяпти, нархлар юқорилигича қолмоқда. Меҳмонхоналаримиз соҳиблари юқори нарх ва тарифлар билан саноқли меҳмонлар билан чегараланиб, ҳамёнбоп нархлар таклифи орқали меҳмонлар оқимини ошириш ва, охири оқибатда, меҳмонхона даромадлигигига эришиш мумкинлиги охиригача тушуниб етишишмаяпти, вилоятимиздаги меҳмонхоналардан фойдаланиш хизматлари нархлари юқорилигича қолмоқда.

Тўртинчидан, хизмат сифатини юқори даражада бўлишини таъминлаш зарур. Ҳар қандай шароитда ҳам туристлар уйларидан узоқда, лекин уйларидагидек, ҳаттоки, ундан ҳам юқори хизматлар сифатини кутиб қолишади. Уни таъминлаш ҳар бир тадбиркорликнинг даромадлилигининг асосидир. Агарким, тадбиркорлар бозорнинг меҳмонхона сегментидан чиқишмоқчи, бошқа фаолият тури билан шуғулланиш йўналишларини излаган ҳолларда, меҳмонхонани кам харажат билан кейинги пайтда талаб ошиб бораётган тиббий хизмат кўрсатиш муассасасига айлантириш мумкин.

Умумий овқатланиш хизматлари ривожлантириш

Кейинги йилларда бу соҳа инвестицион жозибадор йўналиш бўлиб, кўп тадбиркорлар ресторан, кафе ва ошхоналар фаолиятини йўлга қўйишди, уларнинг сони барча ҳудудларда маротаба ошиб кетиб, бугунги кунда вилоятимизда 350 та ресторан ва кафелар фаолият кўрсатмоқда.

Пандемия шароитида умумий овқатланиш корхоналари аҳолига етказиб бериш хизматини кўрсатишни ривожлантиришди, уларнинг аксарияти бу измат турини пандемия туфайли киритилган чеклашлар юмшатилгандан кейин ҳам давом эттиришаяпти.

Бизнинг фикримизча, умумий овқатланиш хизматларига бўлган талаб аста-секин тикланади, аҳоли турмуш даражаси ошиб борган сари бу хизматлардан фойдаланиш ўса боради, бу соҳа ҳозирги шароитда ҳам инвестицион жозибадор бўлиб қолади.

Умумий овқатланиш корхоналари учун ўз фаолиятларини тўлақонли тиклаш ва ривожлантириш учун бир қатор тавсиялар ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, иссиқ таомлар, салатлар ва пиширикларни етказиб бериш хизматини янада такомиллаштириш, унинг сифатини ошира бориш, рақамлаштириш.

Иккинчидан, йирик ресторанлар савдо залини қисқартириб, бўшаган майдонларда умумий овқатланиш бошқа концепцияларини, масалан, ўзига-ўзи хизмат қилиш, кичик форматдаги хизматлар (кофе ва ширинликлар...), киритиш орқали умумий овқатланиш хизматларини кўрсатишни янги даражага олиб чиқиш мумкин.

Учинчидан, бошқаришни такомиллаштириш, уни мижозга қаратилганлик даражасини ошириб бориш, ўз номини, брендини тарғиб қилиш ва ривожлантириш.

Тўртинчидан, умумий овқатланиш хизматини кўрсатиш бўйича давлат харидларида, корхоналарга, ижтимоий соҳа объектларига аутсорсинг хизматлари кўрсатиш танловларида кенг иштирок этиш.

Бешинчидан, умумий овқатланиш хизматлари кўрсатиш замонавий тезкор ва арзон концепцияларини киритиш. Булар ўзига ўзи хизмат қилиш, кичик форматдаги чегараланган менюга ва индивидуаллашган хизмат турлари (сомсахона, пиццерия, паловхона ва ҳоказо), ғилдиракли мобил ошхоналар ташкил этиш.

Олтинчидан, шаҳарлараро автомагистрал бўйлаб тезкор умумий овқатланиш шохобчалари тармоғини яратиш. Иқтисодиёт ривожланган сари шаҳарлараро транспорт ҳаракати ривожланиб боради, йўлбўйи замонавий хизматлари, жумладан, умумий овқатланиш шохобчалари етмайди, мавжудларида хизмат кўрсатиш сифатида ўта паст. Бу йўналишдаги тадбиркорлик ўта даромадли ва етарлича жозибадор, деб ҳисоблаймиз.

Тўй ва тантаналар ташкил этиш хизматларини диверсификация қилиш ва ривожлантириш

Вилоятимизда 100 дан ортиқ тўйхоналар мавжуд, уларнинг ҳар бири 150 тадан 1000 тагача меҳмонларга бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатишарди. Ҳар бир тўйхона қурилиши ва фаолият қилиш ҳолатига тайёрлаш учун ўрта ҳисобда 2,0 млрд.сўмдан 100,0 млрд сўмгача инвестиция қилинган. Улар меҳмонлар учун жозибадор жойларда, чорраҳаларда жойлашишган.

Тўйхоналар коронавирус пандемияси туфайли киритилган чеклашларнинг биринчи кунидан бошлаб фаолиятларини тўхтатишганди. Бугунги кунда коронавирус пандемияси оқибатларини пасайтириш бўйича республика махсус комиссияси қарори билан оммавий тадбирлардаги

иштирокчилар сони 30 киши билан чекланганлиги сабабли тўйхоналар қисман фаолият қилиб келмоқда.

Республикамизда пандемиядан олдин ҳам тўйларда исрофгарчиликларни олдини олиш, ижтимоий ҳаётдаги кимошарликнинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида меҳмонлар сонини 150-200 нафар билан чеклаш тартиби киритилган эди.

Пандемия даврида халқимиз ўз турмуш тарзи, жумладан, тўй-томошаларни ўтказишга ҳам бошқача қарашга, уларни кескин камайтиришга томон интилишлари тўйхоналар бундан кейин жуда кам ҳолларда тўлиши мумкинлигига иқрор бўламиз.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, тўйхоналар хизматларига талаб пандемия туфайли чеклашлар тўлиқ олиб ташланган кейин ҳам олдинги ҳолатга келмайди ва бир неча баробар кам бўлади. Ярим банд тўйхоналар залларида онда-сонда тўйлар ўтказилади, тўйхоналарнинг даромад даражаси тушиб кетади. Агар унга боғлиқ тарзда хизмат кўрсатиш сифати тушиб кетса, баъзи тўйхоналар ўз бозорларини тамоман йўқотишади.

Тўйхона хизматларига талаб таклифдан бир неча баробар камайиб кетмоқда.

Бу ҳолатда тўйхоналар хизмати кўрсатувчи корхоналарга қанақа тавсиялар ўринли бўлади?

1. Ўз жозибадорлиги билан юқори талаб билан фойдаланилаятган тўйхоналарда меҳмонлар залларини оптималлаштириш, кичрайтириш, битта зал ўрнига 2-3 та зал барпо этиш орқали умумий меҳмонлар сонини сақлашга эришиш. Бунда бир вақтнинг ўзида 2 ва ундан ортиқ тадбирни ташкил этиш имконияти пайдо бўлади. Бу каби ўзгаришни режалаштирганда қайта қургандан кейинги меҳмонлар зали безаш нуқтаи назаридан яхлитлиги, меҳмонларнинг кириш-чиқиш имкониятлари, хизмат кўрсатиш барча инфраструктураси сақланишига эътибор бериш зарур. Вилоятимиздаги бир қатор тўйхоналар, жумлада, “Diyora” тўйхонаси меҳмонлар залларини кичрайтириб, барча шароитларни яратган.
2. Дислокацияси қулай бўлган тўйхоналарда меҳмонлар залини кичрайтириб, қолган биноларда аҳолига умумий овқатланиш хизматларини ташкил этиш. Бу ҳолда таомлар тайёрлаш қувватлари ҳам тўйхонага, ҳам умумий овқатланиш қисмига ишлаши мумкин бўлади ва хизмат нархларини рақобатбардош даражасида ушлаб туришга шароит яратилади.
3. Тўйхонани қисман ёки тўлиқ бошқа фаолиятга мослаштириш. Мамлакатимизда бир қатор хизмат турларига талаб етарлича қондирилмаган, уларга талаб тобора ошиб бормоқда. Таълим соҳасида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, чет тилларини ўрганиш, турли касбларга ўқитиш хизматалри, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш шулар жумласидандир. Аҳолига қулай жойлашган тўйхоналарни янги хизмат кўрсатиш йўналишларига мослаштириш тадбиркорлар даромадларини

олдинги фаолият туридан кўпроқ даромад келтириши, ҳудудда олдингидан кўп аҳоли бу хизматларни кўрсатишда банд бўлиши мумкин.

4. Тўйхоналарни тўлиқ ишлаб чиқариш тадбиркорлигига мослаштириш. Тўйхоналар залларининг яхлитлиги уларда дори воситалари ишлаб чиқариш, тайёр кийимлар тикиш, компьютер, телевизорлар, уяли телефонлар каби турли кичик ҳажмдаги электр жиҳозлари йиғишни ташкил этишга имконият бўлиб ҳисобланади.

Савдо хизматлари ривожлантириш

Пандемия пайтида озиқ-овқат савдоси йўналишидаги тадбиркорлик ривожланиб кетди, транспорт ва аҳоли ҳаракати чекланишлари эълон қилинганда кўпчилик саросимага тушиб, одатдагидан бир неча баробар кўп харид қилишди, ҳаттоки баъзи маҳсулотлар танқислиги ва уларнинг нархлари маротаба ошиш ҳоллари қайд этилди. Шу билан бирга, ҳомийлар орқали аҳолининг эҳтиёжманд қисмига кўп миқдорларда озиқ-овқат маҳсулотлари етказилиб берилиши билан ҳам савдо айланмалари ошиб кетди, аҳоли учун етказиб бериш хизмати ташкил этилди.

Шу билан бирга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконлар узоқ муддат фаолият кўрсатмай келди, уларнинг фаолиятларига рухсат берилгандан кейин эса, олдингидек савдо ҳажмларига эриша олишмади. Бир томондан, оммавий тадбирлар, оилавий ва корпоратив тадбирлар камайиб, улар учун совғалар, турли сарполар хариди камайган бўлса, иккинчи томондан, аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари харидига устуворлик беришга мажбур бўлди.

Пандемиядан кейин ҳам озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж молларига талаб юқорилигича сақланиб қолади, рақобат ва ҳар бир харидор учун кураш кучаяди. Бу йўналишда ўз фаолиятлари даражасини сақлаш ва янада ривожланиш учун савдо хизматини кўрсатиш супермаркет каби замонавий турлари билан бирга, кичик форматдаги кенг ассортиментли аҳолига яқин дўконлар хизматларига талаб юқори бўлади.

Албатта, барча савдо хизмат кўрсатувчи корхоналар орасида харидор учун кураш янада кучаяди, рақобат муҳитида даромадлиликка чиқишнинг асосий йўли – харидорга фақат ва фақат сифатли маҳсулотларни таклиф этиш, хизмат кўрсатиш сифатини тинмай ошириб бориш, харидорга қўлайлик бўладиган янги усулларни киритиб бориш бўлиб ҳисобланади.

Коронавирус пандемияси оқибатлари, ҳар қандай инқироз каби, бир томондан, муаммолар тўғдирса, иккинчи томондан имкониятлар яратади. Шунинг учун, бу муаммолар билан юзма-юз бўлган хизмат кўрсатиш корхоналари бу инқироздан кучли бўлиб чиқишлари учун юқорида берилган тавсиялардан унумли фойдаланиб, олдингидан ҳам кучли бўлиб, ўз фаолиятларини муваффақиятли давом эттиришлари учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5969-сонли фармони. https://lex.uz/docs/4770761
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелидаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5978-сонли фармони. https://lex.uz/docs/4780475.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5986-сонли фармони. https://lex.uz/docs/4800005
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5996-сонли фармони. https://lex.uz/docs/4815474
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6002-сонли фармони. https://lex.uz/docs/4831118
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4752-сонли қарори. https://lex.uz/docs/4857409
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6029-сонли фармони. https://lex.uz/docs/4903382

А.А. Хачатрян– декан медицинского факультета, к.м.н., доцент.Армяно-Российский международный университет «Мхитар Гош», (Республика Армения).

А.С. Мадаханов– руководитель ООО ”PHYSIUS-SAN”, канд. мед.наук, и.о. доцента, (Республика Узбекистан).

ИННОВАЦИЯ И ЦИФРОВИЗАЦИЯ СФЕРЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ – ВАЖНЕЙШИЕ УСЛОВИЯ В СОЗДАНИИ ЕДИНОЙ СИСТЕМЫ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ В МИРНОЕ ВРЕМЯ И В ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ В РЕСПУБЛИКЕ АРМЕНИИ

Аннотация. Мақолада**,** соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғимларига инновацион ёндошиш ва рақамлаштиришга асосланган технологияларни кенг жорий этиш, тизим фаолиятининг нафақат тинчлик, балки фавқулодда ходисалар шароитида ҳам самаралилигини таъминлайдиган имконият эканлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: соғлиқни сақлаш; фавқулодда ходисалар; инновация; рақамлаштириш; пандемия; катастрофа; рақамлаштирилган кўникмалар; телемедицина технологияси.

Аннотация. В статье подчеркивается, что широкое внедрение во все звенья здравоохранения, технологии, основанной на инновационном под-ходе и цифровизации, является важнейшим условием, обеспечивающим эффективное функционирование системы не только в мирное время, но и в случаях чрезвычайных ситуаций.

Ключевые слова: здравоохранения; чрезвычайная ситуация; инновация; цифровизация; пандемия; катастрофа; цифровые навыки; телемедицинская технология;

Abstract: In the article, it is noted that the wide introduction of technologies based on innovative orientation and digitization into all parts of the health care system is an opportunity that will ensure the effectiveness of the system's activities not only in peace, but also in the conditions of emergency personnel.

Keywords: health; emergency; innovation; digitalization; pandemic; disaster; digital skills; telemedicine technology

Организация и оказание своевременной и полнокровной медицинской помощи населению как в мирное время, так и в условиях чрезвычайных ситуаций, во все времена являлась одной из важнейших задач медицины и здравоохранения. Она приобретает трудно переоцениваемое значение особенно в настоящее время, которое характеризуется тенденцией учащения случаев аварий, катастроф и стихийных бедствий, пандемии, войн происшедших в последние годы в различных регионах мира, в том числе и в Республике Армении. Естественно, чрезвычайные ситуации, не зависимо от причин возникновения и развития, обращает на себя внимание, прежде все-го с точки зрения численности человеческих жертв. Следует также особо отметить отдаленные последствия происшествий, которые, порою на долгое время приковывают свои жертвы к постели. Эти обстоятельства ос-тро ставят вопрос пересмотра многих, ставших традиционными, подходы к организации и оказанию экстренной медицинской помощи населению в чрезвычайных ситуациях и в мирное время [4].

Для решения этих важнейших задач было предложено разработать программу «Цифровая экономика» в сфере здравоохранения Республики Армении(РА), базирующийся на инновационном подходе к проблематике охраны здоровья, профилактике наступления инвалидности и смерти в связи с воздействием факторов и условий как мирного времени, так и чрезвычайных ситуаций. В 2017 году в Республике Армения была разработана «Повестка цифровой трансформации Армении до 2030 года» — рамочный долгосрочный документ, определяющий основные направле-ния и целеполагание цифровой трансформации страны. В этом документе определены шесть ключевых направлений цифрового развития Армении: цифровое правительство, цифровое здравоохранение, цифровые навыки, инфраструктура, кибербезопасность, частный сектор и институциональ-ные основы [5].

- Гора Артаниш: На северо-восточном берегу Севана в провинции Гегаркуник находится гора Артаниш (2461 м). Эта природная достопримечательность уникальна тем, что с вершины открывается невероятно красивый вид на озеро и окружающие горные хребты.
- Гора Ишханасар: Ишханасар – живописная горная цепь в Сюникской области с высшей точкой Большой Ишханасар (3550 метров). На склоне горы расположено красивейшее озеро Севлич (Черное озеро), где разводится армянская форель “ишхан”. Летом вода в озере прогревается настолько, что в ней вполне комфортно купаться.
- Гора Хуступ – самая высокая точка горного массива Хуступ-Катари. Гора расположена в Сюникской области, недалеко от города Капан. Высота горы Хуступ – 3205 метров.
- Гора Ухтасар: находящаяся близ города Сисиан – это далеко не простая гора. Склоны Ухтасар являют собой настоящий археологический музей под открытым небом. Здесь можно найти множество скал, испещренных тысячами древних петроглифов с изображением людей и животных. На месте кратера находится ледниковое озеро, возле которого круглый год лежит снег[7].

Единственным выходом из сложнейшей сложившейся ситуации, стала разработка инновационных маршрутов. С помощью цифровых технологий они стали доступнее и ближе для потребителя. В следствии этого туроператоры Армении смогли сохранить работу, обеспечить минимальную финансово-экономическую стабильность и противостоять вызовам пандемии. У людей всегда будет потребность в путешествиях и отдыхе, поэтому мы должны обеспечить способы удовлетворения этих потребностей не смотря на новые вызовы. Природа и природные ресурсы Армении позволяют постоянно разрабатывать новые маршруты и делать инновационные предложения. В этом деле очень помогают современные технологии, в том числе

цифровизация туристической индустрии, без которых уже не возможно представить нашу жизнь.

Выводы и предложения. Пандемия COVID-19 не могла не затронуть и Армению, последствия которой выражалась не только в существенном падении социально-экономических показателей, но и в ухудшении психологических характеристик населения. Обобщения опыта работы представителей туристической индустрии республики, в условиях пандемии, позволило выработать следующие рекомендации: - в условиях пандемии, считаем целесообразным разработать инновационные туристические маршруты для практически здоровых людей , позволяющие существенно снизить у них психологическую нагрузку , вызванную пандемией ;

- требования, предъявляемые к туристам по обеспечению строгого соблюдения ими карантинных условий в пути следования, а также в период пребывания в туристических дестинациях, должна не принудительной, а убедительной, щадящей ;

- в комплексе мер, направленных на совершенствованию организации и повышению качества и эффективности современной туристической индустрии цифровизация и широкое использование цифровых технологий должна занимать ведущее место, как инструмент, обеспечивающий рациональное управление туристической индустрией, особенно в условиях пандемии.

Список используемой литературы

1. TRAVEL & TOURISM ECONOMIC IMPACT 2019 WORLD (https://www.slovenia.info/uploads/dokumenti/raziskave/raziskave/world2019.pdf)
2. Вестник МОТ. выпуск 2: COVID-19 и сфера труда, 7 апреля 2020 (https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/briefingnote/wcms_742254.pdf)
3. Вестник МОТ. выпуск 2: COVID-19 и сфера труда, 29 апреля 2020 (https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/briefingnote/wcms_743625.pdf)
4. MINISTRY OF ECONOMY OF THE REPUBLIC OF ARMENIAhttps://www.mineconomy.am/page/89
5. Новиков В.С. , «Инновации в туризме», 2010, -208с.-37
6. UNESCO, https://whc.unesco.org/en/list/777/
7. Туристская Армения, Геворгян Ф.А., 2006.-ст.172

Б.Н. Навруз-Зода – Бухоро давлат университети профессори, и.ф.д.

ТУРИЗМ БИЗНЕСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР МОДЕЛИ

Аннотация. Мақолада туризм соҳасида кластерлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади ва ҳудудий туристик кластерини шакллантиришнинг муаллифлик модели тавсия этилади.

Калит сўзлари: туризм, туристик кластер, туристик кластерлаштириш, туристик дестинация, кластер ядроси, бизнес ҳамкорлари.

Аннотация. В статье рассматривается особенности кластеризации в сфере туризма и рекомендуется авторская модель формирования регионального туристского кластера.

Ключевые слова: туризм, туристический кластер, кластеризация в туризме, туристская дестинация, ядро кластера, бизнес партнёры.

Abstract. The article discusses the features of clustering in the field of tourism and recommends the author's model of formation a regional tourism cluster.

Key words: tourism, tourism cluster, clustering of tourism, tourist destination, the core of the cluster, business partners.

Иқтисодий кластерларини ривожлантириш назариясининг асосчиси, Гарвард университети бизнес мактаби профессори Майкл Портер “мамлакат рақобатбардошлигига унинг алоҳида фирмалари рақобатбардошлиги билан эмас, балки турли соҳалардаги фирмаларини бирлашмаси сифатидаги *кластерларнинг* халқаро рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан қараш керак”[21], деб бежиз таъкидламаган. Чунки, бу фикрнинг амалий тасдиқи сифатида жаҳонда муваффақият билан фаолият кўрсатаётган кластерлар сони бўйича *энг яхши бешталикка* кирадиган мамлакатлари илғор тажрибаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Франция - парфюмерия ва косметика ишлаб чиқаришга ихтисослашган 96 та кластерлари; Италия – сопол кафеллари ишлаб чиқаришига ихтисослашган 206 та кластерлари; АҚШ –дастурий таъминоти яратишга ихтисослашган 380 та кластерлари; Буюк Британия – биотехнологияларига ихтисослашган 168 та кластерлари ва Ҳиндистон – компьютер технологияларга ихтисослашган 106 та кластерлари билан тегишли маҳсулот турлари бўйича дунёда шуҳрат қозонганлигининг асосий сабаби, ушбу мамлакатларда ихтисослашган инновацион кластерларининг самарали амал қилиб келаётганлиги билан чамбарчас боғлиқлигидадир[22].

Ўзбекистонда ҳам туристик хизматлар кўрсатишга ихтисослашган кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг инновацион технологиясини ўзлаштира олган тақдирда миллий туристик маҳсулотлари

[21]Майкл Портер. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. https://e-libra.ru/read/505455-konkurentnoe-preimuschestvo-kak-dostich-vysokogo-rezul-tata-i-obespechit-ego-ustoychivost.html [15.01.2020].

[22] Кластеры в современном мире: рейтинг самых развитых стран. https: //yandex.uz /turbo? text=https% 3A% 2F% 2Fppt. ru%2Fnews%2F134649 [15.02.2020]

билан жаҳон туристик хизматлар бозорида муваффақиятга эришиб, мамлакатимизни халқаро сайёҳлик марказига айлантириш имкони ошади.

Туризмда кластерлаштириш – бу туризм соҳасида бир-бири билан занжирсимон боғланган хизмат кўрсатувчи субъектлари фаолиятини самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсади ҳудудий жиҳатдан яқин жойда тўпланиш жараёнидир. Туристик кластерларни шакллантириш деганда, биз туристларнинг кўзлаган сайёҳат мақсадларига биноан уларнинг сайёҳлик эҳтиёжларини қондира оладиган, инфра- ва инфотузилмага эга бўлган, мосланувчан туристик таклиф тизими билан характерланадиган *стратегик тижорат бирлиги* сифатидаги туристик кластерларни ташкил этиш жараёнини тушунамиз. Туристик кластерлаштиришдан асосий мақсад – сайёҳлик талаб ва таклифнинг уйғун бирлигини маркетинг усулида бошқариш тизимини яратиш ҳамда шакллантирадиган жозибадор туристик кластерларнинг рақобат устунлигини оширишдадир.

Туристик кластерлаштириш жараёнини амалга ошириш учун дастлаб сайёҳат мақсадини аниқлаб, кластерга кирадиган объектларини танлаб олиш керак бўлади. Сўнгра, туристик кластерларни шакллантирувчи асосий омилларини таҳлил қилиш ва кластерлаштиришнинг асосий тамойилларини асослаш лозим. Ниҳоятда, туристик кластерлаштиришнинг мезонларини ишлаб чиқилган ҳолда жозибали туристик кластерлари яратилади.

Кластерларни яратишда ҳамкорларни кластер тузилмасига ихтиёрий қатнашиш, кластер тизимидаги тадбиркорлик субъектлари ўз-ўзини ташкил этиш, бизнес ҳамкорлари ўртасида вертикал ва горизонтал алоқаларини оқилона нисбатини ўрната олиш, ички рақобат ва инновацион ривожланиш каби тамойилларга риоя қилиш талаб этилади.

Туризм соҳасида кластерларни шаклантирувчи муҳим аломат сифатида кластерга биршлаштириш ниятидаги хизмат кўрсатувчи субъектларнинг “географик яқинлиги” хизмат қилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) тавсиясига кўра кластерга киритиладиган корхоналар бир-биридан 200 км.дан узоқ радиусда жойлашмаган бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланиб ўтилган[23]. Шунинг учун, туристик кластерларини ташкил этишда туристик дестинацияларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда “туристик дестинация” деганда, сайёҳат мақсадини амалга оширадиган туристик ҳудуд назарда тутилади. Бундай ҳудудлар потенциал сайёҳлар томонидан шакллантирилади ва туристик кластерининг пойдевори сифатида хизмат қилади (1-расм).

Айнан туристик дестинациялар негизида кластер ядроси шакллантирилади ва **у** туроператор ва турагентлар, жойлаштириш объектлар, овқатланиш масканлар, ҳолдиқ чиқариш ва кўнгилочар жойлар, совға дўконлар, маиший хизмат уйи, транспорт корхонаси ва бошқа туризм тадбиркорлик субъектларидан таркиб топади.

[23] Smart guide to cluster policy. European Union, Belgium, 2016.60 p.URL of EU Cluster Portal: http://ec.europa.eu/growth/smes/cluster/ [23.04.20].



1-расм. Туристик кластернинг тузилиши[24]

Туристик кластернинг учинчи қатламидаги тузилма – бизнес ҳамкорлар ҳисобланади.Кластер доирасида банк-молия, таълим, инновация ва инвестицияларни ривожлантириш, хавсизлик ва соғликни таъминлаш информацион ахборот технологияларини қўллаш билан боғлиқ тадбиркорлик субъектлари ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатадилар.

Шундай қилиб, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг иқтисодиёт соҳаларида кластер усулидан фойдаланиш ғоясини туризм соҳасида кенг кўламда қўллаш эвазига, ушбу соҳани Ўзбекистон иқтисодиётининг драйверига айлантириш имкони янада кенгаяди.

И.С.Тухлиев – СамИСИ, “Туризм” кафедраси профессори, и.ф.д.,
У.М.Носирова – СамИСИ, МТФ-119 гуруҳ магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ГЕОАХБОРАТ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: Мақола туризм соҳасининг геоахборат тизимини ривожлантиришда рақамлаштириш технологиясини қўллаш хусусиятларига боғишланган. Шунингдек, мақолада иқтисодиётни рақамлаштириш жараё нида геоахборот билан таъминлашнинг стратегик мақсадлари белгиланган. Рақамли технологиялардан фойдаланган холда вилоятларда кенг профилдаги амалий геоахборот тизимини шакллантириш таклиф қилинган.

Калит сўзлар: туризмда геоахборат тизими, рақамли иқтисодиёт, рақамли технология, туристик фирма ва мехмонхоналар хизматларини рақамлаштириш.

Аннотация: В статье рассматриваются особенности внедрения цифро вых технологий в развитие геоинформационных систем(ГИС) туризма. В статье также

[24] Манба: муаллиф ишланмаси.

определены стратегические цели обеспечения цифровой экономики геоинформационноми системами. Даны предложения по формированию пратических ГИС широкого профиля в туризме.

Ключевые слова: геоинформационные системы в туризме, цифровая экономика, цифровые технологии, цифровизация туристских, гостиничных услуг.

Abstract: The article discusses the features of the implementation of digital technologies in the development of geographic information systems (GIS) tourism. The article also defines the strategic goals of providing the digital economy with geoinformation systems. Proposals are given for the formation of a wide-profile practical GIS in tourism.

Keywords: geoinformation systems in tourism, digital economy, digital technologies, digitalization of tourism and hotel services.

Дунё мамлакатлари ривожланишининг замонавий шартларидан бири ахборотлаштиришда электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт стратегиясини тезкор ва тўғри амалга ошириш билан боғлиқ бўлмоқда. Жамиятда иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларни тизимли ва сифатли амалга оширишда, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини самарадорлигини оширишда иқтисодиётни рақамлаштириш долзарб масалалар қаторига киритилди.

Кейинги ўн йилликда дунё миқёсида саноат инқилоби билан боғлиқ анъанавий иқтисодиётдан рақамли иқтисодиётга ўтиш кескин суръатлар билан рўй бермоқда. Замонавий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги янги йўналишлар аввало Й.Шумпетер ғоясига асосланган инновацион иқтисодиёт[25], АҚШлик олим Д.Белл томонидан асосланган постиндустриал жамиятнинг ривожланиш тенденциялари[26], Ж.Хокинснинг билимлар иқтисодиёти ёки креатив иқтисодиёт назарияси[27], Й.Бенклернинг “Digital Economy” деб номланган илмий ишларида келтирилган концепцияларида илгари сурилган тармоқли иқтисодиёт[28] ҳамда Д.Тэпскотт томонидан киритилган рақамли иқтисодиёт[29]дан иборат бўлмоқда. Ўзбекистоннинг бугунги стратегик ривожланишида ҳам айнан рақамли иқтисодиёт концепцияси илгари сурилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрда “Рақамли Ўзбекистон- 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари

[25]ШумпетерЙ.А.Теория экономического развития. Капитализм,социализм и демократия.М.:Эксмо,2007.862 с.
[26]Белл Д.Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. М.:Academia, 1999.956 с.
[27]Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. London: Penguin, 2001.
[28]BenklerY.The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom.New Haven, Conn: Yale University Press, 2006. 515 p.
[29]TapscottD.The digital economy: promise and peril in the age of networked intelligence. NewYork; Montreal: McGraw-Hill, 1996. 342 p.

тўғрисида”ги Фармони[30] қабул қилинди. Стратегия Ўзбе кистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди. Шу туфайли тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ электрон ҳукуматни жорий қилиш ва рақамли иқтисодиётни барпо этиш стратегияси ўз ичига мамлакат даражасида қабул қилинган давлат дастурларидан тортиб уни амалга оширишга мўлжалланган барча лойиҳаларини ҳам қамраб олади.

Ўзбекистонда кейинги вақтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Шу билан бирга, соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимига интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурий ҳужжатлар тарқоқ эканини кўрсатмоқда.

Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш мақсадида 2018 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг қарори қабул қилинган эди. Унга кўра рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, «блокчейн» технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Рақамли иқтисодиётдаги геоахборот технологиялар тўғрисида кўпроқ тасаввурга эга бўлиш учун уларни аналог иқтисодиётнинг геофазовий технологиялари билан солиштириш мумкин. Туризмда, объектлар ва уларнинг қисмларининг жойлашишини турли хил тафсилотлар ва аниқликларнинг каталоглари, яъни виртуал дискрет моделлари каталоглари кўринишида тавсифловчи маълумотлар қаторлари яратилади.

Рақамли иқтисодиётни геоахборот билан таъминлашнинг янги

[30] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрда “Рақамли Ўзбекистон- 2030” стратегия сини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // lex.uz.

ёндашувини амалга ошириш бир қатор стратегик мақсадларни белгилашга тўғри келади.

Жумладан иқтисодиётни рақамлаштиришда биринчи стратегик мақсад сифатида, геоахборот рақамли платформани яратишни белгилаш керак, бу фазовий муаммоларнинг барча жиҳатларини иқтисодиёт, ҳукумат, жамият ва алоҳида фуқаролар манфаатларини ҳал қилишни таъминлайди.

Иккинчи стратегик мақсад-геоахборат ресурсларни ўз ичига оладиган ҳақиқий ва виртуал фазовий объектларни компютер хариталари тизими сифатида ягона геоахборот маконни шакллантириш ва фойдаланиш учун яратилган геокогнитив технологиялар платформаси асосида ахборот-коммуникация воситалари ва геоахборот инфратузилмасини ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бугунги кунда туризмда геоахборот технологияларни қўллаш одатий соҳа бўлиб ҳисобланади. Аммо мамлакатимизда геоахборот технологияларидан фойдаланган холда худудлардаги туристик-рекреацион объектлар бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш ҳамда туристик фирма ва мехмонхоналар хизматларини рақамлаштириш жараёни бошланғич фазада ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган. Ҳукумат уч ой муддатда зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 та га етказиш бўйича чора-тадбирларни белгиласин[31]...”деб такидладилар. Дархақиқат Ўзбекистон да янги уйғониш-Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилиш шароитида мамлакатимизда туризмини жадал ривожлантириш учун уни самарали ташкил этишнинг инновацион усулларини қўллашни тақозо этмоқда, бундай усуллардан бири рақамлаштириш технологиялари ҳисобланади.

Ушбу масалани ҳал қилиш мақсадида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм” кафедраси олимлари томонидан геоахборот технологияларидан фойдаланган холда худудлардаги туристик-рекреацион объектлар бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш ҳамда туристик фирма ва мехмонхоналар хизматларини рақамлаштириш жараёни бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий меъросга, ноёб табиий-туристик салоҳиятга эга бўлган минтақалари учун зарурий рақамли технологиялардан фойдаланган холда қуйидаги вазифаларни ечишга ёрдам берувчи кенг профилдаги амалий геоахборот тизимини шакллантиришни таклиф қиламиз:

- рақамли иқтисодиёт фаолияти доирасида ахборотга ишлов беришнинг миллий тизимларидан бири бўлган минтақавий туризм учун геоахборот тизимини яратиш;

[31] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиѐевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/ru/lists/view/3324 (мурожаат санаси: 24.01.2020).

- туристик-рекреацион объектлар бўйича маълумотларни ҳамда туристик фирма ва мехмонхоналар хизматларини рақамлаштириш;
- геотуризм ва унинг объекти бўлган геопарклар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва рақамлаштириш;
- экологик туризмни ривожлантиришда Ўзбекистоннинг алоҳида қўриқланадиган табиий худудлари учун геоахборот тизимининг универсиал моделини ишлаб чиқиш;
- геоахборот тизими асосида туризмнинг турли жараёнларини ва ҳодисаларини моделлаштириш;
- геотуризмнинг электрон ва рақамли хариталарини ишлаб чиқиш;
- туристлар учун геоахборот тизими ва интернет технологиялари асосида туризм хизматларининг мобил online иловаларини тайёрлаш;
- ВЕБ-геоахборот тизими–серверларининг технологик стратегияларини ишлаб чиқиш;
- геотуризм мутахассисларини тайёрлаш мақсадида дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДАГИ ТУРИЗМ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ

Аннотация: Туризм дунё иқтисодиётида ўзининг иқтисодиётнинг транспорт, йўл ва қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш, миллий ҳунармандчилик ва маданият соҳаларни ривожлантириш омили ҳисобланади. Covid- 19 инфекцияси муносабати билан дунё мамлакатлари томонидан кириш, чиқиш, барча турдаги қатновларнинг таъқиқланиши ҳамда ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш фаолиятларига жорий этилган чекловлар иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кескин пасайишига сабаб бўлди. Мақолада Covid- 19 инфекция-сининг туризм соҳаси мисолида мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон иқтисодиёти ҳамда иқтисодий хавфсизлигига даражасига салбий таъсирлари баён этилган.

Калит сўзлар: туризм, туризм субъектлари, инфекция, пандемия, иқтисодиёт, иқтисодий ўсиш, иқтисодий хавфсизлик, пандемия оқибатлари**.**

Аннотация: Туризм является фактором развития мировой экономики в сферах транспорта, дорог и строительства, торговли и услуг, национальных ремесел и культуры. Из-за вируса Covid-19 страны по всему миру запретили въезд, выезд, все виды поездок и наложили ограничения на производство, торговлю и услуги, что привело к резкому снижению экономического роста, занятости и доходов. В статье описывается негативное влияние распространения Covid-19 на уровень экономической безопасности стран, в частности Узбекистана, на примере туристической отрасли.

Ключевые слова: туризм, субъекты туризма, инфляция, экономической безопастность, исходы пандемия.

Abstract: Tourism is a factor in the development of the world economy in the areas of transport, roads and construction, trade and services, national crafts and culture. Due to

the Covid-19 infection, countries around the world have banned entry, exit, all types of travel and imposed restrictions on production, trade and services, resulting in a sharp decline in economic growth, employment and income. The article describes the negative impact of Covid-19 infection on the level of economic security of countries, in particular Uzbekistan, using the example of the tourism industry.

Keywords: tourism, tourism entities, inflation, economic security, pandemic outcomes.

XXI аср биринчи 20 йиллиги дунё иқтисодиёти ва жамияти учун жуда кўп ташвиш ҳамда молиявий зарарлар келтирган инқироз, эпедимия ва пандемия каби ҳодисалар билан характерланмоқда. Унинг келиб чиқиши объектив ва субъектив сабаблари муҳокамаси ҳамда айбдорлар бўйича хулоса масаласи сиёсатшуносларнинг вазифаси ҳисобланади. Олимлар ва амалиётчилар шу каби ҳодисаларнинг мамлакатлар иқтисодий ўсиши, аҳоли турмуши ва мамлакат иқтисодиёт хавфсизлиги даражаларига таъсирига баҳо бериши ҳамда улар оқибатини бартараф этиш йўлларини илмий асослаб бериши зарур ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланишнинг классик назарияси вакиллари А. Смит, Д. Рикардо, А.Маршал, Г.Мальтус, С.Сисмонди [1], Ж. Гэлбрейт [2] ва Н.Д.Кондратьевлар [3] кризиснинг хусусиятлари тўғрисида ўз қарашларини баён этган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2020 йил мартида Хитойнинг Ухан шаҳрида аниқланган Covid-19 инфекцияси тарқалиш суръати юқорилиги ҳамда зарарланиш йўллари кўплиги сабабли дунёнинг барча давлатларини уни олдини олиш бўйича кескин чоралар кўришга чақирди. Инқироз оқибатида бир маромда фаолият юритиб келаётган тизим ишлаш тамойиллари бузилиши натижасида хаос (тартибсизлик)юзага келади. Ушбу тартибсизликларни бартараф этиш ва тизим фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган ҳаракатлар оқибатида муқаддам мавжуд тизимдан фаолроқ, қисман янгиланган ёки бутунлай самарали янги тизим шаклланиши мумкин. Бунинг натижасида инқироз жамият (соҳа) ривожланиши учун туртки вазифасини бажарувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Дунёнинг барча давлатлари инфекция тарқалишига қарши курашиш мақсадида инсонлар, транспортлар ҳаракатланишига чекловлар киритди ва барча оммавий тадбирларни номаълум муддатга кечиктириш чораларини кўрди. Халқаро қатновлар ва товар айланмаси қисқарди, тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳамда давлатлараро визалар бериш вақтинчалик тўхтатилди.

Пандемия муносабати билан дунёнинг қарийиб барча давлатларида ўрнатилган тўлиқ ва қисман чекловлар оқибатида 2020 йилда туризмнинг дунё ЯИМдаги улуши 2,2 трлн. АҚШ доллари ёки 2,8 фоизга камайди. Жорий этилган чекловлар дунё бўйича туризм соҳасида фаолият юритган 120 млн. кишини ишсиз қолишига сабаб бўлди. Мамлакатларга кириш ва чиқишнинг чекланиши ҳаво, темир йўл ва автотранспорт қатновларини тўхташи сабабли

туристлар сони 2020 йилга нисбатан 56 фоизга қисқарди.

Cushman & Wakefield компанияси ҳисоб-китобларига кўра мамлакатларга кириш ва чиқишнинг чекланши ҳамда таъқиқланиши ҳисобига 2020 йил 1 –ярмида меҳмононалар даромади Санкт-Петербург шаҳрида 79 фоиз, Прагада – 73,6 фоиз, Римда – 73,3 фоизга камайган.

Дунё бўйича мавжуд 217 туристик йўналишларнинг пандемия туфайли Европада 83 фоизи, Шимолий ва Жанубий Америкада 80 фоизи, Осий-Тинчокеани мамлакатларида 70 фоизи, Яқин Шарқда 62 фоизи ва Африкада 57 фоизи бўйича фаолият тўлиқ таъқиқланган. Соҳа субъектларининг оладиган даромадлари 2020 йилнинг 5 ойи мобайнида 320 млрд. АҚШ долларига камайди[32]. Ушбу зарар миқдори 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида соҳага етказилган зарардан 3 баробар юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан пандемия муносабати билан унинг жамият ва давлат иқтисодиётига салбий таъсирларини юмшатиш ҳамда аҳоли, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрилди [4].

Мамлакатда туризм соҳасини ривожланиши билан бирга мос равишда унга боғлиқ бўлган транспорт, меҳмонхона, йўл қурилиши, миллий ҳунармандчилик ҳамда миллий маданият соҳалари ҳам тараққий этади ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Туризм мамлакатлар экспорт улушида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, соҳаси улуши 2019 йил натижаларига кўра 7 фоизни ташкил этади. Халқаро туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотлари бугун туризм дунё ЯИМда 10 фоиз улушга эга эканлиги, айрим мамлакатларда эса ЯИМнинг 20 фоизни ташкил этишини таъкидламоқда (1-расм).



1.Расм. ЯИМ таркибида туризм улуши юқори ўнлик мамлакатлар33

[32] World Tourism Organization (UNWTO), World Tourism Barometer, vol. 18, No. 4, June 2020, Madrid, URL: https://doi.org/10.18111/wtobarometereng.

[33] https://knoema.com. маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Дунё бўйича 217 туристик йўналишлар мавжуд бўлиб, Халқаро туризм ташкилоти (UNWTO) прогнозлари бўйича 2020 йилда 1млрд. 600 млн. киши ушбу йўналишлар бўйича сайёҳат қилиши ҳамда соҳадан олинадиган даромад миқдори дунё бўйича 2 трлн. АҚШ долларни ташкил этиши кутилган эди.

Туризм ҳам бошқа соҳалар қатори инсоният дуч келган барча турдаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, экологик ва инфекциялар (Эйбола, Зика)ни ўз бошидан кечириб келмоқда. Лекин туризм субъектлари фаолиятида шу каби таъсирларига бардош берган соҳа COVID-19 инфекциясининг ўта хатарли ва тез тарқалиш хусусиятлари ҳамда оқибатларига дош бераолмай иқтисодий фалаж ҳолатга тушиб қолди.

Covid-19 инфекцяси кризисининг мамлакатлар иқтисодиётларига салбий таъсири инвестиция ҳажмлари миқдори камайишида ҳам ўз аксини топмоқда. Халқаро молия ташкилотлари ҳисоб-китобларига кўра тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми туризм соҳасида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 40 фоизга, 2021 йилда эса 5-10 фоизга камайиши башорат қилинган[34].

Ўзбекистонда ҳам Covid-19 инфекцияси кризисининг салбий таъсири натижасида асосий капиталга киритилган инвестициялар пасайиш миқдори инқирозга қарши кураш жамғармасидан янги иш ўринларини яратиш мақсадида инвестиция лойиҳаларига 360 млн. АҚШдан ортиқ маблағлар қўшимча йўналтирилишига қарамасдан 2019 йилга нисбатан 2020 йил биринчи яримида инвестициялар ҳажми 12,8 фоизга камайган.

Ялпи ички маҳсулот мамлакат иқтисодий салоҳияти ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар самарадорлигини ўзида ифода этиши билан бир қаторда иқтисодий хавфсизликни таъминловчи муҳим кўрсаткич ҳам ҳисобланади. Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги иқтисодий кўрсаткичлари ва улар чегаравий миқдорлари аҳамияти ҳамда ушбу меъёрлар даражасини сақлаш учун амалга оширилиши зарур чоралар тўғрисидаги ўз қарашларимизни муқаддам баён этганмиз [5-10].

Пандемия муносабати билан ўрнатилган чекловлар дунёнинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатлари иқтисодий ўсиш суръатларига таъсири натижасида ялпи ички маҳсулот миқдори Хитойдан бошқа давлатларда салбий ўзгаришларга сабаб бўлди (2-расм).

Мамлакатимизда короновирус пандемиясининг иқтисодиёт субъектларига салбий таъсирини олдини олиш бўйича белгиланган ташкилий-иқтисодий механизмлар кенг кўламлигини қайд этиш зарур. Тадбиркорлик субъектлари тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида назарда тутилган кредит механизмлари иқтисодиёт тармоқлари барқарор ривожланишини таъминлаш учун хизмат қилди, деб ҳисоблаймиз.

Халқаро молия ташкилотлари томонидан Ўзбекистонда ЯИМ ўсиш суръати 2020 йил якунлари бўйича 1,5-2,5 фоиз даражада бўлиши прогноз

[34] UNCTAD, World Investment Report, 2020, pp.6 and 82, available at https://unctad.org/en/pages/PublicationWebflyer.aspx?publicationid=2769



2-Расм. Иқтисодиёти ривожланган давлат ЯИМ суръатлари.

қилинган эди. Лекин амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ЯИМ ҳажми ўсиши 5,6 фоизни ташкил этди[35]. Мамлакатимизда 2020 йилги ЯИМ ўсиш суратлари иқтисодий хавфсизликнинг чегаравий миқдорининг халқаро эътироф этилган энг кам (4 %) даражасидан юқорилигини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда туризм тармоғини жадал ривожлантириш масалаларига иқтисодий хавфсизликни таъминловчи иқтисодий ўсиш, бюджет даромадини шакллантириш, аҳоли бандлиги, хизматлар экспорти бўйича валюта тушумини таъминловчи ижобий омил сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли 2021 йилда ҳам Covid-19 инфекциясининг иқтисодий хавфсизлик ва туризм соҳасига салбий таъсирини бартараф мақсадида:

- Ташқи қарздан фойдаланиш мақсадлиги ва самадорлигини оширишни назорат қилиш механизмини такомиллаштириш;
- Давлат харидлари тўғрисидаги қонунни ошкоралик ва шаффофлик даражасини ошириш бўйича такомиллаштириш;
- мамлакатда электрон туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- пандемия сабабли соҳа берилган имтиёзларни мамлакатга четдан жалб этилган туристлар сонига мос равишда қўллаш;
- туристларни соғлиғини онлайн назорат қилиб бориш бўйича мобил илова ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. В.Е.Россик. Истоки экономического кризиса.\\Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 28 (209).Экономика. Вып.30.С.23–26.

2. Ж.К.Гэлбрейт. Великий крах 1929 года / Дж. К. Гэлбрейт ; пер. с англ. С. Э. Борич. Минск; Попурри, 2009.

3. Н.Д. Кондратьев. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения // Кондратьев, Н. Д. Избранные труды. М. : Экономика, 2002.

[35] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга мурожаатномаси./ Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5969-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ", 2020 йил 24 март, №11, 119-м.

5. B.I. Isroilov, U. Kh. Abduganiyev, B.B. Ibragimov. Financial Control of Public Procurement to Prevent Corruption in the Development of Digital Economy. https://www.atlantis-press.com/proceedings/mtde-20/125939770.

6. Sh.Uljaeva, B.I.Isroilov, B. Toshev, Kh.Botirova, B. Raxmonov. The Posts and Ranks Concerning to a Local and Religious Administration. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Special Issue 1, 2020 ISSN: 1475-7192, DOI: 10.37200/IJPR/V24SP1/PR201184, Pages: 507-514.

7. B.I.Isroilov, B.B.Ibragimov. Isues of ising ekonomik analysis in ensuring tax control. Finance Journal, 2015, Pages 69-73.

8. М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдикаримов, Б.И.Исроилов. Иқтисодий таҳлил. Т. Меҳнат.

9. Б.И.Исроилов, Н.Г.Каримов., Б.Ибрагимов. Роль информационного обеспечения в анализе состояния экономического безопасности. V Международной научно-практической online-конференции, Новополоцк, 26 ноября 2020 г. / Полоцкий государственный университет. – Новополоцк, 2020. ISBN 978-985-531-720-4, № гос. регистрации 3061815625 от 23.05.2018.

10. B.I.Isroilov, B.B.U.Ibragimov, B.J.U.Ibrohimov. Problems of Ensuring Economic Security in the Context of Deepening Globalization and Digitalization. https://doi.org/10.2991/aebmr.k.201205.031.

Ў.Т.Мукимова – СамИСИ ассистенти,
Ф.А.Ахмеджанова – СамИСИ доценти, т.ф.н.

ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ

Аннотация: Мақолада пандемиядан кейинги туризмни тиклаш даврида рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистонга ташриф буюрувчи туристларни муносиб кутиб олиш ва талаб даражасида хизмат кўрсатишни ташкил этишда бир қатор муаммоларни, шу жумладан автомобил, темирйўл йўл соҳасида туристлар учун қулайликлар яратиш ва бошқа таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, турист, автомобиль йўллари, темир йўллар, ЯИМ, туристик хизматлар экспорти, Коронавирус пандемияси.

Аннотация: В статье рассматривается ряд вопросов восстановления постпандемического туризма в условиях цифровой экономики, организации достойного приема и востребованности туристов в Узбекистане, в том числе приведены предложения и создание удобство объектов для туристов в автомобильной, железнодорожной отрасли и другие.

Ключевые слова: Цифровая экономика, туризм, автомобильные дороги, железные дороги, ВВП, экспорт туристических услуг, пандемия коронавируса.

Abstract: The article discusses a number of issues of post-pandemic tourism recovery in the digital economy, the organization of a decent reception and demand for tourists in Uzbekistan, including proposals and the creation of facilities for tourists in the automotive, railway industry and others.

Keywords: Digital economy, tourism, highways, railways, GDP, export of tourist services, Coronavirus pandemic.

Бугун Ўзбекистонга дунёнинг қатор мамлакатларидан кўп сонли сайёҳларнинг келиши ижобий ҳол албатта. Бироқ, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Биз хорижий сайёҳларни муносиб кутиб олиш ва талаб даражасида хизмат кўрсатишга тайёрмизми? Улар ўз саёҳатлари давомида қайси жиҳатларга эътибор қаратишмоқда?

Маълумки, туристик ресурсларсиз туризмнинг ўзи бўлмайди. Масалан, табиий-иқлим, тарихий-маданий, маърифий, ижтимоий-маиший туризм объектлари бўлган ҳудудларда керакли инфратузилмани яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Йўл қурилиши соҳаси мисолида олиб қаралса, албатта, сайёҳлар оддий йўловчилар эмаслиги, уларнинг саёҳати замон талабларига мос равишда бўлиши учун йўлларнинг сифат даражаси қай аҳволда эканлиги уларнинг равонлиги жиддий эътибор бериш зарурлигини талаб қилади. Сайёҳлар оқимининг ошиши – бу шунчаки бир оддий , эътиборсиз гап эмас. Йўллар, бозорлар мамлакатнинг иқтисодий ва маданий аҳволи қай даражада эканлигидан далолатдир. Турист - энг аввало дам олувчидир. Жамғарган пулидан харж килиб келган турист чарчоқ нима эканлигини билмаслиги керак. Унинг истеъмолчи эканлигини шу ерда ҳам зинҳор унутмаслигимиз лозим. Шу сабабли бу масала нафақат автомобиль йўллари, шунингдек, темир йўлларга хам тааллуклидир. Поезд рельсларидан тортиб, унинг ичидаги коммуникация ва муҳандислик тармоқларининг барчаси – туризм инфратузилмасининг таркибий бир қисми холос. Поезд купеларидаги иссиқлик даражаси, ёзда ва қишда бир хил температурадаги ҳолат – туризм хизмати сифатининг янада кўтарилишидаги энг асосий омиллардир. Турист ташриф буюрган давлатининг иқтисодий ва сиёсий мақомидан қатьий назар унинг оддий фуқароси эмас ва у юксак даражада хизмат кўрсатилишини истовчи (ва бунга ҳақли хам) истеъмолчи ҳисобланади. Мана шуни туризмдан мамлакат манфаатлари учун фойда келтирувчи ҳар бир туроператорлар эсдан чикармасликлари зарурдир. Нафақат автомобиль ёки темир йўллар, ҳатто туристлар учун махсус ажратилган йўллар хам талаб даражасида бўлмоги керак. Бу йўл алоҳида ажралиб туриши, туристларга ҳалақит берадиган даражада булмаслиги лозим. Бу каби масалалар бугунги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасининг аҳамияти ва ривожланишининг қандай долзарб аҳамиятга эга эканлиги ҳақида қайғуришга ундайди.

Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига йўллаган Мурожаатномасида туризм ва спорт соҳалари бўйича ҳам устувор вазифа ва йўналишлар белгилаб берилган эди.

Туризм давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга тармоғи сифатида қайд этилди, зиёрат ва тиббиёт туризми каби турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди ва зарур кўрсатмалар берилди. Бу эса соҳа мутахассисларидан ишга бўлган муносабатини, дунёқарашни тубдан ўзгартиришни талаб этарди.

Давлатимиз раҳбариининг очиқ сиёсати Ўзбекистонда туризм соҳасини жадал ривожланишига кенг йўл очди. Аниқ мисол билан айтадиган бўлсак, 2017 йилдан то 2019 йилга қадар туризм соҳасидан олинган даромад – ушбу хизматлар экспорти ҳажми ҳамда уларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2,5 баробар ошди. 2019 йилда туризм хизматлари экспорти умумий ҳажмининг ЯИМга нисбати 2,3 фоизни ташкил қилди. [36]

Маълумотларга қараганда, Грузияда туризмнинг ЯИМдаги улуши 11,6 фоизни ташкил этади. Шу маънода иқтисодиёти ранг-баранг Ўзбекистонда айни соҳа сўнгги бир неча йил давомида жадал ривожланиши, ундан тушадиган даромаднинг умумий ҳажми бир неча миллиард долларга етиши мумкин эди. Бироқ, 2020 йил бошида дунё бўйлаб тарқала бошлаган коронавирус пандемияси ушбу режаларни четга суриб қўйди. Жаҳондаги барча мамлакатлар туризмида бошланган инқироз Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 2019 йилда туристик хизматлар экспорти ҳажми 1,3-1,4 миллиард долларни ташкил қилган эди (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра – $1,3 млрд., Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра – $1,4 млрд.). Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида эса туристик хизматлар экспортидан тушган даромад жами 203,5 миллион АҚШ долларига етди. Ушбу даромаднинг 99,5 фоизи ($202,4 млн.) 2020 йилнинг 1-чорагига тўғри келади, 2-чоракда бу кўрсаткич атиги 1,1 миллион долларга тенг бўлди.[37]



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

[36] Stat.uz
[37] Stat.uz

Халқаро туризмни ташкил этишга нисбатан март-апрель ойларида қўлланган чекловлар эса 1 октябрдан бошлаб юмшатилди. 2020 йилнинг сўнгги чорагида (октябрь-декабрь) халқаро қатновлар тикланган тақдирда ҳам туризм хизматлари экспорти ҳажмининг сезиларли даражада тикланиши эҳтимоли кам бўлди. Сабаби, йил бошидан буён давом этиб келаётган коронавирус пандемияси ва унинг оқибатлари потенциал сайёҳлар онгига ҳамда дунё бўйлаб сайр қилиш режаларига жиддий кўрсатди. Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда йил охиригача ташқи туризмнинг молиявий кўрсаткичлари салмоқли миқдорда ўзгармаслигини ва 2020 йил учун туризм хизматлари экспортидан тушадиган даромадлар $300 млн. атрофида бўлишини прогноз қилиш мумкин бўлди. Бу ўтган йилги кўрсаткич билан солиштирганда 4,5 баробар кам, дегани эди.

Президентимизнинг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, соҳада фаолият юритувчи бизнес субъектларига кўплаб имтиёзлар берилди. Фойда солиғининг 50 фоиз камайтирилиши, зарарни кейинги даврга кўчириш ҳуқуқи, сайёҳлардан олинадиган йиғимни тўхтатиб туриш, олиб келинган сайёҳлар учун мукофот тариқасида субсидиялар бериш, туроператорларнинг авиа ва темирйўл чипталари учун харажатларини субсидиялар билан қоплаш, туроператорлар, турагентлар, шунингдек, меҳмонларга тунаш учун жой берувчи корхоналар учун қўшимча ёрдам чоралари шулар жумдасидандир. Бундан ташқари, туроператорлар ва меҳмонхоналарга харажатларни маълум даражада қоплаш ва ходимларга маош бериб турилиши учун Туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан фоизсиз қарзлар ажратилиши ҳам белгиланди.

Бошқа иқтисодий соҳалардан фарқли ўлароқ, туризмни тиклаш ва жонлантириш бевосита туристлар оқимига, соҳадаги хизматлар экспорти ҳажми эса – хориждан ташриф буюрган фуқаролар сонига боғлиқ. Мамлакат ҳукуматининг туризмни тиклаш ва уни жонлантиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатларига қарамай, вазиятни қисқа муддатда ўзгартириш юқорида қайд этилган омиллар сабаб – қийин масала. Бутун жаҳонда коронавирус инфекцияси ҳамон тарқалмоқда, пандемия чекинишидан ҳали-бери дарак йўқ. Бугун Ўзбекистонга ташриф буюрадиганлар улушининг катта қисмини ташкил қилувчи Марказий Осиё мамлакатлари ва Россияда ҳам аҳвол шундай давом этяпти. Шу боис, 2020 йилни туризм ва унга ёндош бошқа соҳаларда бой берилган йил, дейиш мумкин.

“Forbes” Америка сайёҳлик уюшмаси президенти Рожер Дов сўзларига асосланиб бир қатор хорижий мутахассислар COVID-19 пандемиясидан кейин дунё туризмининг келажагини тахмин қилишди. Уларнинг таъкидлашича, бутун дунё бўйлаб онлайн брон қилиш соҳасида инқироз юзага келади. Масалан, “Expedia” паст талаб туфайли аллақачон жиддий

йўқотишларни бошдан кечирмоқда. Компаниялар ходимларни қисқартиришга мажбур бўлишади, қачон иш жойлари қайта тикланиши эса номаълум. Аммо “Airbnb” каби хусусий ижара ташкилотлари яхшироқ ҳолатда бўлиши мумкин. Ваҳоланки, коронавирус пандемиясидан кейин одамлар бир неча ҳафта давомида хусусий уйлар ва меҳмонхоналарни танлашади. Бундан ташқари, коронавирус круиз компанияларига ҳам жуда салбий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Бунинг сабаби ҳам инфекция хавфи бўлади.

Ўзбекистонда “рақамли иқтисодиёт” атамаси миллий қонунчилигимизда яқин йиллардан бери қўлланилмоқда. Рақамли иқтисодиёт республикамизда қандай ривожланмоқда, бу борада алоҳида олиб борилган тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра бизда Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишонаяптилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар.

Пандемиядан кейинги туризмни тиклаш даврида туристик хизматлар бўйича йирик шартномалар, молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришни қўллаб қувватлашга эҳтиёж сезилади. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли иқтисодиётни қўллашнинг қулайликлари қуйидагилардан иборат: туристик хизматлар сотиб олиш учун харажатлар камаяди (масалан, олдиндан меҳмонхонани бронлаш, авиабилет); туристик хизматлар (Турпакетлар) ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади; рақамли дунёдаги туристик хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта бўлади; фидбек (туристлар фикрини)ни тез олиш ҳисобига турмаршрутлар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади; хизмат кўрсатиш тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ бўлади.

Бунинг учун туристик хизмат кўрсатувчиларнинг туризм маданияти ва масъулиятини ошириш, уларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда қўшимча комплекс хизматларни ишлаб чиқиш ва асосийси уларда кейинчалик яна Ўзбекистонга келишга ундайдиган илиқ таассуротларни қолдиришни уддалаш лозим. Пандемиядан кейинги бундай туризм фаолиятининг асосий ютуғи бўлиб юксак сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга маънавий-маърифий дунёқарашини бойитадиган онлайн-медиа контентларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

К.А.Маматкулова – старший преподаватель кафедры «Обучения языкам» СамИЭС,
А.Хотамов – студент группы Мн-217 СамИЭС

ГЛАВНЫЕ ДОСТОПРИМЕЧАТЕЛЬНОСТИ ФРАНЦИИ

Аннотация: В статье рассматриваются главные достопримечательности Франции. Во Франции сосредоточено огромное количество культурных ценностей, практически каждый город, а иногда и небольшие деревеньки, представляют собой настоящие музей истории и культуры. Кроме бесчисленных памятников культуры и древних цивилизаций, страна обладает прекрасными природными условиями - белоснежными склонами альпийских гор, прекрасными пляжами атлантического и средиземноморского побережий, средневековыми замками, обширными виноградниками и др.

Ключевые слова: памятники и достопримечательности, культурно-исторический потенциал, цивилизация, мегаполис, замки, альпийские луга.

Annotatsiya: Maqolada Frantsiyaning asosiy diqqatga sazovor joylari ko'rsatib berilgan. Ko'p sonli madaniy qadriyatlar Frantsiyada to'plangan bo’lib, deyarli har bir shahar va ba'zan kichik qishloqlar haqiqiy tarix va madaniyat muzeyidir. Madaniyat va qadimiy tsivilizatsiyalarning son-sanoqsiz yodgorliklaridan tashqari, mamlakat ajoyib tabiiy sharoitlarga ega - Alp tog'larining qor-oppoq yon bag'irlari, Atlantika va O'rta er dengizi sohillarining go'zal plyajlari, o'rta asr qal'alari, ulkan uzumzorlari va boshqalar.

Kalit so'zlar: yodgorliklar va diqqatga sazovor joylar, madaniy va tarixiy salohiyat, tsivilizatsiya, megapolis, qal'alar, tog' o'tloqlari.

Abstract: The article examines the main sights of France. A huge number of cultural values are concentrated in France, almost every city, and sometimes small villages, is a real museum of history and culture. In addition to countless monuments of culture and ancient civilizations, the country has excellent natural conditions - snow-white slopes of the Alpine mountains, beautiful beaches of the Atlantic and Mediterranean coasts, medieval castles, vast vineyards, etc.

Key words: monuments and sights, cultural and historical potential, civilization, metropolis, castles, alpine meadows.

Франция — самая посещаемая страна в мире. Это вполне оправдано, так как страна богата разнообразными памятниками и достопримечательностями, ценимыми туристами и зачастую уникальными. Представление о богатстве культурно-исторического потенциала страны дает перечень объектов, занесенных в Список всемирного наследия ЮНЕСКО. Но наличие в стране ресурсного потенциала, даже самого богатого, недостаточно для развития туризма. Наряду с природным и историко-цивилизационным факторами, важной предпосылкой туристской деятельности является высокий уровень социально-экономического развития страны.

Во Франции сосредоточено огромное количество культурных ценностей, практически каждый город, а иногда и небольшие деревеньки, представляют собой настоящие музей истории и культуры. Кроме

бесчисленных памятников культуры и древних цивилизаций, страна обладает прекрасными природными условиями - белоснежными склонами альпийских гор, прекрасными пляжами атлантического и средиземноморского побережий, средневековыми замками, обширными виноградниками и очаровательными старыми винокурнями, а также множеством мест, связанных с жизнью и деятельностью различных исторических деятелей. Эта страна имеет огромные возможности для развития почти всех видов туризма.

Франция — это не только Париж и Эйфелева башня, хотя эти символы заслуживают своего внимания. Она гораздо больше. Это удивительная страна, которую можно открывать для себя бесконечное множество раз.

Тут и современные мегаполисы, и средневековые деревушки, и природные локации. Это побережья и центральные регионы, которые так не похожи друг на друга — у каждого своя история, традиции и колорит. Здесь вас ждет изумительная кухня и вино, разнообразие архитектурных стилей, широкие чистые пляжи, лавандовые поля, альпийские луга и снежные горные вершины. Вопрос стоит не в том, что посмотреть, а в том, как же все успеть. Но если вы посетите главные достопримечательности Франции, то обязательно влюбитесь в эту страну, и захотите вернуться.

Итак, список мест Франции, которые стоит увидеть хотя бы раз в жизни.

Экскурсия познакомит вас с историей этого вечно молодого двухтысячелетнего города и позволит оценить его разнообразие и гармоничность.

В ходе экскурсии вы узнаете об основных исторических и архитектурных памятниках, таких как: Дворец правосудия, Консьержери, Сорбонну, Люксембургский сад, Пантеон, Площадь Согласия, Елисейские поля, Триумфальную арку, Трокадеро, Эйфелеву башню, Марсово поле, Ансамбль Инвалидов, Мост Александра III, Малый и Большой дворцы, Вандомскую площадь, церковь Святой Магдалины, Старую Парижскую Оперу и Площадь Бастилии, новый современный центр Ла Дефанс. Многие старые кварталы Парижа недоступны для машин, поэтому именно пешеходные экскурсии позволяют поближе узнать город.

Кому не знакомо название Чрево Парижа? С XII века там располагался рынок, который превратился постепенно в рынок оптовый, описанный Эмилем Золя в романе «Чрево Парижа». Рынок был перенесён в пригород в 1969 году, но квартал интересен своей особенной атмосферой, церковью Святого Евстахия, фонтаном Невинных Мучеников, а также выросшим неподалёку в 1977 году Центром Жоржа Помпиду и площадью Игоря Стравинского. Еще одно знакомое название - Гревская Площадь – центр городской жизни со Средних веков, где в наши дни находится Городская Ратуша. Рядом остров Сите – колыбель Парижа, где ещё в III веке до нашей эры осело кельтское племя паризиев. Западная часть острова всегда принадлежала власти земной: сначала здесь был дворец римских губернаторов, позднее дворец королей Франции, а теперь дворец Правосудия.

А на востоке острова всегда располагалось представительство «власти духовной», воплощённой теперь в Соборе Парижской Богоматери – Кафедральном Соборе Епископа Парижского.

National Park) в горах провинции Альберта. В каждом из парков расположен одноименный населенный пункт со всеми необходимыми условиями для размещения туристов, включая отели класса «люкс» и недорогие кемпинги, прекрасные возможности для проведения свободного времени — музеи, театры, магазины и художественные галереи. Для тех, кто выбирает более тихий, изолированный от шумной толпы отдых в Канаде, в Скалистых горах найдется множество удаленных от людской суеты местечек, также оборудованных для проживания с полным комфортом. Часть гор, расположенная в Британской Колумбии, предлагает те же туристические удобства, однако отличается своей специфической атмосферой, к тому же погода здесь несколько теплее.

Британская Колумбия. Без посещения Британской Колумбии ваш отдых в Канаде будет неполным. Здесь вы найдет всевозможные виды ландшафтов и развлечений. Особая достопримечательность провинции — Ванкувер (Vancouver), расположенный на побережье, в обрамлении горных пиков. В городе вы найдете бесчисленное множество вещей, которые стоят того, чтобы быть увиденными во время тура в Канаду: магазины, музеи, галереи и великолепные парки. Другой заслуживающий внимания город провинции - местная столица Виктория (Victoria), которую называют «маленькой Англией в Канаде». Особую известность здесь снискал парк Бучарт Гарденс (Butchart Gar-dens) и Королевский музей Британской Колумбии (Royal British Columbia Museum).

Для ознакомления с Северной Канадой (Northern Canada) стоит запланировать отдельную поездку, не связанную с туризмом в Канаду в целом. Эта часть страны живет своей жизнью и имеет свой собственный мир, состоящий из трех территорий: Юкон (Yukon), Северо-западные территории (Northwest territories) и Нунавут (Nunavut). Привлекательной для туристов эта часть Канады является, в первую очередь, из-за своей недоступности: проехав по шоссе можно проникнуть лишь в Юкон и некоторые части Северо-западных территорий. В Нунавут, являвшийся ранее частью Северо-западных территорий, попасть можно только воздушным путем. Эта изолированность придаст особое очарование и дух приключений туристической поездке в Канаду.

Отдых в Северной Канаде отличается обилием возможностей полюбоваться дикой природой и её феноменами. Кроме рыбалки на берегах чистейших рек и побережье океана, вы можете насладиться общением с местными жителями, поучаствовать в их повседневной жизни и национальных праздниках. Административные центры Елоунайф (Yellowknife) и Игалут (Igaluit) — хоть и небольшие населенные пункты — представляют собой интересные самобытные места для туристической поездки. Совершая тур в Северную Канаду, у вас есть шанс увидеть два природных феномена: незаходящее солнце в середине лета, когда здесь проводится множество фестивалей и празднеств, и северное сияние — лучше всего заметное в период с конца августа по январь. Уникальные природные красоты, редчайшие виды представителей флоры и фауны – все это простирается на 10

тысяч кв. километров. Природа парка Джаспер завораживает своей первозданностью и уникальностью, неслучайно ежегодно парк встречает 2 миллиона туристов, желающих в ходе зеленого туризма в Канаде посмотреть дикие леса, где можно встретить около 1300 видов редких растений.

В заключении хотел сказать, надо развивать такие виды туризма. В Узбекистане тоже есть такие места, где нетронуто человеком. Но таких местах мало кто знает. Поэтому нам тоже в Узбекистане нужно развивать этот вид туризма. Узбекистан богат природно-климатическим потенциалом: горы с многочисленными пещерами, ледники и озера в Ташкентской области и Ферганской долине, степи, пустыни и оазисы в Навоийской и Бухарской областях, горные пейзажи в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях, аридные ландшафты Кызылкума, крупные водоемы с богатой орнитофауной в Каракалпакстане, Джизакской и Сырдарьинской областях. Мы должны развивать экотуризм в нашей стране!

Список использованной литературы:

1. Масляк П.О., Олейник Я.Б., Степаненко А.В. Словарь – справочник ученика по экономической и социальной географии мира. – К.: Либра, 1996.
2. Энциклопедический справочник: Все страны мира. – М: Вече, 2001.
3. Энциклопедия для детей: Дополнительный том: История 20 века. Зарубежные страны. М.: Аванта +, 2002.
4. Страны мира: краткий энциклопедический справочник / Авт. – сост.: В.А. Аникеев. Издательский Дом А. Громова; Минск; Современный литератор, 2000.

IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Б.Р.Пардаев – “Ипак йўли” туризм халқаро университети эдвайзери.

МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЭЛЕКТРОН БИЗНЕС ВА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада маркетинг тадқиқотларини рақамли технология орқали электрон бизнес ва электрон тижоратни амалга ошириш йўллари ёритилган. Бунда маркетинг тадқиқотлари электрон бизнес ва электрон тижоратни амалга оширишнинг устувор вазифалари ҳам қараб чиқилган. Барча масалалар назарий жиҳатдан қаралган бўлиб, амалий йўналишларда тегишли ечимларни топишда қандай ёндошув қилиш лозимлиги ҳам ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: рақамли технология, рақамли технология хизматлари, электрон почта, рақамли технология таснифи, маркетинг қарорлари, рақамли технология ва маркетинг тадқиқотлари, сайтлар, анкеталар тўлдириш, электрон бизнес, электрон тижорат.

Аннотация: В данной статье рассматриваются способы проведения маркетинговых исследований посредством электронного бизнеса и электронной коммерции с помощью цифровых технологий. Также рассматриваются ключевые этапы, приоритеты электронного бизнеса и электронной коммерции. Все вопросы были рассмотрены теоретически и отражены в подходе к поиску подходящих решений в практических областях.

Ключевые слова: цифровые технологии, службы цифровых технологий, электронная почта, законы маркетинга, классификация цифровых технологий, маркетинговые исследования, сайты, заполнение анкет, электронный бизнес и электронная коммерция.

Abstract: This article discusses ways of conducting marketing research through e-business and e-commerce using digital technologies. Key milestones, e-business and e-commerce priorities are also discussed. All issues were considered theoretically and reflected in the approach to finding suitable solutions in practical areas.

Keywords: digital technology, digital technology services, email, marketing laws, digital classification, marketing research, websites, questionnaires, e-business and e-commerce

Ҳозирги пайтда бизнес оламига электрон бизнес ва электрон тижорат тушунчалари ҳам кириб келди. Шу туфайли ушбу масалани ўрганишда электрон бизнеснинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, уларнинг миқёси ва

ривожланиш истиқболлари нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам қараб чиқишни тақозо қилади. Электрон бизнес тоифаларидан, бизнес-истеъмолчи, истеъмолчи-бизнес, бизнес-маъмурият, истеъмолчи-маъмурият каби боғлиқликларнинг мазмуни очиб берилиши мақсадга мувофиқ. Бунда рақамли технология маркетингнинг анъанавий маркетингдан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ҳам ўрганилиши лозим бўлади.

Дунё миқёсида глобал тармоқда замонавий маркетингда стратегик ва тактик режалаштириш масаласи ҳам мазкур соҳада ўрганилиши лозим бўлган муҳим ва устувор масалалардан биридир. Рақамли технология хизматлари таркибида Off-line ва on-line хизматларидан фойдаланиш нафақат вақтни, балки масофани ва шу билан боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги харажатларни тежаш имконини беради. Ҳозирги пайтда кундалик ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаб бораётган электрон почта хизматидан ҳам фойдаланиш жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш имконини бермоқда. Мазкур мавзуни ўрганишда телеконференцияларни ўтказиш масаласига ҳам аҳамият берилишини тақозо қилади.

Замонавий ахборот технологияларидан турли жўнатмалар рўйхати, чатлар, рақамли технология-пейжерлар, ахборот тўплаш хизматлари каби имкониятлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аммо шуни эътироф этиш керакки, глобаллашув даврида рақамли технология тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам ўта жиддий. Бунинг учун конфиденциаллик, аутентификация, тўлиқлик, шифрлаш каби имкониятлари ҳам мавжуд. Шифрлашнинг симметрик ва носимметрик усулларидан фойдаланиш йўлларини эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган масалалар сирасига киради. Шунингдек, ҳар бир ходимнинг рақамли имзоси ҳам мавжуд. Ҳозирги пайтда электрон сертификатлар, протоколлар ва хавфсизлик стандартларидан ҳам фойдаланишни ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Рақамли технологияда маркетинг масалалари қаралганда тўлов тизимларига ҳам аҳамият берилиши лозим. Бунда электрон тўловларнинг асосий хусусиятлари билан бирга кредит тизимлари, дебет тизимлари ва электрон пуллар каби тушунчаларга ҳам алоҳида аҳамият берилади.

Маркетинг тадқиқотларида индивидуал истеъмолчилар билан ўзаро алоқалар масаласи ҳам эътибордан четда қолиб кетмаслиги лозим. Айнан глобаллашув даврида рақамли технология мулоқот доирасини кенгайтириш масаласи ҳам долзарб масалалар сирасига киради. Буларни инобатга олиб, аҳолининг рақамли технологиядаги иқтисодий фаоллигини ошириш ва мулоқат доирасини кенгайтиришга қаратилган тадбирларни ҳам ривожлантиришни тақозо қилади. Маркетингда мулоқот доираси манфаатлари ҳам инобатга олинади ва шу йўл билан рақамли технологияга чиқилишини таъминлаш лозим.

Рақамли технологиянинг коммуникатив тавсифномаларини ёритишда асосий эътибор, унинг маълум маънода анъанавий оммавий ахборот воситаларидан фарқ қилишига алоҳида аҳамият берилади. Бунда рақамли

технология коммуникация моделлари, интерактивлик, гиперматн, мультимедиа, тармоқ навигацияси каби масалаларга ҳам алоҳида аҳамият берилишини тақозо қилади.

Глобаллашув даврида мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқаришда CRM тизимлари ва уларнинг таркиби, функциялари ва модулларига ҳам аҳамият берилади. Ҳозирги пайтда рақамли технологиядан фойдаланувчилар навигацияси, уларнинг сайтлари, Web-сайтлар, қидирув тизимлари, якуний сайтлар, корпоратив сайтлар, ахборот сайтлари ҳам мазкур мавзунинг устувор йўналишларидан биридир. Шу туфайли рақамли технология орқали маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун ҳар бир ходим ҳозирги пайтда ахборот технологияларининг илғор усулларини билмоғи, улардан ўз фаолиятларида фойдаланмоғи лозим. Чунки бугунги кунда, айниқса келажак истиқболда барча масалалар юзасидан илғор технологиялар ҳукумронлиги ошиб бораётган паллада, маркетинг тадқиқотларининг ҳам орқада қолиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шулардан келиб чиқиб, рақамли технологияда маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш масаласига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Бунинг учун энг аввало, маркетинг ахборот тизими (МАТ) шаклланади ва ахборотлар қайта ишланади. Бунда ички ҳисобот тизими, маркетинг кузатув тизими, ахборотларни тақсимлаш, маркетинг каналлари ва маркетинг тадқиқотлари тизими ҳам тегишли ҳолатда ўрганилиши лозим. Чунки, глобаллашув даврида рақамли технологияда маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга. Юқоридаги масалаларни ҳал қилмасдан унинг хусусиятларини тўлиқ англаш бироз мураккаб бўлади. Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш учун рақамли технология воситалари, ахборот манбалари, маълумот тўплаш усуллари керак бўлади ва бунда рақамли технология-сўровларидан фойдаланиш анча муаммони ҳал қилиш имконини беради.

Рақамли технологияда ахборот излаш воситалари ва усуллари орқали ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда қидирув тизимларини танлаш, улардан фойдаланган ҳолда ахборот излаш ҳамда улар асосида ахборот ресурслари таҳлилини амалга ошириш мумкин. Бунда асосий маълумотлар рақамли технологияда сўровлар ўтказиш йўли билан шакллантирилади. Бунда сўров ўтказиш жойлари ва кимлардан сўров олиш аниқ белгиланиши шарт, чунки ушбу ҳолатлар маркетинг тадқиқотлари мақсадига мос келган бўлиши лозим. Бунда энг аввало, сўров варақаси тузилади, Web-сайтга ташриф буюрувчилар ҳақида маркетинг ахбороти олинади, булардан фойдаланувчиларни таниб олиш усулларини қўллаган ҳолда ташриф буюрувчилар ҳақида статистик маълумотларга эга бўлинади ва улар таббий равишда тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қайта ишланади.

Маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш учун рақамли технологияда товар сиёсати ва хизматлар бозори ҳам ўрганилади. Бунда товар ва товар сиёсати тушунчасининг моҳиятини очиб беришдан, товарнинг маркетинг муҳити, рақамли технология орқали сотиш учун энг самарали товар

гуруҳлари, товарланинг таснифланиши,товарнинг ҳаётийлик даври, уларнинг рақобатбардошлиги каби масалалар. Сервис хизматини ташкил этиш. Янги товарларни ишлаб чиқиш. Юқори технологиялар соҳасида янги маҳсулот ишлаб чиқиш босқичларини тезлаштириш.

Глобаллашув даврида рақамли технологияда товарнинг ҳаётийлик даври ва маркетинг муҳитига таъсири, сотувдан олдинги ва кейинги хизмат кўрсатишни яхшилаш учун рақамли технологиянинг қўлланиши билан боғлиқ масалалар ҳам мазкур мавзуда устувор ўринга эга бўлиши лозим. Чунки, рақамли технология орқали кўрсатилувчи хизматлар бозори, рақамли технологияда хизматларни молиялаштириш, рақамли технология орқали банк хизматлари, рақамли технология орқали валюта ва фонд бозорларида ишлаш, рақамли технология-суғурта масалалари ҳам илғор замонавий усуллар орқали амалга оширилмоқда. Бундай шароитда рақамли технология орқали алоқа, рақамли технология хизматидан фойдаланиш ҳаётимизнинг барча соҳаларида устуворликни эгаллаб бораверади.

Маркетинг тадқиқотларида нарх сиёсати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки харидор товарни жонли кўриб танлашдан кўра рақамли технологияда кўрганлиги ўртасида фарқ, харидорда бироз ишончсизликни туғдириши мумкин. Шу туфайли ушбу масалага ҳам алоҳида аҳмият берилиб, харидорлар ишончини қозониш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бунда рақамли технология тадқиқоти нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий самарадорликка, яъни харидорлар ишончига сазовар бўлиш руҳиятини шакллантиради. Худди шундай ҳолат ҳамиша сақланиб қолиш чораларини кўришни тақозо қилади.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.,
М.О.Мамаюнусова – СамИСИ таянч докторанти

ЖАМОА МЕҲНАТИДА ПЕРСОНАЛНИ ТАНЛАШ, ТАЙЁРЛАШ ВА БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Аннотация: мақолада корхоналарни бошқаришда жамоа меҳнатида иш жараёнида персонални мотивлаштириш, сўнгра ташкилотнинг кадрлари рўйхатига киритиш, уни ривожлантириш ва баҳолаш дастурлари, персонални танлаш, тайёрлаш ва бошқариш технологиялари илмий ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: жамоа меҳнати, персонал, мотивлаштириш, баҳолаш дастури, бошқариш технологиялари, меҳнат самарадорлиги.

Аннотация: В статье научно исследуются технологии мотивации персонала в процессе совместной работы в управлении предприятиями, затем включение их в штат организации, программы его развития и оценки, подбор персонала, технологии обучения и управления.

Ключевые слова: командная работа, персонал, мотивация, программа оценки, технологии управления, эффективность труда.

Abstract: The article scientifically examines the technology of motivating personnel in the process of teamwork in the management of enterprises, then their inclusion in the

list of personnel of the organization, its development and evaluation programs, personnel selection, training and management technologies.

Keywords: teamwork, personnel, motivation, evaluation program, management technologies, labor efficiency.

Бозор иқтисодиёти шароитида жамоа меҳнатида персонални бошқариш корхона фаолияти натижасига кучли таъсирини кўрсатади. Чунки жамоа меҳнатининг самарадорлиги, натижавийлиги персонални танлаш ва тайёрлаш билан узвий боғлиқ ҳисобланиб, жамоадаги ходимларнинг меҳнати уларнинг олдиларидаги мақсадларга эришишидаги умумлашган, ягона меҳнат ҳисобланади[51].

Илмий-амалий тадқиқотлардан маълумки, ҳар қандай ижодий жамоада 5% атрофида ижодий шахслар, 25% билимдон кишилар, 20% таҳлилчилар ва 50% оддий ижрочилар бўлади. Ижодий гуруҳларнинг раҳбарлари демократлар, пессимистлар, диктаторлар ёки ташкилотчилар сифатида тавсифланади.

Бу тадқиқотлар натижасининг энг муҳим хулосалари шундан иборатки, ташкилотнинг жисмоний меҳнатларини юқорида кўрсатилган 50% оддий ходимлар-персоналлар бажарадилар. Шунинг учун ҳам менежментнинг назариячилари ва амалиётчилари бошқарув туғилишидан бошлаб унинг назариячилари менежментнинг асосий субъекти бўлган-одамларни самарали бошқаришни тадқиқ қилиб келмоқдалар (1-расм).



1-расм. Персонални танлаш ва тайёрлашнинг оддий тизими

Келтирилган 1-расмда ташкилотларда персонални тайёрлаш жараёни “корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш дастури” асосида олиб борилиши тавсия қилинмоқда. Бу дастур ўз таркибига 5 та ёки

[51]Аверин А.В. Управление персоналом, кадровая и социальная политика в организации учебное пособие.М.:Изд. РАГС, 2013.-224 с.: Волгин А.П. Управление персоналом в условиях рыночной экономики. Учебное пособие.М.: Дело, 2013.-356 с.: Лукашевич В. Основы управления персоналом. Учебное пособие. КноРУС.М.:2016.-346 с.:

узлуксизлик бўйича режалаштирилган йўналишни, жараённи ёки сиёсатни олади. Янги ходимларни ёллаш ва мослаштириш сиёсатида янги ходимларни танлаш икки усулда амалга оширилиши маълум жараён. Буларнинг *биринчиси* - иш ахтариб келувчилар, иккинчиси - ташкилотнинг эълонлари бўйича ишга келувчилар ҳисобланади.

Иш ахтариб келувчилар ташкилотнинг эълонлари бўйича ишга келувчиларни тўғридан-тўғри ишга қабул қилиш даври ҳозирга келиб ўзининг муддатини ўтаб бўлди. Жамият тараққиётидаги ҳозирги даврда тўғридан-тўғри ишга қабул қилиш ташкилотларни самарали бошқаришда кўпдан-кўп тўсиқларга дуч келтириши ҳам маълум бўлди.

Шунинг учун ҳам, ҳозирда ходимни ишга ёллаш ва уни ишга мослаштириш жараёни ўта синчковлик билан (суҳбат, соҳани билиши, қобилияти, шу иш юзасидан ахборотланганлиги, маълумоти, оилавий аҳволи, яшаш манзили, иш стажи ва бошқ..) амалга оширилиши талаб қилинмоқда

Иккинчи жараёнда персонални мотивлаштириш, сўнгра ташкилотнинг кадрлари рўйхатига киритиш, уни ривожланти-риш ва баҳолаш дастурлари амалга оширилади. Келтирилган тизим бўйича ходимларни ривожлантириш (ўқитиш, малакала-рини ошириш, янги технологиялар ва ахборотлар билан таъминлаш ва бошқ..) га алоҳида эътибор берилади. Биздаги ташкилотларнинг деярли кўпчилигида бу тизимга эътибор берилмаганлигидан корхоналарда ҳам, ташкилотларда ҳам ишчиларнинг қўнимсизлиги одатий ҳоллардан бўлиб қолмоқда.

Ташкилотда персонални танлаш ва тайёрлаш тизимида режалаштирилган “персонални баҳолаш” ташкилот жамоасини талаб даражаларда шакллантиришга қаратилган. Ташкилот ходими ташкилот раҳбариятининг унга бўлган муносабатлари ва уни ташкилотда ишлашга тайёрлаганлигини чуқур ҳис этиши, сезиши натижасида у ўзини баҳолаш танловларидан муваффақият билан ўтади. Чунки унда ташкилотда ишлаб қолишга қатъий қарор пайдо бўлган.

Шу тариқа ташкилотнинг жамоаси шакллантирилади ва бу жараён тўхтовсиз давом эттирилади. Европа давлатларида, АҚШ, Канада, Хитой, Япония каби давлатларда ташкилотларнинг меҳнат жамоасини шакллантиришга биринчи навбатдаги вазифа сифатида қаралади.

Бу давлатлар айниқса, Европа давлатлари ва АҚШ вақт ўтиши билан жамият менежментининг ватанлари ҳисобланади. Бу давлатлардаги бошқарув биринчи навбатда ўз давлатлари-нинг иқтисодиётини кўтариш йўли билан халқининг яшаш фаравонлигини оширишга қаратилган. Шунинг учун ҳам бу давлатларда менежментни такомиллаштириш узлуксиз равишда жиддий тадқиқотлар йўналишларига айлантирилган ва таш-килотларда ходимларни тайёрлашнинг усуллари ва тизимлари мукаммал равишда ишлаб чиқилган (2-расм).

Ушбу тизимдаги талабларни ўрганишдан маълум бўладики, ташкилотнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун

биринчи навбатда меҳнат жамоасини шакллантириш керак. Ташкилот учун ходимларни мақсадли танлашнинг биринчи босқичи меҳнат ресурсларини режалаштиришга қаратилаяпти. Бу масала кўриб чиқилгандан кейингина персонални танлаш босқичига ўтилмоқда.

Персонални танлашнинг икки босқичда (танлаш ва сара-лаш) ўтказилишининг ўзи ишга кирувчиларнинг ўз маъсулияти-ни оширишга мажбур



2-расм. Ташкилотларда персонални мажмуали тайёрлаш ва бошқаришнинг мураккаб тизими

эканлигини англатади. Тизимдаги: мослаштириш ва мўлжаллаш; ўқитиш ва ривожлантириш ва меҳнат фаолиятини баҳолаш ҳам ходимни ривожлантиришга, қўллаб-қувватлашга қаратилган. Агар инсоний муносабатлар мактабининг назарияси ва амалиётига эътибор қилсак, таш-килотнинг самарали ишлаши фақатгина инсон ресурсларига боғлиқ эканлигини англаймиз.

Ғарб давлатларида, АҚШ ва Японияда жамоа меҳнатини ташкил қилишда биринчи навбатда персонални тайёрлаш муҳим омиллардан эканлиги маълум бўлади. Ушбу тизимда ташкилотнинг самарали фаолият кўрсатиши учун жамоани шакллантиришда ходимнинг ўрнига қанчалик кучли эътибор бериш лозим эканлиги келтирилган. Жамоада меҳнат қилувчи ходим бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларига ҳам қатнашиши кераклиги белгиланган. Ташкилотда меҳнат қилувчи ходимнинг бошқарув

қарорларини қабул қилишга қатнашиши ташкилотда демократик бошқарувнинг тўлиқ тантанасини ифодалайди.

Ташкилотда персонални бошқариш технологиялари. Асримизнинг замонавий технологияларини яратиш халқ хўжалигининг барча соҳаларида, тармоқларида ва йўналишла-рида шиддат билан ривожланмоқда. Бугуннинг технологиялари эртага эскириб қолмоқда деган сўзлар, мавзулар ҳам оддий суҳбатларга айланаяпти. Шунинг учун ҳам, ташкилотларда ва корхоналарда меҳнат жамоасини шакллантиришда персонални танлаш ва тарбиялашнинг муҳимлиги долзарб илмий-амалий тадқиқотларни талаб қилмоқда.

Ташкилотларда персонални тайёрлаш ва бошқариш технологиялари яратилган. Ташкилотлар бу технологияларни ўз ташкилотида жорий қилиш имкониятлари бўйича қўлламоқда. Шу билан бирга ташкилотларда персонални бошқариш технологиялари доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Персонални бошқаришнинг замонавий технологиялари ҳар қандай корхонанинг олдидаги кўплаб вазифаларни ечиш имко-ниятларини яратади. Янги технологиялар ва усуллар ёрдамида корхонанинг жорий ва стратегик вазифалари бажарилади, ишларни бажаришнинг самарадорлиги таъминланади.

Агар корхона меҳнат жамоасини профессионал ишчилар билан шакллантирса, бу корхона ўзи йўналишидаги корхоналар ўртасида албатта етакчилик ўринларини эгаллайди. Бу учун эса персонални бошқариш технологияларига жиддий эътиборни қаратиш талаб қилинади (3-расм).





3-расм. Персоналнинг бошқарув қарорларини қабул қилишда қатнашиши даражалари бўйича таснифи

Менежментнинг асосий технологик усулларининг ичида қуйидаги энг муҳимларини ажратиш мумкин[52]:

- кадрларни танлашда асосий эътиборни ишчанлик ва шахсий сифатларни батафсил ўрганишга қаратиш;
- кадрлар бўйича мутахассис персонални танлаш ва саралаш ишларида жуда кўплаб усуллар ва технологияларни қўллаши ва фойдаланиши керак;
- янги ходимнинг самарали мослашишига ҳар тарафлама ёрдам бериш.

Қайд қилинган умумий тизимлар бўйича кўплаб технологиялар ишлаб чиқилган. Персонални кадрлар бўйича бошқарув технологияларининг элементлари қуйидагича:

- персонални ёллаш, танлаш ва саралаштириш режасини тузиб чиқиш;
- ходимнинг ишловчанлиги ва уддабуронлигини баҳолаш;
- касби бўйича фойдаланишни мўлжаллаш;
- ходимни мослаштириш тизимини ва шароитини яратиш;
- ишчанликдаги лавозимликни ривожлантириш;
- ноёб ходимларни йўқотиб қўйиш хавфини пасайтириш;
- бошқарув лавозимларига кўтаришни мўлжаллаш;
- раҳбарлар таркибига заҳира раҳбарларни тайёрлаб бориш;
- фаолиятни мотивлаштириш;
- бошқарув муҳитида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан, усул ва услублардан тўлиқ ахборотланганлик шароитларини яратиш.

Персонални бошқариш технологияларининг турлари: персонални бошқариш технологияларининг барчаси ягона, бириккан ва бирлашган жамоа тизимини яратиш учун қўлланилади. Менежментнинг кадрлар амалиётида асосан қуйидаги технологиялар кўпроқ қўлланилади:

- бошқарув технологияси (танлаш амалга оширилади, кадрларни жой-жойига қўйиш, ишчанликни баҳолаш, меҳнатни ташкил қилишнинг асосларини ишлаб чиқиш);

[52] Шекшня С.В. Управление персоналом современной организации.Учебное пособие. М.:ЮНИТИ, 2013. -560 с.: Спивак В.А. Организационное поведение и управление персоналом,Учебное пособие.СПб.: Питер, 2014. -416 с.: Десслер, Гари. Управление персоналом.Учебное пособие под ред. Р.И. Шленова. — М.: Издательство «БИНОМ», 2014. -432 с.

- бошқариш ва ривожлантириш технологияси (ўқитиш ва малакаларини ошириш амалга оширилади, аттестация ўтказилади, ишга янгиликлар киритилади, жорий қилинади);
- хулқ-атворни бошқариш технологияси (мотивлаштириш тизими ишлаб чиқилади, низоларни тезкор усулда ечиш усуллари, амалиёти яратилади, корпоратив, ташкилий маданият ва ишчанлик этикаси муносабатлари шакллантирилади).

Келтирилган барча технологияларда ходимнинг профессионал тайёрланганлиги асос қилиб олинади. Ходимнинг зиммасига мақсадли вазифалар қўйилади, барча ходимларнинг самарали ишлаши учун мувофиқлаштирувчи шароитлар яратилади ва албатта охирги натижа диққат билан кўриб чиқилади ва персоналлар баҳоланади.

Персонални бошқаришда ижтимоий технологиялар: бу технология ташкилотнинг мақсадларини ҳисобга олган ҳолда аниқ ходимлар ва алоҳида гуруҳларда қўлланилади. Замонавий менежмент ташкилотда бу технологияни қўллаганда персонал-нинг меҳнат фаолияти учун қулай шароитларни яратишни, ижтимоий муҳофазаланганлигини ҳисобга олади. Жамоанинг ижтимоий соҳадаги эҳтиёжлари, мотивлаштиришнинг барча тизимлари қайта кўриб чиқилади ва қўшимча назорат учун жамоавий гуруҳлар тузилади.

Персонални бошқаришнинг ижтимоий технологиялари ташкилотнинг фаолияти барқарор, иқтисодий кўрсаткичлар бир маромда бўлганда кутиладиган самараларни беради. Ташкилот-нинг бундай шароитида кадрлар хизмати ижтимоий бошқарув технологияларини жорий қилиш қарорларини қабул қилади ва амалга оширади.

Персонални бошқаришда замонавий ижтимоий технологияларни қўллаш жараёнлари натижасида қуйидагилар таъминланади:

- танлаш, ёллаш ва назорат;
- аттестациялар тизимларининг қўйилиши;
- профессионал таълимни қувватлаш;
- кадрлар заҳирасини янгилаш;
- ижтимоий ҳимояларни таъминлаш;
- тиббий суғурталаш;
- имтиёзларни тақсимлаш;
- нафақани таъминлаш.

Персонални бошқаришда ижтимоий технологияларни қўллашда қуйидаги умумлашган йирик натижаларга эришган-ликларини кўплаб ташкилотлар қайд қилишади:

- меҳнат унумдорлиги кескин ошади;
- чиқарилаётган маҳсулотларнинг рентабеллиги таъминла-нади;
- барча персоналлар фаолиятида юқори натижалар бўйича барқарор бир текислик юзага келади;
- ҳар бир ходимда охирги натижа бўйича манфаатдорликка қизиқиш кучаяди;

- мустаҳкам ҳамкорликдаги жамоа яратилади.

Персонални бошқариш технологиялари вақт талабига мувофиқ доимий равишда такомиллаштирилиб борилиши керак. Чунки, янги технологиялар ва илғор тажрибалар ташкилотларда, корхоналарда янги шароитларни келтириб чиқариши аниқ воқеълик ҳисобланади. Янги шароитга мослашиш учун албатта усуллар, такомиллаштирилган ёки янги технологиялар керак бўлади.

Жамоа меҳнатини ташкил қилишда раҳбарнинг ўрни "стили". «Стил» грекча сўз бўлиб, аввалига доскага ёзувда ишлатиладиган ёзув таёқчаси дейилган, кейинчалик «ёзув» маъносида таржима қилинган. Шундан келиб чиқиб, раҳбарлик стили – менежернинг ҳаракати деб тушуниш мумкин. Стил – раҳбарликнинг доимий равишда ўзгариб турадиган методлари тизимидир. Ташкилотда раҳбарлик стили доимий равишда ўзгариб туришга мажбурдир. Чунки, ташкилотнинг бутун фаолияти истеъмолчиларнинг миқдорига қатъий равишда боғлиқ бўлади.

Истеъмолчиларнинг кўпайиши ташкилотнинг заҳирадаги имкониятларини ҳам ишга туширади ва ўзига хос «босим» ҳосил бўлганлигидан раҳбарлик стили ҳам вақтинча ўзгаради. Раҳбарлик методи анча турғун ҳолатдаги деярли бир усулдаги бошқаришдир. Бу усулда раҳбарлик асосан марказлашган раҳбариятнинг кўрсатмаларига сўзсиз итоат қилиш ва сўзсиз ижро қилишга асосланади.

Раҳбарлик стили ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолларда кўп ишлатилиб келинаётган анъанавий методларга буйсунмай-ди. Бу вазиятда раҳбарлик стили билан раҳбарлик методлари ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқади. Лекин, бу вақтинчалик жараён ҳисобланади.

«Раҳбарлик стили» - менежернинг амалий фаолиятида усуллар, услублар, шакллар ва омилларнинг турғун бири-бири билан ўзаро алоқада, ўзаро ҳамкорликда бутун ва ягона тизимни ҳосил қилиш ҳаракатидир.

Ташкилот менежери раҳбарлик стилини қўллаб ташки-лотнинг топшириқларини бажарганида маълум бўлган раҳбар-лик методларини қўллайди. Бу ҳолатда раҳбарнинг интел-лектуал қобилияти, ақли ва тажрибаси қўл келади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, раҳбарлик стилида ҳам, раҳбарлик методида ҳам ҳозиргача ишлаб чиқилган ёки тан олинган «идеал» усулнинг ўзи ҳам йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Раҳбарлик стили менежернинг ўз олдига қўйган вазифасига қараб қуйидаги стил ёки методни ёки бошқарувни қўллаши мумкин[53]:

1. Бошқармоқ – раҳбар ўз буйсунувчиларига аниқ кўрсат-малар беради ва топшириқнинг бажарилишини сидқидилдан кузатади.

2. Йўналтирмоқ – менежер топшириқнинг бажарилишини кузатади ва бошқаради, бошқарувдаги ечимни ходимлар билан муҳокама қилади, улардан

[53] Круи М. Основы риск -менеджмента.Люберцы: Юрайт, 2016. -390 с.: Ҳайитбоев Р., Пардаев О. Туризмнинг менежменти. Самарқанд, 2010.-46 б.

таклифлар кутади, ўз ташаббусини қувватлашни хоҳлайди.

3. Қувватлаш – менежер ходимларга вазифаларни бажариш-да ёрдам кўрсатади, улар билан масъулиятни бўлишади, вазифасини тўғри бажаришда ҳамкорлик қилади.

4. Ваколатга ишониш – менежер ўз ваколатларида масала-ларни ҳал қилишда уларга масъулиятни ҳам беради. Бундай ҳаракатлар туристик фирманинг мақсади ва вазифалари фойдаси учун қилинади.

Албатта, авторитар бошқарув фирмада бошқарувнинг марказлашишига, раҳбарнинг мутлоқ ҳокимлигига олиб келади. Советлар иттифоқи бошқарувидан бу маълум. Авторитар раҳбарлик стили ҳам, методи ҳам ривожланишни таъминлай олмайди. Бошқарувнинг ривожланишида демократик –(демос–халқ, кратос– бошқарув) стил истиқболли ҳисобланади. Жамоа меҳнати ҳодиса ва жараёнлар, ижтимоий–иқтисодий мақсадларни кўзлагани учун ташкилот раҳбарида ҳам, менежерида ҳам ва унинг барча ходимларида ҳам озгина «ҳумрайиш» ва озгина «асабийлашиши» ҳам бутун фаолиятга салбий таъсир этишни яхшилаб тушуниш шарт бўлади.

Sh.A.Musayeva – assistant professor SamIES
D.I.Usmonova – PhD doctor of economic science SamIES
F.Sh.Usmanov – student SamIES

FEATURES OF MARKETING RESEARCH IN THE SERVICE SECTOR

Abstract: This article is devoted to the study of the characteristic features of the organization of marketing research in the service market. The author lists the features of the service market as an object of marketing activities and concludes that it is necessary to develop the methodology of marketing research.

Keywords: service market, marketing, marketing research.

Аннотация. Данная статья посвящена изучению характерных особенностей организации маркетинговых исследований на рынке услуг. Автором перечислены особенности рынка услуг, как объекта маркетинговой деятельности и сделан вывод о необходимости развития методологии маркетинговых исследований.

Ключевые слова: рынок услуг, маркетинг, маркетинговые исследования.

Аннотация: мазкур мақола хизматлар бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил қилишнинг ўзига хос ҳусусиятларини ўрганишга бағишланган. Муаллиф томонидан маркетинг фаолияти объекти сифатида хизматлар бозорининг ҳусусиятлари санаб ўтилган ва маркетинг тадқиқотлари услубиятини ривожлантириш хақида хулосага келинган.

Калит сўзлар: хизматлар бозори, маркетинг, маркетинг тадқиқотлари.

In the action strategy for the development of the economy of the Republic of Uzbekistan, much attention is paid to improving the service sector, since consumers demand not only the quality of products, but also a culture of service, which is impossible without the development of this sector. Moreover, given that in

developed countries, services are the leading sector of the economy of most developed countries. For example, in the countries of North Africa, Europe and Asia (Japan and South Korea), the number of employees working in the service sector exceeds the number of those employed in all other industries combined. The public and private sector in these countries accounts for 60-70% of the total national production.[54] Whereas in Uzbekistan the share of services in GDP is about 50%.

Service marketing is the action through which services offered on the market reach customers; a process recognized to assist potential consumers in assessing the services provided, allows scientific justification of decisions on the production, sale and promotion of services on the market, makes it possible to adequately assess and predict the market situation, develop a strategy and tactics of competition. The nature of the service sector, the features that distinguish a service from a material product, determines the specifics of the service market, which is considered in unity with the product market as one of the varieties, subject to the general laws of a market economy. Although the market for services has much in common with the market for goods, there are some features of market coordination due to the specific nature of the service, which requires a special approach to business and marketing activities designed to meet the demand for services.

The features of the services market are, first of all:

- in the high dynamics of market processes - the provision of services is aimed at the direct satisfaction of human needs;
- in territorial segmentation
- the forms of service provision, the demand and conditions for the functioning of enterprises for the provision of services, the demand and conditions for the operation of enterprises for the provision of services depend on the characteristics of the territory covered by the specific market;
- in a high rate of capital turnover - one of the main advantages of a business in the service sector, which is a consequence of a shorter production cycle;
- in high sensitivity to changes in market conditions - a property caused by the impossibility of storing, storing and transporting services, as well as the temporal and spatial coincidence of their production and consumption
- in the specifics of the organization of production of services - with greater mobility, small and medium-sized enterprises that are producers of services have ample opportunities for flexible response to changes in the market situation;
- in the specifics of the process of providing services - the personal contact of the manufacturer and the consumer, on the one hand, creates conditions for the expansion of communication ties, and on the other hand, increases the requirements for professional and qualification qualities, experience, ethics and general culture of the manufacturer;
- a high degree of differentiation of services - diversification, personification and individualization of demand for services is considered as the most important

[54] www.marketingresearch.com

incentive for innovation in the service sector, since the complex structure of demand causes the emergence of new, non-standard services; ---the search for a new service is becoming a permanent process, which is increasingly developing as market demand is saturated;

- in the uncertainty of the result of activities for the provision of services - the result of activities for the provision of services, which in many cases is subject to the influence of various qualities of the manufacturer, cannot be predetermined with sufficient accuracy; the final assessment of the result is possible only after the consumption of the service;

- services are often contrasted with products, although the role of service in industry is increasing, which may include equipment repair, after-sales service and other services related to the sale of goods. We can say that in many cases there is a product element in the service, just as with product sales there is a service element. The close interweaving of the sale of goods and the provision of services makes it difficult to distinguish and record services - the service sector is usually more protected by the state from foreign competition than the sphere of material production. Moreover, in many countries, transport and communications, financial and insurance services, science, education, health care, utilities are traditionally in full or partial state ownership or are strictly controlled or regulated by the state. The import of services, according to the governments of many countries, can pose a threat to national security and sovereignty, therefore, it is regulated more strictly than trade in goods.

Thus, the market for services in comparison with the market for goods is characterized by greater conjuncture and unpredictability. Here the question of the survival of an economic entity is acute. Among the factors shaping the market for services, one can single out: the level of development of equipment and technology, raw material potential, the level of demand for services, the level of market prices, the tax regime and the level of subsidies. The development of telecommunications and computerization reduce the need for personal contacts in the implementation of services. With technological progress, locality is being overcome, the market is becoming more open. more international. The service market most of all meets the requirements of a free market of the classical type; it lends itself the least to monopolization because the production of services is dispersed. The most common form of organizing the production of services is small businesses based on private and collective property. The profitability of the production of services is ensured not so much by economies of scale of production as by savings in the variety and quality of services. The peculiarity of marketing research in the service sector in modern times is that it is necessary to take into account the specifics of the globalization process as the main development trend. This is a multifaceted process, as we see it, due to the structural complexity of the service markets, which has a pronounced industry specificity. In recent years, the situation has changed dramatically. Under the influence of a number of new phenomena, conditions have been formed for the active integration of many services into the global economic

space. The primary role in the elimination or mitigation of traditionally high barriers on this path belongs to scientific and technological progress, primarily a powerful breakthrough in the development of information transformation of the production of services.

From the standpoint of globalization, delocalization (separation from the national soil) of many types of services, as well as a gap in the time of service production and its consumption, are especially important. It became possible to accumulate, store and transmit services over a distance, to consume them in various forms and at any time, including in real time. Many types of services have acquired the ability to be objects of foreign trade, and the world economic space has opened up for growing flows of telecommunications services, finance and education, a wide range of business and professional services, etc

Broad prospects for the globalization of services are opening up with the development of the Internet. The global network initially has a cross-border character, removes spatial and temporal barriers in international contacts between producers and consumers of services. On its basis, a radically new model of their mass consumption is being formed. The volume of transactions is steadily growing as users' access to Internet services increases, the computer literacy of the population increases, the principles and norms of legal regulation of transactions in a specific market environment are developed, measures are taken to protect intellectual property and individual rights, etc. Under the new conditions, mobile communications, a number of transport sectors (primarily aviation), and the financial sector progressed rapidly (the number of companies increased, including due to the entry of small and medium-sized firms into the market, the range of services expanded, and their prices dropped significantly). Technological and institutional shifts in these sectors not only stimulated cross-border and other forms of trade in services, but also served as a catalyst for the overall process of globalization, bringing under it a more technologically advanced and cost-effective infrastructure.

If in the past the leading positions in the structure of this sector in developed countries were occupied by trade, household, recreational and a number of other services, today a group of high-tech types of business and professional services, telecommunications, as well as education, health care, and culture have come to the fore. In combination with knowledge-intensive industries, they form, along with modernized traditional industries (trade and transport), an actively developing core of the modern economy and largely determine the dynamics, quality parameters, and competitiveness of both the service sector and the entire economy.

It is noteworthy that the "spurt" of services to foreign markets in recent years is largely associated with the expansion of "advanced" services - telecommunications, financial sector, information, computer, consulting, management, marketing, engineering and construction, auditing, educational and a number of others. This group of industries has a growing and often decisive influence on the dynamics, structural and qualitative characteristics of the

internationalization of services and gives a powerful acceleration to the overall process of globalization.

Making a general conclusion, we can say that the ongoing marketing research in the service sector requires even more a more qualified approach, taking into account new trends in the global economy, which in turn requires modern personnel in the field of marketing to constantly improve their knowledge.

А.Н.Холиқулов – СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада хизмат кўрсатиш корхоналарида бошқарув жараёни, келгусидаги стратегик режаларидан кўзланган асосий мақсад, ходимлар хавфсизлигини таъминлаш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, бошқарув, мақсад, даромад, хавфсизлик.

Аннотация: В статье описывается процесс управления в обслуживающих предприятиях, основные цели будущих стратегических планов, способы обеспечения безопасности сотрудников.

Ключевые слова: услуга, управление, цель, доход, безопасность.

Abstract: This article describes the management process in service enterprises, the main goal of future strategic plans, ways to ensure employee safety.

Keywords: service, management, purpose, revenue, security.

Хизмат кўрсатиш корхоналаридаги бошқарув жараёни иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги ҳар қандай корхоналар бошқарувидаги кўпгина умумий тавсиф бошқарувини ўз ичига олади. Кўпгина ташкилотлардагидек, бошқарув жараёни бу ерда ҳам меҳнатни тўғри тақсимланиши билан боғлиқдир, шунингдек хизмат ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши кичик бўлимларга, секторларга ва ҳоказоларга ҳам боғлиқдир.

Энг аввало, биз хизмат кўрсатиш корхоналарида ўз ўрни бўлган бошқарув жараёнининг асосларини кўриб чиқамиз.

Бошқарувнинг асосий функциялари қуйидагилар:

- ишлаб чиқариш фаолияти мақсад ва вазифаларининг ривожланиши;
- мақсадга томон интилишни ва режалаштиришни ва вазифаларнинг ечими;
- қарорлар қабул қилиш;
- қарорларни тарқатиш–буйруқларни ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш ходимининг функционал мажбуриятлари ва вазифаларининг бўлиб берилиши, буйруқларнинг бажарилиши жараёнини кузатиб бориш;
- кўзда тутилган режа ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳоказо.

Бундан ташқари, хизмат доирасидаги бошқарув қишлоқ хўжалиги ва

хом-ашё бошқаруви асосларини алоҳида аниқлаб беришга ёрдам беради. Шунингдек, сиёсий умумий ташкилотларда ҳам хизмат даражасидаги бошқарувнинг ривожланиши вазифаларнинг тўғри тақсимланишига хизмат қилади.

Шу билан бир вақтда бошқарув катта гуруҳ ходимларининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга эътиборни қаратади. Лекин ишлаб чиқарувчи ва талабгор шахсларнинг муносабати тўлалигича бозор алмашинувига, олди-бердисига мос келавермайди. Улар орасида социал, маданий, психологик компонентлар юзага келиб, бу бир-бирига кучли таъсир ўтказишга айланади. Бошқа сўз билан айтганда, хизмат ташкилотлари бошқарув ишида технологик – ишлаб чиқаришнинг жараёнлари биргина эмас, бир неча ҳолатларда хизмат корхоналари фаолиятини аниқлаб бера олади. Уларнинг барчаси хизмат менежментларининг умумлашган ҳолдаги ташкилотлар бошқаруви орасидаги фарқни келтириб чиқаради. Энди ўз қарашларимиз билан хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги бошқарув жараёнларини кўриб чиқамиз.

Умумий менежмент таҳлилидан бошласакда, бу таҳлил корхонага сиёсий ривожланиш ҳамда рақобатбардошлиги билан боғлиқ бошқарув стратегияси билан маҳкам қўшилиб кетган. Бунда умумий бошқарув характерида кўпгина нарсалар корхона фаолияти ўлчамларига, ходимларнинг сонига ва ҳуқуқий-ташкилий формаларига боғлиқ бўлади. Йирик акционерлик компанияларда, 50 кишилик акционерларга эга бўлганларнинг юқори раҳбарияти директор, қўмита ва бошқарув йиғилишига қўйилади. Директорлар маслаҳати йиғилишида умумий сиёсат ишлаб чиқилади, бошқарма уни ҳавола қилади ва бош менежер (бош администратор, директор, бошқарувчи) ўзларининг қўлида ташкилот, фирма ва филиалларининг барча нуқталарини ушлаб туради.

Ўртача хизмат кўрсатиш корхоналарида бошқарувнинг юқори бўғини ўзининг кичик административ кучлари сифатида тақдим этади. Бунда фақатгина раҳбариятга қарашли корхона қарорларини қабул қилувчи 3-7 кишилар ҳақида сўз боради. Шундай қилиб раҳбарият гуруҳини юқори лавозимдаги шахс (директор ёки бошқарувчи) ташкил қилади, бир ёки бир неча ўринбосар ва бош менежерлар корхона асосий таркибини бошқаради (булар ишлаб чиқариш бошқарувчиси ёки хизмат кўрсатиш жараёнининг бошлиғи, кадрлар бўйича инспектор).

Кичик корхоналарда бошқарувнинг барча хусусиятлари қоидага биноан фақатгина бир шахсга қаратилган бўлади.

Энди хизмат кўрсатиш корхонаси юқори бўғини менежментининг вазифаларини кўриб чиқамиз:

- корхона фаолияти режаси, ривожланиш миқёси мақсадларини ишлаб чиқиш;
- корхонанинг бозор миқёсини баҳолаш ва унинг фаолиятидаги самарадорликни аниқлаш;
- умумий раҳбарият ва ташкилий-бажариш характерларини амалга ошириш;

- жамоат ичидаги ва жамоа ташқи муҳитидаги коммуникатив-координация функцияларини сақлаш;
- ходимлар ва улар фаолиятидаги асосий йўналишни назорат турлари орқали қўллаш;
- корхона ва хизмат кўрсатиш ишларида умумий хавфсизликни таъминлаш;
- компаниянинг бошқа умумий жамият, ҳокимият биргаликда ишлайдиган одамлар билан алоқани ривожлантириш;
- ҳозирги замон талабига жавоб берадиган, аҳамиятга эга, бизнес талабларига боғлиқ ишга тааллуқли ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш.

Юқорида қайд этилган вазифалар якка тартибдаги корхоналарга мос келмайди ва шунинг учун менежментнинг юқори звеносини ташкил этувчилар кўпроқ фойда кўришлари мумкин.

Мақсад деганда корхона ривожланиш ҳолатидаги яқин келажак ва узоқ истиқболлари кўзда тутилади. Ишлаб чиқариш жараёнлар ҳаракатини, фирма, компания қачон, қандай мақсадда эканлигини аниқлаб беради. Мақсадлар бош, иккинчи даражали, умумий ёки хусусий, узоқ муддатли ва қисқа муддатли, тугалланган ва назоратли бўлиши мумкин.

Ҳар қандай компания бизнесида асосий мақсад қилиб ривожланиш, бозор рақобатбардошлилигини сақлаб қолишдир. Бу асосий мақсадни аниқлаб беришда бошқа мақсад ўрин эгаллайди, бу – даромад.

Менежмент корхонадаги даромад фирма борлигининг сабабчиси эмас, балки унинг фаолият натижаси эканлиги учун шароит яратиб бериши керак.

Даромаднинг ўсишига олиб борадиган умумий мақсадларга қуйидагилар киради:

- фаолият турларини йиғишда рентабелликдан фойдаланиш;
- фирма ривожланишда янги йўналишларни, фаолиятдаги янги хизмат турларни ишлаб чиқиш;
- фирмада иқтисодий барқарорлик ҳолатини ва унинг ишдаги хавфсизликни ҳар томонлама таъминлаш;

Махсус ва ўзига хос аниқ мақсадларга қуйидагилар киради:

- даромад маркази, сифатида алоҳида қисмлар рентабеллигини аниқлаш;
- компания фаолиятида асосий турлардаги мақсадлар;
- компания филиалларидаги мақсад.

Юқори менежментнинг асосий вазифаларидан бири – корхонанинг яқин 2-4 йилдаги ва 5 ёки ундан ортиқроқ йилдаги режалар мақсадини аниқлаш. Бу ҳолатда менежмент қўйилган мақсадни ақл билан ўз олдига мақсад қилиб қўйиши ва унга етишиши ҳолатини кўради.

Мақсадлар корхона (фирма) стратегиясини ишлаб чиқишда асосий рол ўйнайди. Хизмат кўрсатиш корхонаси стратегияси – бу корхонанинг мақсадини аниқлашга ва шакллантиришга кўмаклашади. Бунга корпоратив топшириқлар, кўзланган аниқ мақсадларни баҳолаш ва уларга эришиш масалаларини ечиш киради.

Ҳар бир фирманинг ўз вазифаси – мақсади бор. Лекин ҳамма фирмалар учун умумий бўлган асосий мақсад: омон қолиш ва фойда. Ҳар хил хизмат кўрсатиш корхоналари ривожланишида бир хил йўлни танлашмайди. Бунда менежер ўзининг ақлини ишга солиб ўзи учун шароит яратади, бу уни ҳеч ким кўрмайдиган шароитда фирмада альтернатив фаолиятини ишлаб чиқади.

Стратегияни ишлаб чиқиш қуйидаги вазифаларни ечиш билан боғлиқ:

- стратегик мақсадларни ишлаб чиқиш;
- альтернатив фаолиятни баҳолаш;
- ички имкониятларни баҳолаш ва ташқи муносабатларни корхона томонидан ечимини топиш;
- маркетинг фаолиятидаги асосий тенденцияларни таҳлил қилиш;
- корхона фаолиятини мақсад ва режада белгиланган турли ҳисобларни юритишни баҳолаш;
- программа, бюджет, режаларга тайёргарлик кўриш.

Хизмат кўрсатиш корхонаси ўзининг келгуси режаларини мақсадига қарата аниқлайди. Бунда турли стратегиялар келиб чиқиши мумкин: бозор маҳсулоти, стратегик маркетинг, рақобатчилик стратегияси, янги услубдаги инвестицион стратегия. Кўрсатилган стратегия турлари бир-бири билан кесишиши ҳам мумкин. Қоидага мувофиқ, уларнинг ўрни фирманинг ички ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб туради.

Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида шуни ҳисобга олиш керакка, ҳар қандай мақсад ва режанинг муаллифи келажакда нима бўлишини аниқ тасаввур қила олиши зарур. Шунинг учун менеджер бу ёки у режани амалга ошираётиб, ҳар доим уларнинг натижаларининг яхшилигига ишонч ҳосил қилиши керак, лекин кўпинча режа билан натижа ҳамма вақт ҳам бир-бири билан тўғри келавермайди. Асосийси шундаки, стратегик режалаштириш кўпинча натижани аниқ режалаштириш мажмуаси ҳар томонлама ташкилотнинг топшириқларини амалга оширишга ва мақсадга эришишни таъминлайдиган йўналишда бўлмоғи керак. Стратегик режа фирманинг раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилади. Уни амалга оширишда бошқарувнинг барча савиясидаги ходимлар қатнашиши керак.

Хизмат корхонаси менежерлари кабинет раҳбарлари бўлиши мумкин эмас. Уларнинг иш мазмуни, ходимлар, мижоз, бизнес ишчилари билан ҳамиша учрашувда, ҳаракатда бўлиши керак. Уларнинг эътиборидан сифатли хизмат қилишни таъминлаш кунлик масала эканлиги четдан қолмаслиги зарур.

Ҳар қандай хизмат компания ва фирманинг асосий эътибори корхона ва бизнеснинг хавфсизликни таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Бу борада сўз ҳамма томонлама хавфсизликка ёндошиш, айниқса, хизмат кўрсатиш жараёнида. Шундай қилиб, хавфсизликни таъминлаш жиноий элементларга қарши бўлиш ва ишчи, рақобатчиларнинг виждонан ишламасликларининг олдини олишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш корхоналарининг тажрибасига суянган ҳолда фирма раҳбарияти шуни ҳисобга олиш керакки, ўзларининг

фирмаларининг хавфсизлигини таъминлаш керак:

- хавфсизликни таъминлашнинг узлуксизлиги – бу иш вақтида ҳам, фирма ёпилганидан кейин ҳам давом этиши;
- муҳофазанинг фаоллиги;
- қонуний, яъни ҳар бир нарсанинг қонунга мувофиқ бажарилиши.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, хизмат кўрсатиш корхона раҳбариятининг асосий ғамхўрлиги – жамоа ишчиларининг бирлиги, ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлиги ҳамда ходимларга барча шароитларини яхшилаш кабилар киради. Ана шундагина хизмат кўрсатиш корхонаси бошқаруви мукаммал деб айтишимизга асос бўлади.

Ш.А.Мусаева – СамИСИ доценти, и.ф.н.,
П. Убайдуллаева – СамИСИ, ММР-120 гуруҳ магистранти

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мазкур мақолада инновацион маркетингнинг мазмун-моҳияти ҳамда ривожланиш омиллари кўрсатиб берилган. Инновацион маркетингнинг замонавий таърифидан келиб чиққан холда муаллиф томонидан маркетинг технологияларнинг корхоналарда қўллаш ҳусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: маркетинг, инновацион маркетинг, инновацион маркетинг технологиялари.

Аннотация. В данной статье показаны сущность и факторы развития инновационного маркетинга. Исходя из современного определения инновационного маркетинга автором раскрыты особенности применения маркетинговых технологий на предприятии.

Ключевые слова: маркетинг, инновационный маркетинг, инновационные маркетинговые технологии.

Abstract. This article shows the essence and development factors of innovative marketing. Based on the modern definition of innovative marketing, the author reveals the features of the use of marketing technologies at the enterprise.

Keywords: marketing, innovative marketing, innovative marketing technologies.

Бозор иқтисодиёти бизнес-моделларнинг ва технологиянинг юқори суръатда ўсиши, маҳсулотларнинг ҳаётийлик даврининг тезлашишида ўз аксини топиб бормоқда. Шу сабабли, ҳар бир корхона ўз товарининг рақобатбардошлигини оширишга интилмоқда. Маълумки, корхона рақобатбардошлигини ошириш йўлларидан бири инновацияларни яратиш, ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, бозор доимий ўзгариши шароитларида инновацион маркетингни қўллаш нечоғлик зарурлигини кўрсатади. Корхонанинг бозор муҳитидаги фаолияти унинг мижозлари томонидан белгиланади. Шундай экан, бизнес ривожла-

ниши, аввало, корхона мижозларига боғлиқ бўлади. Агар мижозлар корхонанинг товар ва хизматларини уларни яратиш учун кетган харажатларга нисбатан кўпроқ баҳоласа, корхона бизнеси тобора ривожланиб боради, Акс ҳолда, корхона инқирозга юз тутади ёки ташқи ёрдам олишга мажбур бўлади.

Корхонани ўзининг маркетинг фаолиятида инновациялардан фойдаланиши истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ҳамда янги бозорларни эгаллаш имкониятини беради. Маркетинг ва инновация тушунчалари ҳозир куннинг янгилиги эмас. Бу тушунчаларни ўтган асрда ҳам тадбиркор ва сиёсатчилар ўз фаолиятларида қўллаб келиб, долзарблигини таъкидлаб ўтганлар. Ўша вақтда бу бўйича умумий тушунчалар бўлсада, "инновацион маркетинг" нима ёки инновация ҳақида сўз кетганда янги кўринишдаги озиқ-овқат ва истеъмол товарлари, техника ва технологияларга оид, шу ғояларни ижтимоий кўринишда бўлиши, маҳсулот ёки хизматларни осон ва самарали тижоратлаштириш деган фикрлар олға сурилган.[55]

Бугунги кунда "инновацион маркетинг" маркетинг фаолиятида энг керакли бўлган йўналиш ҳисобланиб, унга кенгроқ талқинда таъриф берилмоқда, яъни: "Инновацион маркетинг – бу янги товар ва хизматлар бозорини яратишга, кенгайтиришга ва уни сақлаб туришга йўналтирилган маркетинг технологияси мажмуасидир". Бошқача қилиб айтганда, инновацион маркетинг – бу корхонада анъанавий маркетингнинг усул ва шаклларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган маркетинг концепциясидир. Ундан кўзланган асосий мақсад инновацияларни бозорга киритиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва янги маҳсулотни бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Инновацион маркетинг, биринчи навбатда, янги маҳсулот (хизмат), ускуна ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни бозорда сотиш учун янги маркетинг усулларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Инновацион маркетинг рақобатчиларига нисбатан кўпроқ фойда олишни истаган корхоналар учун муҳим бўлиб, инновацияларга ва янгиликларга асосланган устун рақобат стратегиясини шакллантиради. Шунингдек, инновацион маркетинг фақатгина бозордаги янги маҳсулотни ёки мавжуд маҳсулотни сотиш эмас, балки янги технологиялардан: янги маҳсулот ёки технологик жараён бўйича ихтиро ва ноу-хаулар учун лицензияларни сотиш ҳамда уни тайёрлаш учун ускуналарни такомиллаштиришни назарда тутади. Шундай экан, инновацион маркетингнинг объекти сифатида интеллектуал мулк, янги материаллар ва таркибий қисмлар, янги маҳсулотлар, янги жараёнлар, янги бозорлар, товар ва хизматларни силжитишнинг янги усуллари, бошқарувчининг янгича ташкилий шаклларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Инновацион маркетинг муваффақияти бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, уларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- уни ўтказиш сифати;

[55]Эргашходжаева Ш.Дж. Инновацион маркетинг. Дарслик.- Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 148б.

- ишлаб чиқариш жараёнидаги инновация имкониятлари;
- янги товарлар ишлаб чиқариш имконияти;
- маркетологларнинг малака даражаси;
- юқори самара келтирувчи рекламани яратиш;
- талабни шакллантириш бўйича тўғри дастур ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Инновацион маркетинг технологиялари қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- инновация бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- инновацияга бўлган потенциал саноат истеъмоли талаби таҳлили;
- истеъмолчи позициясидан инновация таҳлили;
- инновацияни функционал - қийматли ва параметрик таҳлили;
- бозорлардаги рақобат таҳлили;
- бозорда инновацияни позициялаштириш;
- инновация бозорини тест синовидан ўтказиш;
- тубдан янги эҳтиёжлар билан инновация учун талабни шакллантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш;
- реклама ва унинг самарадорлиги;
- сотишни рағбатлантириш усуллари;
- инновация рискларини таҳлили;
- нарх тузилиши ва нархни ташкил этилиши таҳлили;
- инновацияни етказиб бериш учун шартномалар тузиш;
- етказиб бериш бўйича сотиш тизимини шакллантириш;
- кафолатли ва кафолатдан кейинги хизматни ташкил этиш.

Инновацион маркетинг технологияларини ўз вақтида самарали жорий этилиши янги товарни ишлаб чиқиш билан боғлиқ рискларни пасайтиради, потенциал талабни баҳолаш, бозорнинг мақсадли сегментини аниқлаш имконини беради. Замонавий бозор шароитида инновацион маркетинг инновацион фаолиятнинг бир тури сифатида юзага келар экан, бунда, янги маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқиш жараёнларини ўзлаштиришда кўпроқ эътибор ушбу инновацион маҳсулотларни баҳолашга эмас, балки бозорни ўрганишга қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг янги маҳсулотлари ёки кўрсатадиган хизматларини самарали ва муваффақиятли бозорга силжитишда инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланишнинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Gary Armstrong. Philip Kotler. Michael Marker. Marketing in introduction. England, 2016, paperback: 720 pages, Pearson.
2. Philip Kotler. Kavin Lane Ketler. Marketing Management. Pearson Education, Inc. publishing as Prestige Hall, USA,2012y.
3. Баранчеев В.П. Маркетинг инноваций.– М.: Благовест, 2007. – 254
4. Секерин В.Д. Инновационный маркетинг: Учебник. – М.: ИНФРА, 2012. – 238 с.

О.С.Казаков – Наманган муҳандислик-технология институти, Маркетинг кафедраси доценти, и.ф.н.

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ МАСАЛАЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос бўлган ҳусусиятлари ва ривожланиши олдида турган масалалар ўрганилган. Соҳада замонавий менежментни жорий этиш йўл-йўриқлари кўрсатилган

Калит сўзлар: инновацион иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш соҳаси, менежмент, бошқарув тизими, бошқарувчига талаблар

Аннотация. В статье изучены особенности сферы обслуживания в нашей республике и вопросы дальнейшего развития этой сферы экономики. Предложены пути внедрения современного менеджмента в этой сфере.

Ключевые слова: инновационная экономика, сфера обслуживания, менеджмент,система управления,требования к управляющим

Abstract: In article features of sphere of service in our republic and questions of the further development of this sphere of economy are studied. Ways of introduction of modern management to this sphere are offered.

Keywords: innovative economy, service sphere, management, a control system, requirements to managing directors

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, у орқали мамлакат аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб мамлакатимиз раҳбариятининг диққат марказида бўлиб келаётган устувор масала ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг бугунги кундаги ривожи ва истиқболи бу соҳада менежмент фаолиятини ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ушбу муҳим ва долзарб ҳисобланган вазифаларни бажарилиши хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар, хўжаликларда фаолият самарасини янада оширишга ҳаракат қилишни, улардаги бошқарув фаолиятини замонавий менежмент даражасига кўтаришни талаб қилмоқда. Айниқса, бугунги кунда соҳадаги инновацион фаолият турлари билан шуғулланувчи ташкилотларда бошқарув фаолиятини такомиллаштиришга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу йўналишда фаолият юритувчи ташкилотларнинг самарадорлиги ва улар хизматларининг рақобатбардошлилиги ҳам биринчи навбатда уларда замонавий бошқарувни жорий қилишга боғлиқдир.

Ушбу тизимдаги ташкилотлар фаолиятида банд бўлган бошқарувчиларнинг малакавий даражасига қўйиладиган талаблар - уларни одамлар билан ишлай олиш қобилиятлари ва ўзларини ўзлари бошқара олиш қобилиятлари билан боғлиқдир. Менежер ўз вазифасини бажариш чоғида кўплаб одамлар билан мулоқотга киришади, ҳамкасабалар билан, қўл остидагилар билан, раҳбарлар билан, истеъмолчилар, таъминотчилар ва

бошқалар билан муносабатларга киришадилар. Турли-туман характер ва даражадаги одамлар билан ишлаш учун менежерлар ўзига хос ҳусусиятлар, ноёб қобилиятга эга бўлишлари, шахсий сифатларни намоён қилишлари, мулоқотга киришаётганлар ўртасида ишонч ва хурматга эга бўлишлари талаб этилади. Бу гуруҳ талаблари қуйидагилардан иборат (1-расм):



1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида бошқарув тизими ва ундаги фаолиятнинг назарий асослари ҳамда бошқарувчиларга қўйиладиган талаблар

а) масъулият ҳисси ва ишга содиқлик;
б) одамлар билан муносабатда ҳалоллик;
в) шерикларга ишонч билдириш;
г) ўз фикр ва ғояларини аниқ ифодалай олиш;
д) одамлар билан муносабатларга ҳурмат билан қараш;
е) ўзининг ақлий ва жисмоний кучини тезда тиклай олиш кобилияти;
ж) ўз фаолиятини танқидий нуқтаи-назаридан баҳолай олиш.

Авваламбор, бошқарув фаолиятини тўғри ва самарали тарзда йўлга қўйиб олиб, кейин ривожланиш тўғрисида сўз юритиш лозим. Бугунги кунда жаҳон мамлакатларини қамраб олган пандемия шароитида юзага келган иқтисодий инқироз хизмат кўрсатишда ва у билан боғлиқ соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларига таъсир кўрсатишини олдини олиш учун, авваламбор, бу соҳадаги иқтисодий ислоҳотларнинг мазмунини ўрганиш лозим. Мамлакатимизда иқтисодиёт ривожланиши йўлида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида фаолиятни ташкил этишнинг янги шаклларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш

самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш салоҳиятидан ва ундаги ресурслардан тўлароқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим бўлади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан ва ресурслардан самарали тарзда фойдаланиш омиллари ҳар томонлама ўрганилиши, таҳлил этилиши, бир-бири билан алоқалари ўрнатилиши шарт. Иқтисодий салоҳият ва ундан самарали тарзда фойдаланиш комплекс холда кўриб чиқилмоғи лозим. Ушбу тушунча кенг қамровли бўлиб, ташкилотга киришдаги ресурсларни ҳар бирлигидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни, жой-жойига қўйишни, ҳар бир бирлик ресурсдан олинадиган хизмат даражасини орттириш билан биргаликда, сифатли хизмат кўрсатишни ҳам назарда тутади. Шу билан биргаликда, хизмат кўрсатишдаги ҳар бир ресурсдан фойдаланиш қўйилган стретегик мақсадга етишишни таъминлаши ва кўпроқ фойда олишини таъминлаши лозим. Хизмат кўрсатишнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш улардаги асосий воситаларни жойлаштирилишига, ўз вақтида ва сифатли таъмирлашга, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга, меҳнат тақсимоти ва ҳамкорлигини йўлга қўйишга, иш жойини тўғри ва оқилона тартибини яратишга, иш усулларини такомиллаштиришга олиб бориши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасининг бугунги кундаги ривожи ва истиқболи бу соҳада менежмент фаолиятини ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқлигини ҳисобга олиб, бу соҳада олиб борилаётган бошқарув фаолияти ҳар бир ресурсдан фойдаланиш хизмат кўрсатиш корхонаси ўз олдига қўйган стретегик мақсадга етишишни ва кўпроқ фойда олишини таъминлаши, ҳар бир бирлик ресурсдан олинадиган хизмат даражасини орттиришга, хизмат кўрсатиш корхоналаридаги асосий воситаларни жойлаштирилишига, ўз вақтида ва сифатли таъмирлашга, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга, меҳнат тақсимоти ва ҳамкорлигини йўлга қўйишга, иш жойини тўғри ва оқилона тартибини яратишга, иш усулларини такомиллаштиришга олиб бориши лозим. Хизмат кўрсатиш корхоналарида менежментнинг функцияларидан фойдаланган холда бошқарув қарорларини қабул қилишда бу вазифаларга устуворлик қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Меҳнат», 2002 . – Б. 337.
2. Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. –Т.: «Молия», 2002.–Б. 8.
3. Казаков О.С., Ахмедходжаев Х.Т. Менежмент асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент “Илм-Зиё” нашриёти 2017 й. 18,0 б.т.
4. Казаков О.С. Маҳаллий хом ашёлардан юқори самарали маҳсулотларни ишлаб чиқариш. 2017 й. НамМТИ, Илмий журнал, 4 б.
5. Казаков О.С., Исмаилов Р.Б., Убайдуллаев Л. Основы экономики и менеджмента. Учебное пособие. Наманган «Наманган», 2020 г. 20,0 б.т.
6. Казаков О.С. Improving the management activity of the fruit and vegetable industry. Журнал “Theoretical & Applied Science”№ 12/ 2018 interprises 6 б.
7. Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

Ш.С.Олтаев – СамИСИ катта ўқитувчиси и.ф.н.

МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда инновацион фаолиятни бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини шакллантириш йўллари кўрсатиб ўтилган. Инновацион жараённинг хавф-хатарли биринчи босқичини кичик ва ўрта корхоналар амалга оширадилар. Бунда улар янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ҳамда бозорга олиб чиқиш бўйича масъулиятини тўла ўз зиммаларига оладилар.

Калит сўзлар: инновацион жараён, маҳсулот ишлаб чиқариш, илмий-техника салоҳияти, рақамли иқтисодиёт, инновацион фаолият, моддий бойликлар.

Аннотация: В статье показаны пути формирования организационной структуры управления инновациями в нашей стране. Рискованный первый этап инновационного процесса проводят малые и средние предприятия. В то же время они берут на себя полную ответственность за разработку и маркетинг новых продуктов.

Ключевые слова: инновационный процесс, производство, научно-технический потенциал, цифровая экономика, инновационная деятельность, материальные блага.

Abstract: The article shows the ways to form the organizational structure of innovation management in our country. The risky first stage of the innovation process is carried out by small and medium enterprises. At the same time, they take full responsibility for the development and marketing of new products.

Keywords: innovation process, production, scientific and technical potential, digital economy, innovative activity, material wealth.

Лойиҳанинг муваффақиятли чиқиши маълум бўлгач, уни якунлаш учун йирик корхоналар ишга киришадилар, ҳамда янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий эта бошлайдилар. Шундай қилиб йирик ва майда корхоналар бир-бирларини ўзаро тўлдирадидар. Бу эса янгилик киритишнинг бутун циклини- фундаментал изланишлардан тортиб, янги маҳсулотни кенг кўламда турли кўринишларда ишлаб чиқаришга жорий этишигача оптимал-лаштиради, маблағ ва илмий-техника салоҳиятини унумли тақсимлайди, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида, иқтисодиётнинг энг оптимал тар-кибини яратади, ғоя, билим, тажриба ва технологиялар билан алмашинишини таъминлайди. Афсуски, бизнинг мамлакатимизда шаклланган инновация жараёнининг ташкилий шакллари юқорилардагилардан фарқ қилади.

Республика корхоналаридаги инновацион фаолиятнинг таҳлили йирик корхоналарда майда корхоналардагига нисбатан ушбу жараён фаолроқ олиб борилаётганини кўрсатади. Янгиликларнинг асосий қисми мазкур фаолият олиб бориш учун кенгроқ иқтисодий имкониятга эга бўлган йирик корхоналар томонидан етказиб берилмоқда.

Янги технологиялар яратиш борасида ҳам йирик корхоналар фаолроқ ишламоқда. Моддий бойликларни тежаш, меҳнат харажатларини қисқарти-

риш, атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқаришни камайтириш, ишчилар-ларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашда акс этган технологик кўрсаткичлар борасида ҳам йирик корхоналарда аҳвол бир мунча яхши.

Майда корхоналарда инновациялар - инвестиция жараёнларига туртки беради, деган умид ҳали ўзини оқлагани йўқ. Илмий соҳага йўналтирилган кичик корхоналар бугунги кунда инновация жараёнларининг йирик илмий-техник базасига айланмаган.

Бу ҳолатни кичик корхоналар асосий ва айланма капитал ҳажмини кўпайтириш орқали фойдани орттиришга ва шу тарзда, бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратаётганликлари билан изоҳлаш мумкиндир. Айни вақтда баъзи йирик корхоналар инновацион фаолиятга нафақат иқтисодий, балки техник ва технологик унум олиш мақсадида ресурслар жалб қилиш имкониятига эга. Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилиб турган омиллар қаторида корхоналар молиявий маблағларнинг етишмаслиги, юқори солиқ ставкалари, буюртмачининг тўлов лаёқатсизлиги, инвестиция ва кредитлаш-нинг ноқулай шарт-шароитлари мавжудлигини юқорида айтиб ўтган эдик.

Ушбу тўсиқларни, бизнинг фикримизча, қуйидагилар бартараф этиши мумкин:

- **биринчидан**, илмий изланиш учун зарур маблағлар бўлган, бир неча йўналиш бўйича инновация фаолияти олиб борувчи, бир лойиҳадан кўрилган зарарни бошқа лойиҳа ҳисобидан чиқариб олиш имкониятига эга бўлган йирик ишлаб чиқариш фирмалари, холдинг уюшмалари.
- **иккинчидан**, давлат ёки минтақавий дастурлар сифатидаги дастурий-мақсадли шакллар. Улар одатда нафақат фойда олиш, балки бошқа кенг кўламли мақсадларни кўзлайдилар.
- **учинчидан,** Венчур (таҳликали) фирмалар таваккал капитал, кучли давлат ёки минтақавий кўмак мавжудлиги шарти билан. Бу холда венчур фирмаси сифатида кичик корхона бўлиши ҳам мумкин.
- **тўртинчидан,** горизонтал ва вертикал интеграциянинг чатишган усули. Бунга мисол килиб авиация молиявий саноат гуруҳини келтириш мумкин. Бирлашишнинг мазкур шакли айни вақтда илм талаб этиладиган мураккаб маҳсулот (ёки маҳсулотлар туркумини) яратиш инновация циклининг таъминоти, ҳам корхоналар гуруҳининг ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этади. Бундай молиявий-саноат гуруҳини ташкил этиш истиқболли ҳисобланади, негаки бу корхонанинг технологик даражасини кўтариши мумкин.
- **бешинчидан**, вертикал интеграция. Бу ҳолатда корхоналараро технологик алмашинув мавжуд бўлиб, бу алмашинув оралиқ маҳсулот етказиб беришдаги узилишлар (монопол ҳукмронлик туфайли)нинг олдини олади. Айни вақтда шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида маълум рақобат юзага келади ва бу ҳам маҳсулот яратилишига ҳамда уни сифатини яхшилашга кўмаклашади.
- **олтинчидан,** диверсификация, яъни бир компаниянинг иккинчи бир

компания томонидан ютиб юбориши асосида бирлаштирилган компания гуруҳи.

Корпоратив доирада махсус инновация тузилмалари ташкил этиш зарур. Корхона ва ташкилотнинг илмий технологик салоҳиятини таъминлаб амалга ошириб турувчи илмий-тадқиқот ва технологик марказлар шундай тузилмалар сифатида хизмат қилиши мумкин. Йирик корпорациялар қошида инновация бўлинмалари ташкил этиш борасидаги ривожланган ғарб давлатларининг тажрибасидан фойдаланиш ҳам мумкин. Бозор рақобатида фирма ичидаги илмий изланишларнинг мустақил тадқиқот ташкилотларида амалга оширилган изланишлардан кўра юкори самарадорлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, давлат хусусийлаштириш жарёнида йирик корпорацияларда инновация тадбиркорлигининг шакланишига туртки бериши мумкин. Энг аввало бу ишлаб чиқариш мажмуалари доирасидаги технологик жиҳатдан бир бирига боғлик бўлган йирик корхоналарни хусусийлаштиришга тааллуқли. Айни вақтда бу жараён фаолият юритиб турган ишлаб чиқариш таркибларини бузилишига, технологик ва ишлаб чиқариш алоқаларининг узилишига олиб келмаслиги керак.

Фойдаланган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. Тошкент, 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 1-иловаси “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Пардаев М.Қ. Инновацион иқтисодиёт шароитида корхонада харажатлар самарадорлигини бошқаришда тежамкорлик режимига амал қилишнинг асосий йўналишлари. СамИСИ Сервис илмий-амалий журнал, №3, 2020 йил.

З.И.Усманова – СамИСИ, Маркетинг кафедраси доценти в.б., и.ф.н.,
К.А.Пардаева – СамИСИ, ММР-119 гуруҳ магистранти

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА МАРКЕТИНГ ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт салоҳиятини ошириш, ташқи бозорларга тайёр рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқишда маркетинг стратегиялардан фойдаланиш масалалари ёритилган

Калит сўзлар: экспортни кенгайтириш, экспорт салоҳияти, органик маҳсулотлар, ташқи бозорлар конъюнктураси, рақобатбардошлик, маркетинг стратегиялари

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы повышения экспортного потенциала сельскохозяйственной продукции, использования маркетинговых

стратегий для завоевания внешних рынков производством готовой конкурентоспособной продукцией.

Ключевые слова: расширение экспорта, экспортный потенциал, органические продукты, условия внешнего рынка, конкурентос пособность.

Abstract: The article discusses the issues of increasing the export potential of agricultural products, the use of marketing strategies to conquer foreign markets by producing finished competitive products.

Key words: export expansion, export potential, organic products, external market conditions, competitiveness, marketing strategies.

Мамлакатимизда бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар экспортини кенгайтириш ва янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш, ташқи бозорларга тайёр рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқиш, экспортда қўшимча қийматга эга товарлар улушини кўпайтириш ҳамда жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш бўйича иқтисодий ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида, экспортга мўлжалланган юқори даражада маҳаллийлаштиришга йўналтирилган иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш алоҳида кўрсатилган.

Бу борада 2020 йилда 18 май қабул қилинган ПФ-5995 “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент Фармони” мазкур ишларни амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва модернизация қилиш, рақобатдош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқиш учун замонавий технологияларни жорий этишга хизмат қилади. Мазкур Фармонда кўпроқ органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эътибор берилмоқда.

Экспертларнинг баҳолашига кўра, дунё органик маҳсулотлари бозорида сўнгги 5 йил давомида йилига ўртача 15 фоиздан ўсишга эришилиб, 2022 йилда савдо айланмаси 212 млрд. АҚШ доллари (жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 фоизи)ни ташкил этиши прогноз қилинган.

Республикамиздаги «Sunny Fruit Production» МЧЖ томонидан 2017- 2019 йилларда жами 1848 тонна органик майиз етиштирилиб, Россия Федерацияси, Франция, Германия, Голландия, Италия ва Греция мамлакатларига майизнинг анъанавий турига нисбатан 14,7 фоизга юқори нархларда экспорт қилинган ва 4,1 баробар кўпроқ соф фойда олинган.

Шу каби, 2019 йилда АҚШ бозорларида 1 тонна органик пахта хом ашёси анъанавий турига нисбатан 155 доллардан 225 долларгача юқори нархларда баҳоланган. Маълумки, 2018–2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорини қабул қилиш натижасида қуйидагилар асосий вазифалар ҳисобланади[56] :

[56] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

юқори қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш; Ўзбекистон учун савдо алоқаларини ривожлантириш борасидаги мақсадли бозорларни аниқлаш;

ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортбоп товарларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш;

ташқи бозорларни маркетингга хос ўрганиш усулини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

белгиланган бозорларни асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали миллий маҳсулотлар билан таъминлаш;

халқаро сифат стандартларини (ISO 9001) кенг жорий этиш, ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш ва ҳоказолар.

Бундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда Республикамиз экспорт салоҳиятини кучайтириш мақсадида ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинувчи маҳсулотлар тури ва географиясини кенгайтириш, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айнан, инновацион иқтисодиёт шароитида озиқ-овқат саноати корхоналари, хусусан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниясига қарашли корхоналарнинг маҳсулотлари экспортини кенгайтириш, корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қилинган ПФ-5995 “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ўз вақтида қабул қилинган муҳим меъёрий ҳужжат бўлиб, ушбу қарор билан хўжалик юритувчи субъектларнинг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиши тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, жисмоний шахслар томонидан уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш назарда тутилган. Ушбу қарор орқали ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспорт қилинувчи янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларнинг ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини оширишга эришилади. Мамлакатимизда озиқ-овқат саноати корхоналари сони 9700 тани ташкил этмоқда[57]. Мавжуд озиқ-овқат саноати корхоналарининг холдинг компанияси таркибига жалб этилиши албатта компаниянинг даромадлари ўсиши ҳамда экспорт миқдорининг ўсишига олиб келади. Фаолиятни таҳлил қилар

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2017. 213 б.

[57] Мирзиёев Ш.М. Халққа хизмат қилиш, одамларнинг манфаатларини таъминлаш - раҳбарлар фаолиятининг асосий мезонидир. - // Халқ сўзи, 2017 йил 13 апрель, №73 (6767).

эканмиз, компаниянинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан яқиндан танишиш орқали эришилган натижа ва қўйилган хатоларни англаб олиш мумкин. Ўзбекистонда 2005 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси 5577,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич, 92707,4 млрд.сўмни ташкил этиб, таҳлил йилларида 126 % дан ошган. Жами чакана савдо айланмаси таркибида озиқ-овқат товарларининг улуши эса 2005 йилдаги 51,9 % дан, 47,7 фоизга ошган. Ўзбекистонда 2005 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жами саноатнинг 8,2 фоизини ташкил этиб, унинг ҳажми 904,3 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич мос равишда 19,6 фоиз ҳамда 144185,3 сўмни ташкил этди. Мазкур лойиҳаларда янги технологияларни жорий этиш ва хом-ашёни чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор берилади ва уларнинг аксарияти қишлоқ жойларда амалга оширилади. Мамлакатимиз Президенти томонидан экспортни кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт фаолиятини оширишда қуйидаги ишларни амалга тавсия этилади: - хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазмаларда иштирок этиш; - йирик компанияларнинг илғор технологик ускуналарини жалб этиш; 40 - озиқ-овқат ишлаб чикарувчи халқаро трансмиллий компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. 2019 йилда юртимизда 25 миллион тоннагача экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Эндиликда дунё бозорини мунтазам равишда таҳлил қилувчи, нарх-навони ўрганиб борувчи, асосийси, Ўзбекистон экспорт қилувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун “Ўзагроэкспорт” фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда ушбу ташкилот ҳақиқий бозор нархларини шакллантиришда фаоллик юритмоқда. Биргина мисол, жорий йилда гилос 4 долларгача бўлган нархда экспорт қилинмоқда. Ўтган йили эса, унинг баҳоси 2 доллар атрофида эди. Айни пайтда 180 турдаги мева-сабзавотлар сайёрамизнинг 80 давлати, хусусан, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Европа иттифоқи мамлакатлари, Туркия ва бошқа давлатларга етказилмоқда. Биргина ҳозирги кунда Хитой ҳамда Кореяга 15 минг тоннадан ортиқ гилос етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди. Умуман, жорий йилда 2 млрд. АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилиш, яқин йилларда бу кўрсаткични 5 млрд. АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган. Мева-сабзавот маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш экспорт ҳажми 708,8 млн.АҚШ долларини ташкил этди, ёки ўтган 2016 йилга нисбатан 15,6 фоизга ошди. Жаҳон бозорида маҳсулотларимизга бўлган талаб юқори. Шунга мос равишда етиштирилган мева-сабзавотларни сақлаш ва етказиб бериш масалаларини ҳам ҳал этиш лозим. Шу маънода, замонавий сақлаш хоналари, логистика ва харидорларга маҳсулотларни етказиб бериш учун сиғими 800 минг тоннадан ортиқ 1300 та совутиш камераси ҳамда омбори фаолият юритмоқда. Жорий йилда 197 та совутиш хонаси ва камера қуриш режалаштирилган. Республикамизнинг олтита ҳудудида замонавий логитика маркази қуриш бўйича лойиҳа ишлари бошлаб юборилган.

Маълумки, ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар асосий эътиборни маҳсулот сифатини яхшилашга қаратиши лозим, бу эса ўз навбатида, маҳсулотга талаб ва рақобатбардошлик даражаси ошишига, сотиш ҳажмини кўпайиши, корхонанинг ташқи бозордаги мавқеи мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз озиқ-овқат саноати корхоналарининг ташқи бозорларга чиқиши бўйича имкониятларни кенгайтириш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотлари усулларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш лозим.

Н.Б.Яҳёхонов – СамИСИ таянч докторанти

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИГА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига рақамли маркетинг технологияларини жорий этишнинг объектив зарурлиги ва унинг аҳамияти асосланган. Шунингдек рақамли маркетингнинг ўзига хос жиҳатлари ва назарий масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, “Рақамли Ўзбекистон-2030”, рақамли маркетинг, рақамли маркетинг технологиялари, SEO, SEM, SMM, SMS, MMS, CRM.

Аннотация: в статье обоснована объективная необходимость и значение внедрения цифровых маркетинговых технологий в деятельность субъектов оказывающие услуги в условиях цифровой экономики. А также освещены теоретические вопросы и специфические аспекты цифрового маркетинга.

Ключевые слова: цифровая экономика, “Цифровой Узбекистан-2030”, цифровой маркетинг, технологии цифрового маркетинга, SEO, SEM, SMM, SMS, MMS, CRM.

Abstract: the article substantiates the objective necessity and importance of the introduction of digital marketing technologies in the activities of entities providing services in the digital economy. It also covers theoretical issues and specific aspects of digital marketing.

Keywords: digital economy, “Digital Uzbekistan-2030”, digital marketing, digital marketing technologies, SEO, SEM, SMM, SMS, MMS, CRM.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар хусусан, рақамли маркетинг технологиялари ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг изчил ривожланишининг биринчи ва энг муҳим омили – бу унинг ҳуқуқий асосини яратишдир. Ҳудди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-октябр куни “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони қабул қилинди[58].

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан рақамли маркетинг технологияларини хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига жорий қилиш орқали савдо хажмини ошириш, халқаро бозорга чиқиш, миллий брендларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш, бизнес субъектларида соғлом рақобат муҳитини яратиш, истеъмолчилар эҳтиёжларини максимал даражада самаралироқ қондириш, истеъмолчиларга товар ва хизматларни силжитишдаги харажатларни тежаш ва таннархни камайтириш, ишлаб чиқариш ва тақсимот жараёнидаги логистик занжирни оптималлаштириш ва моделлаштириш ҳамда уларни механизмларини янада такомиллаштиришни тақазо қилмоқда.

Замонавий иқтисодиётда рақамлаштириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, хусусан рақамли истеъмолчи, рақамли сотувчи, рақамли товар ва рақамли маркетинг технологияларини ўрганиш, уларни такомиллаштириш ва хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига жорий этиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда кўплаб компаниялар рақамли маркетинг технологияларидан кенг фойдаланиб келмоқда. Ҳусусан, Apple, Alphabet, Microsoft, Amazon, Google, Alibaba Group, Twitter, Facebook, Johnson & Johnson, Instagram, You Tube, Feberlic, Oriflame ва бошқа компанияларни мисол келтиришимиз мумкин. Рақамли маркетингни жадал ривожланишини биргина интернет орқали хизмат кўрсатувчи Амазон компанияси мисолида кўришимиз мумкин. Унинг акциялари атиги 12 ой ичида 59 фоизга ўсиб, компания раҳбари Джефф Безосга 39,2 миллиард доллар фойда келтирди.

"Рақамли маркетинг" атамаси 1990-йилларда қўлланила бошланган. Аммо унинг илдизи 1980-йилларнинг ўрталарида, SoftAd Group (ҳозирги ChannelNet) компанияси реклама ишлаб чиққанида пайдо бўлди[59].

Рақамли оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожланиши маркетинг ва реклама учун янги имкониятлар яратди. Рақамли каналларга эга мобил қурилмалардан кенг фойдаланиш рақамли рекламанинг экспонент ўсишига олиб келди. Ҳозирги вақтда "рақамли маркетинг" атамаси кўплаб мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди. АҚШда "рақамли маркетинг", Италияда "веб-маркетинг", Франсияда "веб-маркетинг" ёки "рақамли маркетинг", Буюк Британия, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатларда "рақамли маркетинг" атамаси кенг қўлланилади.

Рақамли маркетинг – бу компанияни тарғиб қилиш ва истеъмолчиларни

[58] https://lex.uz/docs/5030957
[59] https://en.wikipedia.org/wiki/Digital_marketing#History

жалб қилиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни назарда тутади. Ушбу турдаги маркетинг радио, мобил технологиялар, телевидения интернет муҳитида қўлланилади. Рақамли маркетинг нафақат интернетдан, балки маркетингнинг бошқа турларидан ҳам комплекс фойдаланадиган маркетингдир[60].

Рақамли маркетинг – потентциал мижозларни жалб қилиш ва уларни истеъмолчилар сифатида сақлаб қолиш учун рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда товарлар ва хизматларнинг мақсадли ва интерактив маркетингини белгилаш учун ишлатиладиган умумий атамадир. Рақамли маркетингнинг асосий вазифалари брендни тарғиб қилиш ва сотишни турли йўллар билан оширишдир. Рақамли маркетинг товарларни, хизматларни ва брендларни реклама қилиш учун маркетинг тактикасининг катта танловини ўз ичига олади.

Рақамли маркетингнинг асосий технологияларига қидирув тизимини оптималлаштириш (SEO), қидирув маркетинги (SEM), контент маркетинги, таъсир маркетинги (инфлуенсер маркетинги), таркиб яратишни автоматлаштириш, электрон тижорат маркетинги, ижтимоий медиа маркетинги (SMM), тўғридан-тўғри почта, контекстли рекламалар киради. Электрон китоблар, дастурлар, ўйинлар ва рақамли маҳсулотларнинг бошқа шакллардаги рекламалар ҳам рақамли маркетингнинг асосий фаолиятлари ҳисобланади. Бундан ташқари, интернет тармоғига бевосита уланмаган каналлардан ҳам фойдаланилади. Улар уяли телефонлар (SMS ва MMS), тескари териш, қўнғироқ оҳанглари ва бошқалар. Рақамли маркетингнинг асосий йўналиши мижозларга йўналтирилган ёндашувдир.

Хулоса қилиб айтганда жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида, барча соҳаларни рақамлаштириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, уларни тегишли соҳаларга тизимли равишда жорий этиш ва такомиллаштириш орқали юксак натижаларга эришишимиз мумкин. Хусусан, хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига рақамли маркетинг технологияларини жорий этиш ва уни такомиллаштириш орқали иқтисодий ва ижтимоий самарадорликка эришишимиз мумкин. Бунинг учун қуйдаги ишларни амалга оширишимиз лозим:

- хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига рақамли маркетинг технологияларини жорий қилишнинг концептуал асослари ва тизимли механизмини ишлаб чиқиш;
- рақамли маркетинг технологияларини хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига жорий этиш лойиҳаларини моделлаштириш бўйича концептуал йўналишларни ишлаб чиқиш;
- савдо ҳажмини ошириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачилар (мижозлар) билан ўзаро муносабат CRM механизмларини такомиллаштириш;
- рақамли маркетинг соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш.

[60] Digital-маркетинг: что это такое? / А. С. Селиверстов, Д. Е. Митрофанов, А. А. Буцкая [и др.]. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 6 (140). — С. 289-291. — URL: https://moluch.ru/archive/140/39450/

Z.I. Madiyeva – TDIU tayanch doktoranti

INTERNETDA MARKETING TADQIQOTLARINI TASHKIL ETISH

Annotatsiya: Maqolada Internetda marketing tadqiqotlarini tashkil etishning o'ziga xos xususiyatlari, marketing tadqiqotlarida birlamchi va ikkilamchi axborotlarni yig'ish jarayoni, Internet orqali so'rovnomalar o'tkazishni tashkil etish, axborot manbalarini qidirish yoritib berilgan.

Tayanch so'zlar: marketing tadqiqotlari, birlamchi marketing axborotlari, ikkilamchi marketing axborotlari, so'rovnoma, anketa.

Аннотация: В статье описаны особенности организации маркетинговых исследований в сети Интернет, процесс сбора первичной и вторичной информации в маркетинговых исследованиях, организация опросов через Интернет, поиск источников информации.

Ключевые слова: маркетинговые исследования, первичная маркетинговая информация, вторичная маркетинговая информация, опрос, анкета.

Abstract: The article describes the peculiarities of the organization of marketing research on the Internet, the process of collecting primary and secondary information in marketing research, the organization of surveys on the Internet, the search for information sources.

Keywords: marketing research, primary marketing information, secondary marketing information, survey, questionnaire.

Marketing tadqiqotlari zamonaviy korxonaning marketing axborot tizimining asosiy vositalaridan biridir. Faqat ularning yordami bilan bozorni o'rganish, iste'molchilarning afzalliklarini tahlil qilish, sotishni prognoz qilish, reklama samaradorligini baholash va boshqa ko'plab vazifalarni hal qilish mumkin. Internet, dunyoning etakchi kompaniyalari va iste'molchilarning keng qatlamlarining aksariyat qismini aks ettiruvchi, deyarli barcha bilim sohalarida katta hajmdagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan vosita sifatida marketing tadqiqotlari uchun samarali foydalanilishi mumkin.

Marketing tadqiqotlari - bu kompaniyaning biznesida operativ va strategik qarorlar qabul qilish uchun ma'lumotlarni izlash, yig'ish, qayta ishlash va ma'lumot tayyorlash jarayoni.

Internetda bozor tadqiqotlarini o'tkazishda ma'lumotlar manbalari va ma'lumot to'plash usullari an'anaviy tadqiqotlardan eng katta farqlarga ega. O'quv dizayni birlamchi va ikkilamchi ma'lumotlardan foydalanishni o'z ichiga olishi mumkin. Dastlabki ma'lumotlar ushbu loyihani amalga oshirishda ma'lum bir maqsad uchun to'planadi. Ikkilamchi ma'lumotlar - bu ma'lum bir shaklda mavjud bo'lgan, boshqa maqsadlar uchun olingan ma'lumotlar.

Odatda, tadqiqot ikkinchi darajali ma'lumotlarni tahlil qilishdan boshlanadi, bu muammoni to'liq yoki qisman hal qilish uchun foydali bo'lishi mumkin va birlamchi ma'lumotlarni qimmat yig'ish xarajatlarini kamaytiradi. Qanday bo'lmasin, ikkilamchi ma'lumotlar tadqiqot uchun boshlang'ich nuqtani taqdim etadi, shu bilan birga nisbatan arzon va tayyor.

Ikkilamchi ma’lumotlarning asosiy manbalari an’anaviy ma’lumotlar bilan bir qatorda:

- Korxona faoliyati to’g’risidagi ichki ma’lumotlar, ularga kirish, shuningdek ularni tahlil qilish uchun bir qator funktsiyalar korporativ yoki ixtisoslashgan axborot tizimlari tufayli amalga oshiriladi;
- Internet orqali mavjud bo’lgan ma’lumotlar. Bunday holda, manbalar web-sahifalar va web-saytlar, ma’lumotlar bazalari, yangiliklar guruhlari va fayl serverlari bo’lishi mumkin.

Agar kerakli ma’lumotlarni ikkilamchi manbalardan olish imkoni bo’lmasa yoki ular to’liq bo’lmagan, etarlicha aniq bo’lmagan, ishonchsiz yoki oddiygina eskirgan bo’lsa, dastlabki ma’lumotlarni yig’ishga murojaat qilish kerak. Dastlabki ma’lumotlarni to’plashning asosiy usullari bu suhbatlar, kuzatuvlar va tajribalar.

Amaldagi ma’lumotlarni yig’ish usullari o’tkazilayotgan tadqiqot turiga qarab farqlanadi - birlamchi yoki ikkilamchi.

Ikkilamchi marketing tadqiqotlarida Internetda kerakli ma’lumotlarni qidirish usullari birinchi o’ringa chiqadi. Bugungi kunda uni topishning asosiy vositalari qidiruv tizimlari va kataloglaridir. Bir qator holatlarda, ulardan foydalanish etarli darajada samara bermaganida, tematik saytlarda, “sariq sahifalarda” va boshqa bir qator manbalarda “qo’lda” qidiruv qo’llaniladi. Qidiruv usullari ushbu bobning keyingi qismida batafsilroq muhokama qilinadi.

Birlamchi ma’lumot to’plashda ma’lumotlarni yig’ishning asosiy usullari Internet-so’rovlar, kuzatuvlar va tajribalardir.

Internet-so’rovnomalar - ularni o’tkazishning eng keng tarqalgan usuli - bu so’roq qilish. ***So’rovnoma*** - bu savollar to’plami bo’lib, unga respondentlarning, ya’ni so’rovnoma uchun tanlangan shaxslarning javoblari olinishi kerak. Ushbu vosita juda moslashuvchan va ko’p qirrali bo’lganligi sababli, bu birlamchi ma’lumotlarni to’plashning eng keng tarqalgan vositasi;

www.mail.ru web-saytidagi bepul elektron pochta xizmatidan foydalanishga qaror qilgan foydalanuvchilarni to’ldirishga taklif qilingan so’rovnomaning bir qismini taqdim etadi.

Anketalarning an’anaviy turlarida bo’lgani kabi, har bir Internet tadqiqotidan oldin unda ishlatiladigan anketalarni sinchkovlik bilan ishlab chiqish va sinab ko’rish kerak. Ularning kompilyatsiyasiga professional bo’lmagan yondoshish muqarrar ravishda haqiqiy rasmning buzilishiga olib keladi yoki olingan natijalar oqilona talqin qilishga imkon bermaydi.

Ushbu turdagi tadqiqot ushbu bobning “Internet-so’rovlarni o’tkazish” deb nomlangan keyingi qismlaridan biriga bag’ishlangan.

Kuzatish - bu marketing tadqiqotlarining bir shakli bo’lib, uning yordamida ob’ekt yoki sub’ektning xatti-harakatlarini muntazam, tizimli o’rganish amalga oshiriladi. Kuzatuv, so’rovnomadan farqli o’laroq, kuzatilayotgan ob’ektning axborotni uzatishga tayyorligiga bog’liq emas va bu uning xatti-harakatlari bilan bog’liq voqealarni yoki maxsus daqiqalarni ochiq yoki yashirin yig’ish va ro’yxatdan o’tkazish jarayonidir. Kuzatishlar, masalan, xaridorlarning xususiyatlari

va xulq-atvori bo’lishi mumkin;

Ushbu uslub firmalar tomonidan o’zlarining web-serverlari bilan olib boriladigan marketing tadqiqotlarini o’z ichiga oladi. Ular web-serverning log fayllaridan yoki cookie-fayllardan foydalangan holda texnologiyalar yordamida olingan ma’lumotlarni yig’ish va keyingi tahlil qilishdan iborat. Ushbu ma’lumotlar tashrif buyuruvchilarning xatti-harakatlari, ularning sahifalar orqali o’tish tartibi yoki web-serverga tashriflar statistikasi bilan bog’liq bo’lishi mumkin. Agar saytga qidiruv tizimi joylashtirilgan bo’lsa, foydalanuvchilar tomonidan kiritilgan so’rovlar qo’shimcha ravishda to’planishi va tahlil qilinishi mumkin.

Serverga tashriflar statistikasini tahlil qilish qobiliyati eng samarali marketing vositalaridan biridir. Respondentlarning faol ishtirokini talab qiladigan so’rovlarni o’tkazishdan farqli o’laroq, statistikani tahlil qilish tashrif buyuruvchilarni harakatga jalb qilmasdan qimmatli ma’lumotlarni to’plash imkonini beradi.

Eksperiment - ilmiy nuqtai nazardan eng qat’iy - sababiy aloqalarni o’rnatishga qaratilgan eksperimental o’rganish. Tajriba sub’ektlari maxsus tanlangan bo’lishi kerak va ularning javoblaridagi statistik jihatdan muhim farqlarni aniqlash uchun tashqi muhit ustidan nazorat sharoitida rejalashtirilgan ta’sir o’tkazilishi kerak. Tadqiqotchilar ahamiyatsiz tashqi omillarni "kesib tashlash" yoki nazorat qilishni o’zlashtirgan darajada, kuzatilgan ta’sirlar eksperiment o’tkazuvchilarning ob’ektga ta’siri bilan o’zaro bog’liq bo’lishi mumkin. Hodisalar o’rtasidagi tanqidiy tahlildan so’ng shu tarzda o’rnatilgan aloqalarni sababchi deb hisoblash mumkin va eksperiment maqsadlariga erishiladi.

Internetdan foydalangan holda ikkilamchi marketing tadqiqotlarini olib borishning asosiy jihatlaridan biri bu ma’lumot manbalarini topishdir. Bugungi kunda Internetdagi yuz millionlab saytlar vazifani ancha qiyinlashtirmoqda. Ushbu jarayonni engillashtirish va uni yanada samarali qilish uchun ushbu bo’limda Internetda ma’lumot topish muammosini hal qilishning yondashuvi tasvirlangan.

Avvalo, Internetda u yoki bu ma’lumotni topish imkoniyati uning resurslarini qamrab olishning to’liqligi bilan belgilanadi. Ko’pincha, qidiruvni amalga oshirish mumkin bo’lgan manbalardan maksimal darajada foydalanishni talab qiladi, bu nafaqat web-saytlar, balki ma’lumotlar bazalari, mintaqaviy telekonferentsiyalar, FTP arxivlari va boshqalar bo’lishi mumkin. Bu holda, barchani bilish bugungi kunda mavjud bo’lgan Internet-resurslarning asosiy turlari, ularning tarkibining texnik va tematik xususiyatlarini va ularga kirishning o’ziga xos xususiyatlarini tushungan holda.

Resurslarni qamrab olishning to’liqligi bilan bir qatorda qidirish sifati topilgan ma’lumotlarning ishonchliligi bilan belgilanadi. Uning ishonchliligini nazorat qilish turli xil usullar bilan amalga oshirilishi mumkin, ular alternativ ma’lumot manbalarini topish va tekshirishni, boshqa manbalar tomonidan foydalanish chastotasini belgilashni, hujjatning holatini va u joylashgan saytni aniqlashni, material muallifining vakolati va mavqei to’g’risida ma’lumot olish va boshqalarni o’z ichiga oladi.

Ҳ.Н.Очилова – СамИСИ, ММН-119 гуруҳ магистранти,
С.Ғ.Амирова – Пастдарғом тумани 39-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ-ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада бошқарувнинг усуллари, уларни педагог-ходимларни бошқаришда қай тарзда ва қандай йўналишларда олий таълимда қўлланилиши, замонавий менежмент усулларидан фойдаланиш ҳамда самарадорликка эришиш йўллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: таълим, олий таълим, педагог-ходим, бошқарув усуллари, ташкилий-маъмурий усуллар, иқтисодий усуллар, ижтимоий-руҳий усуллар.

Аннотация: В данной статье описаны методы управления, как и в каких сферах они могут быть использованы в управлении преподавателями в высшей школе, использование современных методов управления и способы достижения эффективности.

Ключевые слова: образование, высшее образование, педагог-работник, методы управления, организационно-управленческие методы, экономические методы; социально-психологические методы.

Abstract: This article describes the methods of management, how and in what areas they can be used in the management of teachers in higher education, the use of modern management methods and ways to achieve efficiency.

Keywords: education, higher education, pedagogical staff, management methods, organizational-administrative methods, economic methods; socio-psychological methods.

Олий таълим тизимида бошқарувнинг олий мақсади, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга қаратилган бўлади. Бошқарув усуллари бу ходимларга ва умуман меҳнат жамоаларига таъсир кўрсатиш воситалари бўлиб, булар қуйилган мақсадларга эришиш жараёнида ушбу ходимлар ва жамоаларнинг меҳнат фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришни назарда тутади. Бунда педагогларнинг барча ҳаракатлари таълим сифатини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Аммо бунга эришишнинг турли йўллари ва усуллари мавжуд. Буларни амалга ошириш мақсадида киришган педагогларнинг ҳам турли усуллари ва ёндошувлари мавжуд. Шу туфайли бошқарув масаласига бир хилда, бир йўналишда қараб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси Олий таълимга бағишланган бўлиб, унда “Олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди”[61] деб кўрсатилган. Шундай экан олий таълимнинг энг асосий вазифаси рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун эса чуқур билимга эга ва ўз билимини талабаларга етказа оладиган педагогларни ишга қабул қилиш

[61]Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган, Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни.

ва улар билан шартномалар тузиш кераклигини кўрсатади.

Олий таълим тизимида ходимларни танлаш, ишга қабул қилиш ва уларни бошқариш ҳам бошқарувчидан катта билим ва тажрибани талаб қилади. Бошқарувчи аввало бошқариш усулларини пухта эгаллаган, ҳар бир ходимнинг руҳий ҳолатини сеза оладиган бўлиши керак.

Бу борада академик М.Шарифхўжаев ва профессор Ё.Абдуллаевлар ўзларининг "Менежмент" номли дарслигида бошқарув усулларини қуйидагича изоҳлайди. "Бошқарув усули – бу ходимларга ва умуман меҳнат жамоаларига таъсир кўрсатиш усуллари бўлиб, бу усуллар қўйилган мақсадларга эришиш жараёнида мазкур ходимлар ва жамоаларнинг фаолиятини уйғунлаштиришни назарда тутади[62], деган мазмунда изоҳлаган.

Бошқариш усуллари ишчи кучини режалаштириш, ходимлар меҳнатини ва иш ҳақини ташкил қилиш, ходимлар ва уларнинг лавозимларини белгилаш, ходимларни бошқариш тизимини шакллантириш, ҳамда таҳлил қилишдан иборат бўлади. Бу усулларни бошқариш учун режалаштириш, ташкил қилиш, назорат қилиш, мувофиқлаштириш, мотивация каби усулларни қўллашни талаб этади.

Соҳага оид адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, бошқаришнинг асосан 3 хил усули мавжуд бўлиб, амалиётда айнан шулардан фойдаланилади. Буларга:

- ташкилий-маъмурий усуллар;
- иқтисодий усуллари;
- ижтимоий-руҳий усуллар киради.

Бошқаришнинг ташкилий-маъмурий усуллари бошқариш усуллари тизимида алоҳида ўрин тутади. Бу усулларга бошқариш аппаратининг муайян структурасини тузиш, ҳар бир бошқарув бўғинининг функцияларини белгилаш, кадрларни тўғри танлаш, буйруқлар, фармойишлар ва қўлланмалар чиқариш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, топшириқлар ва директив кўрсатмаларни бажармаётган бўлинма ва шахсларга нисбатан мажбурий чораларни қўллаш киради.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари эса иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланади. Бозор иқтисодиёти шароитида умумжамият манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида қуйидаги иқтисодий бошқарув усулларидан фойдаланилади. Буларга:

- корхоналар ва хўжаликларга бутун фаолияти давомида эркинлик ва мустақиллик бериш;
- хўжаликларни пировард натижаларига биноан моддий рағбатлантириш. Солиқ имтиёзларини бериш;
- корхона ва хўжалик ўртасида ўзаро шартномаларнинг бажарилиш интизомини мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини ошириш;
- молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш;

[62]Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. Тошкент, "Ўқитувчи", 2001. -167-168 бетлар.

- бозор муносабатлари механизмлари: баҳо, фойда, солиқ, рентабеллик, рақобат ва ҳоказоларга кенг эътибор берилиши лозимлиги киради.

Бошқарувнинг ижтимоий-руҳий усулларининг асосий мақсади жамоаларда соғлом ижтимоий-руҳий муҳитни яратишдир. Бу усул ижтимоий-маънавий вазиятга таъсир этиш йўли билан кишиларнинг феъл-атвори, руҳиятини ҳисобга олиб уларнинг ижтимоий (социал) талабларини қондириш орқали бошқаришни билдиради. Ижтимоий-руҳий усуллар бу ишлаб чиқариш жамоатларини, улардаги "психологик вазиятни", ҳар бир ходимнинг шахсий хусусиятларини ўрнатишга асосланган усуллардир.

Менежмент усулларини олий таълимни бошқариш мақсадларига эришиш учун кадрларга бошқарув таъсирини амалга ошириш усуллари сифатида белгилаб қўйилган. Замонавий бошқарув назариясида қуйидаги бошқарув усуллари ажратиб кўрсатилади: ҳокимият, интизом ва жазо механизмларига асосланган маъмурий таъсир; ташкилий таъсир; интизомий жавобгарлик ва жарималар; моддий жавобгарлик ва жарималар; маъмурий жавобгарлик ва жарималар; иқтисодий, ташкилотнинг мақсадларига эришиш учун кадрларга мақсадли таъсирларни амалга ошириш усули сифатида тушунилади. Бошқаришда иқтисодий қонунлардан фойдаланиш асосида: иқтисодиётни режали бошқариш; харажатларни ҳисобга олиш; иш ҳақи; ишчи кучи; бозор нархлари; қимматбаҳо қоғозлар; солиқ тизими; мулк шакллари; ижтимоий такрор ишлаб чиқариш босқичлари; ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланади. Социологик усулда ходимларга ижтимоий таъсир этиш усулларига асосланади ва ходимнинг жамоадаги ижтимоий, меҳнат ва социометрик мавқеини аниқлашга, ходимларни муассасанинг мақсадлари билан боғлиқ равишда рағбатлантиришга, самарали алоқаларни ўрнатиш ва сақлашга ва жамоадаги низоларни муваффақиятли ҳал қилиш йўлларини бошқаришга имкон берадиган масалаларга эътибор қаратилади. Ижтимоий жараёнларни режалаштириш, тадқиқот усуллари, шахсий сифат, ахлоқ, шериклик, рақобат, алоқа, музокаралар, зиддиятларни ҳал қилиш масалалари ҳам инобатга олиниши лозим. Бошқарувда жамоанинг ва ҳар бир шахснинг психологик ҳолатини ҳам инобатга олишга тўғри келади. Бунинг моҳияти ташкилий психология ва бошқарув психологиясининг турли хил ёндашувлари: психологик режалаштириш, психология тармоқлари, шахс турлари, темперамент, характер хусусиятлари, шахсга йўналиш, интеллектуал қобилиятлар, билиш усуллари, психологик образлар, психологик таъсир усуллари, хулқ-атвори, ҳис-туйғулари, стресслари мавжудлигини назарда тутиш лозим бўлади.

Олий таълимдаги менежмент методларига тўхталадиган бўлсак, ушбу шароитда бошқарув усуллари типологиясининг қўшимча асослари унинг хусусиятлари – психологик ва педагогика фанлари томонидан аниқланган қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда ахборот ва ташкилий муносабатларнинг устунлиги бўлиши мумкинлигини айтиш мумкин.

Педагог-ходимларни бошқаришда уларнинг ҳаракатларини қатъий

тарзда чеклаш уларни имконсиз қилади. Бундай шароитда раҳбарлар томонидан ҳаддан ташқари кўп директив топшириқлар бериш, уларнинг принциплари ва иш услубларини бошқаларга юклаб бўлмайди. Ушбу ёндашув ижодий изланишларни фаоллаштиришни, ўқитувчилар иши бўйича тажриба алмашишни ташкил қилишни, бутун жамоани энг долзарб таълим муаммоларига йўналтиришни, яъни маъмурий, маъмурий билан бир қаторда асосан ташкилий ва педагогик усуллардан фойдаланишни талаб қилади. Таъкидлаш жоизки, таълимда бошқарув усулларини қўллашнинг умумий мақсадлари билан бир қаторда таълим учун бир қатор аниқ вазифалар ҳам пайдо бўлади.

Биринчидан, масъулият ва ишбилармонлик малакасини ошириш, иш тажрибаси алмашинувини ташкил этиш ва педагогик маҳоратни оширишни таъминлаш орқали таълим ва тарбиявий натижаларга эришиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва ўқитувчилар таркибини фаоллаштиришни йўлга қўйиш.

Иккинчидан, ижодкорлик, ўқитувчиларнинг ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами муҳитини яратиш, жамоада соғлом психологик иқлимни шакллантириш, унинг ҳамжиҳатлиги ва нормал ҳаётини таъминлаш.

Учинчидан, ўқитувчиларнинг ўзлари орасида ижобий шахсий фазилатларни тасдиқлаш ва ривожлантириш. Бу вазифаларнинг барчаси раҳбарлардан ижтимоий-психологик ва психологик-педагогик жиҳатларга, ўқитувчиларнинг индивидуал хусусиятларини билишига таянишни талаб қилади.

Бошқаришда турли хатоликларга йўл қўйилса, бошқарувнинг таъсири ижтимоий усулларининг самарасизлигига ҳам олиб келиши мумкин. Бу асосан қуйидагиларга боғлиқ:

маълумот тўплашнинг илмий ва объектив ва қўллаб-қувватлайдиган норасмий усулларини эътиборсиз қолдириш (миш-мишлар, ғийбат ва ҳ.к.);

муносабатларнинг расмий қоидаларига эътибор қаратишдаги йўл қўйиладиган камчиликлар;

менежерлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ўзаро алоқада тўсиқларнинг асоссиз равишда яратилишига сабаб бўлиш;

ижтимоий ижобий аҳамиятли тажрибаларни эътиборсиз қолдириш;

жамоани тайёрламасдан ва хабардор қилмасдан туб ўзгаришларни амалга ошириш;

ходимлар учун ўсиш ва мартабага эришгиришда сунъий ёндошувларнинг вужудга келиши;

режалаштириш учун тажриба ва имкониятларнинг етишмаслиги;

жамоанинг ижтимоий ривожланиш муаммоларини ҳал қилмаслик;

юқори органларга ёки жамиятга ноўрин ахборотларни етказишда нохолислик. Бошқарув жараёнида бундай камчиликларга йўл қўйиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув усулларининг йўналишлари ҳам кўплиги туфайли, уни қачон, қай тарзда қўллаш олий таълим муассасалари раҳбарларининг маҳорати ва тажрибасига боғлиқ.

F.I.Umidova – TDIU tayanch doktoranti

MARKETING FAOLIYATI SAMARADORLIGINI NAZORAT QILISH

Annotatsiya: Maqolada marketing faoliyati natijalarini nazorat qilish, marketing nazoratining yillik reja nazorati, daromadlik nazorati, strategik nazorat, marketing auditi yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: marketing samaradorligi, marketing nazorati, strategik nazorat, marketing auditi, bozor faoliyati, bozor tahlili.

Аннотация: В статье описаны контроль результатов маркетинговой деятельности, контроль годового плана, контроль маркетинга, контроль доходов, стратегический контроль, маркетинговый аудит.

Ключевые слова: эффективность маркетинга, маркетинговый контроль, стратегический контроль, маркетинговый аудит, рыночная активность, анализ рынка.

Abstract: The article describes the control of the results of marketing activities, the annual plan control of marketing control, revenue control, strategic control, marketing audit.

Keywords: marketing efficiency, marketing control, strategic control, marketing audit, market activity, market analysis.

Marketing iste’molchilarning hozirgi va kelajakdagi talablarni qondirishga qaratilgan tovarlar va xizmatlar ishlab chiqarish va sotish, natijada foyda olish bilan bog‘liq faoliyat turidir. Bularning barchasi endi ish boshlayotgan biznesmenlardan tortib, katta hayotiy tajribaga ega bo‘lgan tadbirkor, siyosatchi, san’atkor, sportchiga qadar marketing – bozor jarayoni to‘g‘risida chuqur bilimga ega bo‘lishni talab qiladi. Marketingni nazariy va amaliy asoslarini chuqur bilish tijorat havf-xatarini o‘z vaqtida his qilish va kamaytirish, uning variantlarini hisoblashda mavjud bo‘lgan turlaridan eng ma’qulini tanlash, raqobat sharoitida bozorni yuqori sifatli tovarlar va xizmatlar bilan to‘yintirish, doimiy talab mavjud bo‘lgan sharoitda xaridorlarning turli guruhlari uchun sotish narxini aniqlash va oqibatda ijtimoiy ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga yordam beradi.

Tom ma’nodagi bozor munosabatlar mamlakatimizda sekin rivojlanib bormoqda. Sobiq sotsialistik jamiyatda ishlab chiqarish, savdo va umuman milliy iqtisodiyotning barcha sohalarida yakkahokimlik, reja va yuqoridan boshqarishning hukmronligi sababli marketing tushunchasi tom ma’noda amaliyotga kirib kelmagan edi. Lekin keyingi yillarda o‘zgarishlar-iqtisodiy taraqqiyotimiz bozor iqtisodiyotisiz mumkin emasligi har tomonlama isbotlab berdi. Bu esa o‘z navbatida qisqa vaqt ichida uning asoslarini o‘rganishimizni zarur qilmoqda. Mana shunda biz uchun murakkab davrda, xorijda marketing masalalarini yechish borasida to‘plagan boy tajribadan foydalanmaslik kechirib bo‘lmas xato bo‘lar edi. Shuni ham unutmaslik kerakki, biz eng katta taqchillikni – vaqt tanqisligini ham yengishimiz zarur.

Ayrim iqtisodchilar marketing faqat rivojlangan sharoitda faoliyat ko‘rsatishi mumkin deb hisoblashadi. Aynan shu marketing jamiyatga tez, tejamli va

talofatlarsiz bozor iqtisodiyotini kirib kelishi uchun koʻproq yordam beradi. Oʻtish davrida bozor iqtisodiyoti holatini aks ettiruvchi marketing tamoyillari bizga vaqtni boy bermasdan bozorni oʻzlashtirishda yordam beradi. Marketing rejalarini amalga oshirish davrida koʻpgina kutilmagan holatlarga duch kelinadi, shu sababli marketing boʻlimi rejalarini olib borilishi va bajarish ustidan doimiy nazorat oʻrnatib borish kerak. Marketing nazorati tizimi korxona ish faoliyati samaradorligiga ishonch hosil qilish uchun kerak. Ammo marketing nazorati koʻp qirrali maʼnolarga egadir.

Yillik rejalarni bajarish ustidan nazorat shundan iboratki, unda marketing mutaxassislari yillik rejaning amaldagi koʻrsatkichlarini nazorati yillik reja bilan taqqoslashdir va kerak boʻlganda qoʻyilgan xatoliklarni toʻgʻrilash uchun zarur boʻlgan chora-tadbirlarni amalga oshiradilar. Maydonlar, bozor segmenti, savdo yoʻllari va har xil turdagi mahsulotlarning amaldagi rentabellik darajasini aniqlashda foydalaniladigan bozor daromad ustidan nazorat deb yuritiladi.

Strategik nazoratning maqsadi shundan iboratki, bozor sharoitidan kelib chiqqan holda korxona firmalarning foydalaniladigan oxirgi strategik yoʻllarni tekshirishdan iboratdir. Yuqorida keltirilgan marketing nazoratining uch turi hozirgi jahon amaliyotida keng qoʻllanib kelinmoqda.

1-jadval

Korxonada marketing nazoratini amalga oshirish jarayoni

Nazorat turi	**Nazoratni yuritishdagi javobgarlar**	**Nazorat maqsadi**	**Nazorat usullari**
Yillik reja-larni bajarish ustidan nazorat	Yuqori boshqaruv organlar. Oʻrta boshqaruv zvenolari	Maqsaddagi koʻrsatkichlarga erishganlikka ishonch hosil qilish lozim	Mumkin boʻlgan chiqim tahlili, marketing xarajatlar va savdo hajmi
Daromad ustidan nazorat	Marketing nazoratchisi	Firmaning daromad va savdo hajmi manbasini aniqlash	Mahsulotlarni bozor segmentlarini, savdo yoʻllarini buyurtma hajmiga qarab ajra-tish rentabelligi
Strategik nazorat	Yuqori tashkilot Marketing taftishchisi	Firmaning marketing imkoniyatidan foydalanganligi va uning samarador ligini aniqlash	Marketing taftish

Yillik rejalarni bajarish ustidan nazoratidan maqsad - bu korxonaning rejalashtirgan aniq savdo koʻrsatkichlariga, daromad va boshqa maqsadli koʻrsatkichlarga erishganligiga ishonch hosil qilishdir. Nazoratning bu turi oʻz ichiga 4 bosqichni oladi: Birinchidan, yuqori boshqaruv organi nazorat koʻrsatkichlarini yillik rejaga oylar va choraklarga taqsimlab chiqishi kerak, ikkinchidan, yuqori boshqaruv organi korxonalarni bozor faoliyatidagi

koʻrsatkichlarini aniq koʻrsatib berishi lozim, uchinchidan, yuqori boshqaruv organi korxona faoliyatidagi jiddiy xatoliklarni aniqlab berishi lozim, toʻrtinchidan, yuqori boshqaruv organi reja va amaldagi koʻrsatkichlar oʻrtasidagi nomutanosibliklarni oldini olish va toʻgʻrilash choralarini amalga oshirishi lozim.

Boshqaruv organi qanday yoʻllar va usullar bilan rejalarni nazorat qilishi mumkin? Nazoratning toʻrtta asosiy usullari quyidagilardan iborat: mumkin boʻlgan chiqim tahlili, bozor ulushining tahlili, marketing xarajatlari va savdo hajmi aloqadorlik tahlili hamda mijozlar harakatini kuzatish.

Agarda bu usullardan birortasidan foydalanilganda yetishmovchiliklar paydo boʻlsa, shu vaqtning oʻzida ularni toʻgʻrilashga choralar koʻriladi.

Bozor ulushi tahlili. Faqatgina savdo statistikasi korxonaning raqobatbardoshligini toʻliq aniqlab bermaydi. Faraz qilaylik sotish hajmi oʻsmoqda. Bu oʻsish iqtisodiy sharoitlarning yaxshilanishi natijasida ham boʻlishi mumkin, bu yaxshilanish boshqa korxonalarga ham ta’sir etadi yoki bu oʻsish korxona faoliyatining boshqa raqobat korxonalar faoliyatiga nisbatan yaxshilanishi natijasida ham yuzaga kelishi mumkin. Boshqaruv xodimlari korxonaning bozordagi koʻrsatkichlar ulushini har doim nazorat qilib borishi kerak. Agar bu ulush yaxshilansa korxonaning raqobatbardoshligi mustahkamlanadi, agarda kamaysa korxona oʻz oʻrnini boshqa raqobatchi korxonalarga boʻshatib beradi.

Marketing xarajatlari va chiqim aloqadorlik tahlili. Yillik reja nazorati korxona oʻz maqsadiga erishish yoʻlida koʻp xarajat qilmayotganligining aniqligini talab qiladi. Marketing xarajatlari va savdo hajmi ustidan doimiy nazorat korxonaning marketing xarajatlarini iqtisod qilinishini ta’minlaydi.

Mijozlar harakatini kuzatish. Sezgir korxonalar mijozlari, dilerlari va boshqa marketing tizimi ishtirokchilarining kuzatishda har xil usullardan foydalanadilar. Boshqaruv organi korxona faoliyatidagi oʻzgarishni aniqlab bu oʻzgarish savdoga ta’sir etmasdan oldin kerakli choralarni amalga oshirishi mumkin.

Mijozlarning harakatini nazorat qilishda quyidagi usullardan foydalaniladi: da’vo va takliflar tizimini yaratib berish, iste’molchilar paneli va mijozlar fikrini bilish.

Korxonalarda marketing nazoratini yoʻlga qoʻyish. 1. Korxonada marketing nazoratini tashkil etish dastavval marketing xizmatini tashkil etish orqali amalga oshiriladi. Mustaqil marketing xizmati boʻlim sifatida boʻlmasa ham iqtisodiy boʻlimlar tarkibida ishlovchi marketing funksiya va vazifalarini amalga oshiruvchilar tomonidan amalga oshiriladi. Marketing nazoratini tashkil etish korxona marketing faoliyati natijalarini belgilangan muddatlar ichida bajarilishini tahlil qilish, taqqoslash va kelgusi davr uchun aniq maqsadli strategiyalarni ishlab chiqish orqali amalga oshiriladi.

Korxonalarda marketing faoliyati natijalarini ifodalovchi koʻrsatkichlarni aniqlab olish, chunki hozirgi kunda aksariyat korxonalarimizda marketing faoliyati natijalarini ifodalovchi koʻrsatkichlar aniq emas. Aniq marketing faoliyati natijalari koʻrsatkichlarini oʻrganish, tahlil qilish, baholash natijasida marketing rejalarini ishlab chiqish.

D.Rakhmankulova – 2nd year student of SamIES
N.U.Muradova – Lecturer at the Marketing Department of SamIES

POLICY OF BRAND OF COMMUNICATION OF BANKING SERVICES TAKING INTO ACCOUNT THE REQUIREMENTS OF THE DIGITAL ECONOMY ON THE EXAMPLE OF KHAMKORBANK JSCB

Abstract. The material is devoted to the essence of brand management policy, taking into account the principles of the digital economy. Also, it reflects a practical example of the brand policy of Khamkorbank JSCB, with the aim of indicating the point of view of brand management of financial services.

Keywords: digital economy, brand communication, integrated marketing communications, brand management, banking services.

Аннотация. Мазкур тезис бренд-менежмент сиёсатининг рақамли иқтисодиётнинг тамойилларига асосланган моҳияти акс этган. Шунингдек, унда Хамкорбанк АТБ бренд сиёсатининг молиявий хизматларнинг бренд-менеджменти нуқтаи назарининг амалий мисоли сифатида келтирилди.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, бренд коммуникациялар, интеграл маркетинг коммуникацияси, бренд-менежмент, банк хизматлари.

Аннотация. Материал посвящен сущности политики бренд-менеджмента с учетом принципов цифровой экономики. Также, в ней отражен практический пример брендовой политики АКБ Хамкорбанка, целью обозначения точки зрения бренд-менеджмента финансовых услуг.

Ключевые слова: цифровая экономика, бренд коммуникации, интегральные маркетинговые коммуникации, бренд-менеджмент, банковские услуги.

2018 for Uzbekistan has become one of the significant starts to support the digitalization of the economy, in particular, to this day, the state is taking large-scale measures to develop the digital sector of the economy, introducing electronic document management systems, developing electronic payments and improving the regulatory framework in the field of e-commerce.

The digital economy operating on information technology platforms is developing at an intense speed, which necessitates the creation of new models of such platforms.[63]

Comprehensive measures are being implemented in the republic to actively develop the digital economy, as well as to widely introduce modern information and communication technologies in all sectors and spheres, first of all, in public administration, education, health care and agriculture.[64]

Communications in marketing activities are carried out in various types and forms, the study of which allows you to determine ways to increase their

[63] Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for the development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan" dated 03.07.2018, No.UP-3832.
[64] Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the Strategy" Digital Uzbekistan-2030 "and measures for its effective implementation" dated 05.01.2020 No.UP-6079. https://lex.uz/docs/5031048 - National database of legislation of the Republic of Uzbekistan.

effectiveness.

Interpersonal communications deserve special attention, which depend on many factors, such as: the correctness of the brand symbol, trust, respect, attractiveness, consideration of interests and needs, feedback, service culture and others. The study of these factors allows you to better understand the processes of interpersonal communication. Among them, non-verbal communications occupy an important place (i.e. not verbal or, as they are also called, non-verbal). They complement and enrich the interpersonal process. In order to ensure clear and effective brand communication, it is necessary to know and anticipate possible failures in advertising technology.

When designing a brand communication process, it is necessary to take into account the interconnection of these functions, otherwise the message will either not reach the right consumer or will not be understood by them. If you underestimate at least one of the functions of the communication process, the expected result may not be achieved.

The IMC model assumes that marketing communications should begin with what the consumer does in the market, i.e. with the purchase. This approach is based on conducting analysis starting with the consumer, not with the marketer sending out communications that are appropriately aligned with the marketing concept that he is pursuing.

If marketing communications are built around the consumer, then naturally the initial position of the BCI model should not only include a static definition of the consumer, but also reflect the way this consumer perceives the products or services offered to him and various types of purchase processes. IMCs, therefore, focus on developing a marketing communication set depending on the consumer's activity in relation to a brand and the marketing activity of the brand itself. In this case, brands are the foundation of how consumers perceive products or services. The diagram shows the BCI process, in which the brand acts as an integrating element (see fig. 1).



Figure 1. BCI process

There is no doubt that the financial services market carefully approaches the issue of the branded policy. In particular, commercial banks, based on their

specifics of financial activities in several market models, such as B2B and B2C, have several strategic brand policy objectives.

One of the actively operating banks in the Uzbek market is Khamkorbank JSCB. Khamkorbank JSCB is a universal bank offering a wide range of products for individuals and legal entities, combined with high quality service. The bank's goal is long-term partnership with clients based on the principles of mutual trust, respect, stability, competence, business ethics, honesty and openness.

The brand name and logo of Khamkorbank JSCB, their colors reflect the two-sidedness of business relations between the bank and clients, the pursuit of excellence through dedication, ability to see prospects, efficiency and pragmatism in work.

Two parallel lines of the brand name signify stability, partnership and interaction, and their stepped arrangement with a slope to the right symbolizes the infinity of development, the long-term development of business relationships, rapid growth, climbing to the top step by step.

The main color of the corporate block is green, which personifies the color of life, a symbol of prosperity, wealth and stability. A mixture of yellow and blue, green symbolizes generosity and rebirth.

A light shade of green is the color of awakening, energy, continuous growth, a symbol of all living things, developing, harmony with the surrounding world.

A dark shade of green is the color of stability, reliability, stability, balance, fairness, purposefulness.

The white background for placing the corporate block characterizes the purity of thoughts, motives, aspirations, focus on achieving goals.

The brevity and simplicity of the corporate block reflect efficiency, affordability and willingness to help clients understand the complex world of business and finance.

The slogan "Together for excellence" characterizes the efforts and aspirations of the bank to achieve maximum heights in its activities, maximally satisfying the wishes and needs of customers.

The corporate identity of Khamkorbank JSCB is one of the steps in the implementation of the bank's development strategy for the next few years. The main tasks are to offer customers new opportunities, introduce modern products and technologies, and improve business processes.

List of sources:

1. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for the development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan" dated 03.07.2018, No.UP-3832.
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the Strategy" Digital Uzbekistan-2030 "and measures for its effective implementation" dated 05.01.2020 No.UP-6079. https://lex.uz/docs/5031048 - National database of legislation of the Republic of Uzbekistan.

V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Н.Х. Жумаев– и.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ, МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНИШИ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УЧУН ИМКОНИЯТ ВА ТАҲДИДЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиёт, молиявий технологиялар ривожланиши шароитида тижорат банклари учун имконият ва таҳдидлар таҳлили қараб чиқилган. Бунда блокчайн технологиялари асосида рақамли иқтисодиётни амалга ошириш йўллари ҳам кўрилган. “Электрон ҳукумат”нинг бошқариш жараёнлари ҳам ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, блокчайн, рақамли технология, интеллектуал мулк, электрон ҳукумат, молиявий технология, таҳдидлар.

Аннотация: В статье рассматривается анализ возможностей и угроз для коммерческих банков в условиях цифровой экономики, развития финансовых технологий. Также рассматриваются способы внедрения цифровой экономики на основе технологии блокчейн. Также отражены процессы управления электронным правительством.

Ключевые слова: инновации, инновационная экономика, цифровая экономика, блокчейн, цифровые технологии, интеллектуальная собственность, электронное правительство, финансовые технологии, угрозы.

Abstract: The article examines the analysis of opportunities and threats for commercial banks in the context of the digital economy, the development of financial technologies. It also looks at ways to implement a digital economy based on blockchain technology. The management processes of e-government are also reflected.

Keywords: innovation, innovative economy, digital economy, blockchain, digital technology, intellectual property, e-government, financial technology, threats.

Барчамизга маълумки, бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳаларга ва одамлар ҳаётига жадал кириб боряпти. Уни жорий этишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича иш тутаётганлари тараққиётдан орқада қоляпти. Ривожланган мамлакатлар рақамли иқтисодиёт ёрдамида яратиладиган қўшилган қийматнинг сезиларли даражада катта қисмига даъвогар бўлгани ҳолда, суст тараққий этган давлатларнинг бу

жараёнда ўз улушига эга бўлиши тобора имконсиз бўлиб бораверади.

Шу боис мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бугунги куннинг ва яқин истиқболнинг энг муҳим вазифасига айланган. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган.

Албатта рақамли иқтисодиёт жамиятда муайян ўзгаришларни юзага келтиради, хусусан, унинг меҳнат шароитларига таъсири сезиларли бўлади. Рақамли трансформация шароитида автоматлаштириш жараёнларининг кучайиши, сунъий интеллект, улкан маълумотлар билан ишлайдиган аналитик тизимлар, роботлардан фойдаланиш кўламининг ортиши меҳнат ресурслари учун ўринбосар бўлиб хизмат қилади. Натижада бизнес юритиш шароитлари такомиллашиб ва самарадорлик сезиларли даражада ортади.

Ҳаётимизга рақамлаштиришни тезроқ кириб келишинини хоҳласак, рақамлаштириш таъсирида турмушимизда турли қулайликлар пайдо бўлсин десак, рақамлаштириш татбиғида албатта тизимли ёндашув лозим. Қаранг, салкам ўн йилдан буён электрон ҳукуматни тизимини ривожлантириш интилиб келамиз. Натижалар эса фақатгина сўнгги уч йилда кўзга ташлана бошлади. Менимча, халқимиз “электрон ҳукумат” билан жараённинг афзалликларини энди ҳис қила бошлади. Кўриниб бормоқдаки, рақамлаштириш технологияларини кундалик ҳаётимизга мақсадли жорий қилишда энг муҳими давлат хизматларини аҳолига таклиф қилиш орқали халқ билан интерфаол мулоқот тезлашмоқда. Бу эса “интеллектуал ҳукумат” тамойиллари асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада кенгайтириш нақадар тўғри йўл эканлигини ҳам кўрсатади.

Бундан бир неча йил олдин банклар мижозларига хизмат кўрсатиши учун турли ҳужжатлар ва имзоларни йиғиб келишни талаб қилган бўлса, бугун эса мижоз банк манзилини қаерда эканлигини билмасдан ҳам банк хизматларидан тўла қонли фойдаланмоқда. Бунга сабаб эса жорий этилаётган инновациялар. Масалан, миллий валютадаги пластик карталардан ҳеч чекловларсиз хорижий валюталарга айрибошлаш мумкинлиги, кредит олиш учун ҳужжатларни электрон шаклига ўтганлиги, банклар рақамли иқтисодиётга ўтаётганлиги, банкларга блокчейн технологиялар кириб келиши, буларнинг ҳаммаси, инновацион ғоялар ва технологияларга таянади.

Ўз вақтида мобиль банкингнинг жорий этилиши мижозлар учун инновация сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда бу технология мижозлар учун, айниқса ёш авлод учун мажбурий шарт сифатида қаралмоқда. Экспертлар ва таҳлилчиларнинг фикрича, мобиль банкинг технологияси банклар учун минимум шарт сифатида қаралиб, бундай технологиядан фойдаланмаган банк, банк хизматлари бозорида аутсайдир сифатида қаралади.

Экспертларнинг фикрича, 2018 йилдан бошлаб йирик банкларнинг қарийб 15% дан ортиғи ўзларининг иш фаолиятида Blockchain технологиясидан фойдаланишни бошлаб юборишди. Бунга сабаб қилиб, Blockchain технологиясининг нисбатан эндигина яратилганига қарамасдан, унинг мавжуд бизнес жараёнлардаги инқилобий ўзгаришларни қамраб олгани молия бозорлари иштирокчилари орасида улкан қизиқиш уйғотганини кўрсатиш мумкин.

Blockchain технологияси молия бозорининг кўпгина тармоқларини рақобатбардошлигини ва юқори салоҳиятини ошириш имкониятини намойиш этади. Келажакда молия бозорида Blockchain технологиясини жорий қилишга энг жозибадор тармоқ бўлиб инвестицион банкинг ва молиявий транзакцияларни бошқариш ҳисобланади. Blockchain технологиясини кенг қўллаш мумкин бўлган тармоқларга банкларнинг чакана операцияларини, суғурта, кўчмас мулкка инвестициялар ва факторингни мисол қилиб келтириш мумкин. Шу билан бирга, Blockchain технологиясини молия бозорларини ривожлантиришдаги мавжуд барча муаммоларнинг ечими сифатида қараш нотўғридир. Ҳозирги вақтда Blockchain технологиясидан молия бозорларида фойдаланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари охиригача тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва бу борада ниҳоясига етмаган, ўзини ечимини кутаётган кўплаб масалалар турибди.

Blockchain технологиясини кенг тарқашига тўсқинлик қилиб турган кейинги муаммолардан бири унинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб қўйилмаганлигидир. Айниқса, бу ҳолатни молия бозорларида фойдаланишда кўришимиз мумкин. Барча мавжуд миллий валюта тизимлари миллий ҳукуматлар томонидан яратилган ва тартибга солинган. Blockchain технологиясидан эса, ҳам миллий, ҳам халқаро даражада фойдаланилишини ҳисобга олсак, уни технологиясини қонунийлигини таъминлашда қатор долзарб ва ечилиши муҳим бўлган муаммоларга дуч келинади. Blockchain технологиясини ривожланишига тўсқинлик қилаётган яна бир муаммо сифатида транзакциялар блокини шакллантириш учун улкан ҳажмдаги ҳисоблаш операцияларини амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, Blockchain технологиясининг кенг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабаблардан бири сифатида кўп энергия сарф этиши ва унинг юқори капитал қийматига эгалигини ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Блокчейн айни пайтда бошқа рақамли молиявий технологияларнинг ривожланиши учун ҳам базавий технология вазифасини ўтайди. Сўнгги пайтларда блокчейнга асосланган янги молиявий хизматларни таклиф этувчи Fintech стартап компаниялари анъанавий тижорат банклари учун таҳдид сифатида қаралмоқда. Хусусан, бундай таҳдидлар қаторига Рақобатнинг кучайиши ва бозор улушининг қисқариши; валюта операциялари, инвестицион маслаҳатлар (Робо-эдвайзер) каби хизматларни Fintech компанияларига рақобатда бой бериш; фоиз маржасининг камайиб кетиши кабиларни киритиш мумкин.

Айни пайтда, банклар ва Fintech компаниялари ҳамкорлиги янги имкониятларни юза келтиради, деб таъкидловчилар ҳам топилади. Бундай фикр эгалари қуйидагиларга асосланади:

Fintech инновациялари янги банк фаолияти ва моделларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади;

Молиявий хизматлар портфели диверсификациясини яхшилайди;

Йирик банклар ва Fintech стартаплари бир-бирини тўлдиради ва янги қиймат яратиш имкони юзага келади.

Бундан ташқари, Банк ва Fintech ҳамкорлигининг қуйидаги ижобий жиҳатлари юзага келиши мумкин:

- Бренд капиталининг яхшиланиши;
- Мобиль банк хизматларининг кенгайиши;
- Паст капитал харажатлар (масалан, банк филиалларига талабнинг камайиши ҳисобига);
- Бизнесни юритиш харажатларининг қисқариши;
- Мижозлар географиясининг кенгайиши;
- Ёш истеъмолчилар сафининг кенгайиши.

Шу билан бирга, Банк ва Fintech ҳамкорлиги натижасида қуйидаги рискларга ҳам дуч келиш мумкин:

Маданият мослиги масаласи;

Киберхавфсизлик муаммолари;

Ҳамкорликни самарали амалга ошириш учун малакали ходимларни ёллашдаги қийинчиликлар;

Инвестиция рискларининг юқорилиги;

Ҳуқуқий рисклар Fintech функцияларини интеграция қилишнинг мураккаблиги.

Таъкидлаш лозимки, жадал ривожланаётган Fintech ҳаракатига нисбатан банклар қуйидаги йўналишда жавоб қайтармоқда:

Fintech стартапларини инкубатор ва акселератор дастурлари орқали рағбатлантириш;

Венчур фондлари орқали Fintech стартапларига инвестиция киритиш;

Fintech компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Fintech компанияларини таркибига қўшиб олиш;

Ўзининг Fintech компаниялари фаолиятини йўлга қўйиш.

Fintech стартапларига инвестицияларнинг АҚШ тажрибаси кўрсатишича, АҚШ банклари блокчейн, маълумотлар таҳлили, молиявий хизматларнинг дастурий таъминоти, тўловлар ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ Fintech стартапларига кўпроқ инвестиция киритмоқда.

Умуман олганда, рақамли иқтисодиёт ва унинг технологиялари аънанавий молиявий хизматлар бозорини “кўпориб ташлаш” салоҳиятига эга. Бу эса тижорат банкларидан рақамли трансформацияни жадал амалга ошириш, Fintech компаниялари билан ҳамкорликнинг самарали йўналишларини йўлга қўйишни тақозо этади.

Дж.Р.Зайналов – д.э.н., профессор СамИЭС

ПРИНЦИПЫ ФИНАНСОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СЕЛЬХОЗПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация. В статье освещены отдельные особенности финансового регулирования воздействия государства на деятельность сельхозпредприятий. Для улучшения ситуации в сельском хозяйстве страны автором предлагается принять законодательный акт. Также сформулированы направления действий органов власти с целью обеспечения роста качественных показателей фермерских хозяйств.

Ключевые слова: финансовое регулирование, агроформирования, фермерсие хозяйства, государственное регулирование.

Аннотация. Мақолада давлатнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига таъсирини молиявий тартибга солишнинг айрим хусусиятлари ёритилган. Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги барқарорлигини яхшилаш учун муаллиф янги қонуний хужжатни қабул қилишни таклиф қилди. Шунингдек, фермер хўжаликлари сифат кўрсаткичларининг ўсишини таъминлаш мақсадида давлат органларини ҳаракатларининг йўналишлари шакллантирилди.

Калит сўзлари: молиявий тартибга солиш, агротизим, фермерлик, давлат томонидан тартибга солиш.

Abstract. The article highlights certain features of the financial regulation of the state's impact on the activities of agricultural enterprises. To improve the situation in the country's agriculture, the author proposes to adopt a legislative act. Also, directions of actions of the authorities were formulated in order to ensure the growth of quality indicators of farms.

Keywords: financial regulation, agroformation, farming, state regulation.

Централизованное влияние государства на экономику невозможно существующими у нас методами. Оно должно следить за рынком преимущественно с помощью экономических мер, законодательных нормативов и целевых программ.

Сказанное позволяет заключить, что государственное регулирование представляет финансовый механизм воздействия на развитие производства и распределение, сообразуемое с требованиями инновационного развития и реализуемое с помощью экономических мер и в рамках законов.

Сформулировать важнейшие принципы государственного финансового регулирования можно примерно так:

- государственное финансовое регулирование осуществляется в дополнение к рыночному механизму и направлено на согласованное действие всех его элементов;
- государственное регулирование сообразуется с интересами товаропроизводителей, не носит по отношению к ним адресного характера и регулирует пропорции развития производства на макроуровне;
- границы государственного финансового регулирования определяются рамками действия объективных экономических законов и конкретными

задачами, стоящими перед хозяйствующими субъектами;

- государственное финансовое регулирование осуществляется, как правило, с помощью экономических мер путем разработки целевых программ и в соответствии с действующим законодательством.

В основе финансового механизма, независимо от отраслевой принадлежности, лежат экономический интерес и предпринимательский риск. Это диктует единые подходы государственного воздействия на хозяйства. Поэтому общие формы, методы и принципы государственного финансового регулирования, изложенные выше, характерны и для фермерского хозяйства. Однако фермерское хозяйство как специфическая сфера производства имеет ряд особенностей. Оно обеспечивает население продовольствием и промышленным сырьем; от его результатов во многом зависит жизненный уровень населения. Государству, проявляющему заботу о благосостоянии своих граждан, небезразлично состояние фермерского производства. Оно должно создавать благоприятные экономические и социальные предпосылки для населения, позволяющие производить достаточное количество сельхозтоваров по доступной рыночной цене.

Но в условиях пандемии коронавируса решить эту задачу нелегко. Сложность заключается в нестабильности деятельности фермерских хозяйств в силу большой их зависимости от природно-климатических условий. Это усложняет возможности сбалансированности во времени и пространстве объемов производства продовольствия с потребностями рынка. Зависимость сельского хозяйства от природно-климатических условий приводит к нестабильности его финансового состояния. Инновационное развитие и повышение качества сельхозпродукции способствуют росту численности работающих в фермерском хозяйстве. Незанятое население попадает в группу наиболее социально уязвимого населения, что требует особого внимания со стороны государства.

Фермерское хозяйство не входит в систему крупных образований и потому подвергается наиболее разрушительному воздействию конкурентных сил со стороны обслуживающих и перерабатывающих фирм, что в общеэкономическом и социальном плане отрицательно сказывается на всей экономике.

Чтобы обеспечить необходимый уровень доходов в фермерском хозяйстве и гарантировать стабильность производства и снабжения населения продовольствием, государство идет на особую форму взаимоотношений с фермерским хозяйством. Прежде всего, оно дает фермерским хозяйствам полную самостоятельность. Конкуренция на рынке вынуждает их увеличивать производство продукции и тем самым обеспечить рынок продовольствием. Функция государства заключается в создании условий для сбыта продукции с гарантией, что падение цен на сельхозпродукцию не будет ниже уровня, позволяющего успешно вести производство. Таким образом, в условиях пандемии коронавируса государство гарантирует успешное

развитие фермерского хозяйства, создавая ему приоритетные условия в сравнении с другими отраслями экономики. Тем самым осуществляется социальная защита всего населения посредством достаточно низких цен на продовольственную продукцию.

В ранее принятой Государственной программе социально-экономического развития на 2017-2021 годы существенная роль в регулировании производства отводится государству. Сохранялись обязательные поставки на большинство видов продукции. Закупочные цены на многие из них определяются государством на уровне не ниже необходимых затрат. В то же время промышленность поставляет средства производства фермерским хозяйствам по высоким рыночно договорным ценам. Это значительно усилило неэквивалентность обмена между селом и городом. Для смягчения ситуации, сложившейся в сельском хозяйстве, необходимо принимать ряд мер, в частности, Закон Республики Узбекистан «О приоритетном социально-культурном и экономическом развитии села и агроформирования» в целях обеспечения эквивалентного обмена между фермерским хозяйством и промышленностью и социального развития села. Однако многие положения Закона, по нашему мнению, не сообразуются с требованиями рынка. Напр., создание условий эквивалентного обмена является функцией рынка, а не государственного регулирования. Государству не под силу решить эту проблему, что подтверждает многолетний опыт нашей страны. В условиях пандемии коронавируса государство проводит политику регулирования продовольственного рынка путем разработки соответствующих программ по предоставлению грантов и субсидий или налоговых льгот. К сожалению, в принятых законах в направлении развития фермерского хозяйства такой финансовый механизм не просматривается. Предлагаемые дополнительные вложения средств в фермерские хозяйства из-за отсутствия отрегулированных на рынке цен не позволяют определить их эффективность, не позволяют фермерам сокращать расходы. Затратный механизм продолжает действовать и в новых условиях. Государственное финансовое регулирование не претерпевает существенных изменений и осуществляется, как и ранее, по принципу, в основании которого находится фермерское хозяйство и потребление, а наверху – государство.

В условиях пандемии коронавируса необходима разработка нового финансового механизма государственного воздействия на деятельность агроформирования, основанного на новых рыночных финансовых механизмах. На наш взгляд, необходимо рассматривать формирование финансового механизма государственного регулирования на уровне Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан.

В ныне сложившихся условиях Министерство не должно выступать в качестве вышестоящего органа управления, потому что оно должно трансформироваться в партнера агроформирования – фермерских хозяйств, что в корне меняет его функции.

С учетом мирового опыта и особенностей развития агроформирования в условиях пандемии коронавируса необходимы следующие направления деятельности Министерства:

- прогнозирование развития агроформирования и защита интересов потребителя;
- финансовое регулирование развития инфраструктуры агроформирования;
- развитие сельской территории, охрана среды обитания;
- развитие науки и образования;
- совершенствование межгосударственных отношений;
- информационное и общее обслуживание;
- развитие агробизнеса;
- развитие сельхозтуризма;

Реализация подобных мер обеспечит рост качественных показателей фермерских хозяйств.

Н.А. Ибрагимов– СамИСИ, “Молия” кафедраси профессори в.б., и.ф.д.

КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА НАРХЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада тадбиркорликни ривожлантиришда консалтинг хизматларининг муҳимлиги ҳамда консалтинг хизматлари учун тўловларнинг лойиҳа бўйича, вақтбай ва натижаларга қараб усуллари ёритилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, консалтинг, консалтинг хизматлари тўлов турлари.

“Korxonalarda ichki audit xizmati to’g’risida” nizomga muvofiq *ichki audit xizmatining huquqlari quyidagilardan iborat:*

- ichki auditni amalga oshirish davomida paydo bo’ladigan masalalar bo’yicha korxonaning hujjatlarini (rahbarning buyruqlari, farmoyishlari, boshqaruv organlari qarorlari, ma’lumotnomalar, hisob kitoblar, zarur hujjatlarning tasdiqlangan nusxalari va boshqa hujjatlarni), korxonaning mansabdor va ma’sul shaxslaridan og’zaki va yozma tushuntirishlar olish;
- ichki audit o’tkazishga ko’maklashish uchun korxonaning tegishli mutaxassislarini jalb etish.

Ichki audit xizmati xodimlarining majburiyatlari quyidagilardan iborat:

- ichki auditni amalga oshirishda qonunlar, nizomlar va boshqa me’yoriy xujjatlari talablariga rioya qilish; Normativ xuquqiy hujjatlardan o’g’ishmay amal qilinsa kutilgan natijaga erishiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1) O’zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi tomonidan tasdiqlangan 5-sonli

«Audit ishi sifatini nazorat qilish» nomli AFMS1999yil 4 avgust.
2) Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va yangilashni izchil davom ettirish – davr talabi. (O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2008 yilda respublikani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2009 yilda iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishning eng muhim ustuvor vazifalariga bag'ishlangan majlisidagi ma'ruzasi). – Xalq so'zi, 2009, 14 fevral.
3) O'zbekiston Respublikasining "Auditorlik faoliyati to'g'risida"gi Qonuni (yangi tahriri) 2000 y. 26 may.

http://www.iasc.org.uk
http://www.aicpa.org/index.
htm http://www. uza.uz
http://www.uzbekistan.uz
http://www.accountingweb.c
om http://www. ziyonet. uz
http://www. mf. uz
http://www. tfi. uz
http://www.lex. uz

Обид Пардаев – ЎзР Молия вазирлигида бўлим бошлиғи**,** мустақил тадқиқотчи

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ТАРИФЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация: мақолада ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари учун тарифларнинг шаклланиш йўналишлари ва омиллари қараб чиқилган. Бугунги кунда тарифларнинг қайси омиллар ҳисобидан ўзгариши асослаб берилган. Шунингдек, дунё миқёсидаги давлатлар ўртасидаги ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари тарифларнинг қиёсий таҳлили ҳам келтирилган.

Калит сўзлар: ичимлик суви, сув таъминоти, канализация, оқава сув, тарифлар, ичимлик суви таъминоти хизматлари, сув таъминоти хизматлари, канализация хизматлари, энергия сарфи, харажатлар, харажатлар таркиби.

Аннотация: В статье рассматриваются основные направления и факторы влияющие на формирование тарифов услуг питьевого водоснабжения и канализации. Приведены соответствующие факторы и обоснования влияющие на изменение тарифов. Также приводится сравнительный анализ тарифов на услуги питьевого водоснабжения и канализации в разных странах мира.

Ключевые слова: питьевая вода, водоснабжение, канализация, водоотведения, тарифы, услуги питьевого водоснабжения, услуги водоснабжения, канализации, расходы по электроэнергии, затраты, структура затрат.

Abstract: the article considers the directions and factors of formation of tariffs for drinking water supply and sewerage services. It is justified that based on what tariffs change nowadays. Additionally, a comparative analysis of tariffs for drinking water supply and sewerage services between countries around the world is also provided.

Key words: drinking water, water supply, sewerage, waste water, tariffs, drinking water supply services, water supply services, sewerage services, energy consumption, costs, costs structure.

Кириш. Мамалакатимиз учун бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласидир. Чунки ушбу масала бўйича ҳамон ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Кўпгина қишлоқ ҳудудларида ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматларини ташкил қилиш учун ҳаммасини янгидан бошлаш лозим. Хуллас, ушбу масала бўйича ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳали кўп. Аммо, истеъмолчиларга марказлашган ичимлик суви таъминоти тизимлари орқали ичимлик сувини узлуксиз ва сифатли етказиш бериш хизматлари ўзига хос машаққат, меҳнат ва харажатларни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074 – сонли "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ҳудудларда тарифлар тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланиш амалиёти жорий қилинди.

Таҳлил ва натижалар. Ичимлик сув ва канализация хизматлари учун тарифлар *(кейинги ўринларда – Тарифлар)* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги "Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни *(тарифларни)* шакллантириш, декларация қилиш *(тасдиқлаш)* ва белгилаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан шакллантирилади.

Тарифларни шакллантиришда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот *(ишлар, хизматлар)*ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомга амал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074 – сонли "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ҳудудларда Тарифлар тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланиш амалиёти жорий қилинди.

Жорий этилган янги амалиёт бўйича тарифларни белгилашда, ҳудудларнинг ўзига хос бўлган географик жойлашуви, ичимлик сув манбаларидан истеъмолчиларгача бўлган масофалар, ишлаб чиқариш харажатлари билан бирга сув таъминоти ва оқова сув корхоналарини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш харажатлари ҳисобга олиниши белгилаб қуйилди.

Ҳудудлардаги харажатларнинг специфик жиҳатидан кескин фарқ

қилиши сабабли, тарифлар ҳар бир вилоят учун алоҳида шаклда белгиланади. Чунки, Ўзбекистон ҳудудида ичимлик суви таъминотининг 65 фоизи ер ости ва 35 фоизи ер усти сув манбалари ҳисобидан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида жорий қилинган янги амалиёт ҳамда Ҳукумат томонидан берилган тегишли топшириқлар асосида, бугунги кунда, тарифлар Республика бўйича тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, ўрта ҳисобда:

1 м^3 ичимлик суви учун тариф аҳоли истеъмолчиларига **1384 сўм** *(ўсиш 93 %),* бюджет ташкилотлари учун **2874 сўм** *(ўсиш 81 %)* ва бошқа улгуржи истеъмочиларга **3209 сўм** *(ўсиш 78 %);*

1 м^3 канализация хизматлари бўйича ўртача тариф аҳоли истеъмолчиларига **888 сўм** *(ўсиш 94 %),*, бюджет ташкилотларига **1681 сўм** *(ўсиш 89 %),* ва бошқа улгуржи истеъмочиларга **2012 сўм** *(ўсиш 87 %)* этиб белгиланди.

Республика бўйича аҳолига 1 м^3 ичимлик суви учун энг арзон қиймати Тошкент шаҳрида 400 сўм, энг қиммат тариф қиймати Навоий вилоятида 3000 сўмни ташкил этади.

Тарифларнинг бу даражада кескин кўтарилиши, бир тарафдан истеъмолчилар ўртасида бир нечта саволларни келтириб чиқариши табиий, бироқ, 1 м^3 ичимлик суви учун қабул қилинган янги тарифларни савдо дўконларида сотувда бўлган 1 литрлик пластик қадоқдаги сувларга нисбатан солиштирганда, қуйидаги арифметикага дуч келамиз:

*Мисол учун: Аҳоли истеъмолчиларига 1 м^3 (1000 литр) ичимлик суви тарифи **1384 сўм** қийматида етказиб берилмоқда. Бу эса, 1 литр сув 1 сўм 38 тийинга тўғри келади. Савдо дўконларида сотувда бўлган 1 литрлик пластик қадоқдаги сув ўртача 2 000 сўмни ташкил этади.*

Бу ўз навбатида, сув таъминоти корхоналари томонидан аҳолига етказиб бериладиган 1 литр ичимлик суви қиймати савдо дўконларида сотиладиган пластик қадоқдаги 1 литр ичимлик сувига нисбатан 1 445 баравар арзонлигини кўрсатмоқда.

Истеъмолчиларга кўрсатиладиган ичимлик суви ва канализация хизматлари учун тарифларни белгилашда кўплаб омилларни инобатга олинади:

Жумладан, энергоресурслар *(электр-энергияси)* тарифларининг ўсиши, иш ҳақи миқдорларининг ўзгариши, амортизация ажратмалари суммаси кўпайиши, мукаммал ва жорий таъмирлаш харажатларнинг ўзгариши, соҳани ривожлантириш учун жалб қилинган халқаро молия институтлари кредитлари бўйича тўловларнинг қайта кўриб чиқилиши, сувни тозалаш, истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида фойдаланиладиган кимёвий реагентлар *(хлор, алюмин сулфат, натрий гипохлорит, техник туз ва ҳоказо)* учун харажатларнинг ўзгариши ҳисобига ичимлик суви ва канализация хизматлари тарифлари қайта кўриб чиқилади.

Ичимлик сув ишлаб чиқариш ва канализация хизматлари кўрсатиш учун харажатларнинг асосий қисми электр энергияси харажатлари

(республика бўйича ўрта ҳисобда 34 %), ишчилар ва бошқарув ходимларининг иш ҳақи харажатлари *(26 %)*, амортизация ажратмалари *(11 %)* ва молиявий фаолият бўйича *(5 %)* ташкил этмоқда. Ушбу ҳолат қуйидаги чизмада ўз аксини топган (1-расм).



1-расм. Ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари тарифида харажатлар таркиби

Жаҳон банки мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилган республикамиз ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари соҳасида ўрганишлари натижасида тақдим қилган маълумотлар шуни кўрсатдики, республикамизда ичимлик суви таъминоти хизматлари учун тарифлар Европа, Болтиқ бўйи ва МДХ мамлакатлари ичида энг паст даражани ташкил этар экан. Буларнинг қиёсий таҳлилини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Хорижий давлатлардаги ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифи бўйича қиёсий маълумотлар

Т.р	*Давлатлар номи*	*Пойтахт шаҳри*	*Ўртача тариф (долл. / куб.м)*
1	**Дания**	Копенгаген	**3,48**
2	**Германия**	Берлин	**2,97**
3	**Бельгия**	Брюссель	**2,87**
4	**Нидерландия**	Амстердам	**2,54**
5	**Норвегия**	Осло	**2,44**
6	**Франция**	Париж	**2,43**
7	**Австрия**	Вена	**2,28**
8	**Швейцария**	Берн	**2,19**
9	**Буюк Британия**	Лондон	**2,06**
10	**Швеция**	Стокгольм	**2,04**
11	**Финляндия**	Хельсинки	**1,88**

12	**Португалия**	Лиссабон	**1,64**
13	**Италия**	Рим	**1,59**
14	**Испания**	Мадрид	**1,50**
15	**Эстония**	Таллин	**1,36**
16	**Польша**	Варшава	**1,34**
17	**Венгрия**	Будапешт	**1,26**
18	**Болгария**	София	**1,05**
19	**Гибралтар**	***Гибралтар***	**0,95**
20	**Молдова**	Кишинев	**0,94**
21	**Россия**	Москва	**0,52**
22	**Украина**	Киев	**0,35**
23	**Арманистон**	Ереван	**0,27**
24	**Грузия**	Тбилиси	**0,27**
25	**Белоруссия**	Минск	**0,27**
26	**Қозоғистон**	Нур-Султон	**0,21**
27	**Озарбайжон**	Баку	**0,21**
28	**Қирғизистон**	Бишкек	**0,09**
29	**Ўзбекистон**	Тошкент	**0,04**

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари”га асосан кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб сув ҳисоблагич асосида ёки у бўлмаган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган сув истеъмоли нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, коммунал соҳага, айниқса ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматларини такомиллаштириш замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, хорижий тажрибаларни қўллаш бир мунча ўзгаришларга сабаб бўлади.

Биринчидан, тарифлар оширилиши ҳисобидан соҳага қилинадиган харажатлар кўпайиши эвазига ичимлик суви ва канализация хизматлари сифати яхшиланади.

Иккинчидан, тарифларни шакллантиришда депутатларнинг иштироки ушбу масаланинг шаффофликни таъминлаш имкониятини ҳам яратади.

Учинчидан, ушбу 2021 йилдан бошлаб ичимлик сувига тарифнинг ошганлигига қарамасдан дунё мамлакатлари ичида энг арзон тариф ўзимизда эканлилигини кўриш мумкин.

Пировардида, айтиш мумкинки, ҳар бир фуқаро ичимлик сувидан фойдаланишда тежамкорликка амал қилса, исроф қилинган ҳар бир томчи сув учун Яратган олдидан жавоб бериши ҳақлигини дилдан ҳис қилса, йилдан йилга камайиб бораётган сув захираларининг келгуси авлодларга ҳам етиб боришини таъминлашга хизмат қилган бўларди.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
У.Б. Абдурайимов– СамИСИ, МА-120 гуруҳ магистранти
Ф.Нурниёзов – СамИСИ, МА-120 гуруҳ магистранти

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУГУНГИ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада аудиторлик фаолиятининг бугунги холати, унга тўсиқ бўлаётган муаммолар, уни ривожлантириш масалалари ёритилган. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини амалдаги қонунчиликка асосан атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан самарали таклиф ва тавсиялар бериш бўйича фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар. мустақиллик, ҳалоллик, виждони софлиги, фикрни билдириш, аудиторлик хизмати сифати.

Аннотация. В статье описывается текущее состояние аудита, проблемы, которые ему мешают, вопросы его развития. Высказываются мнения о комплексном изучении и анализе финансово-хозяйственной деятельности субъектов хозяйствования в соответствии с действующим законодательством, выявлении проблем и эффективных предложений и рекомендаций по их решению.

Ключевые слова. независимость, честность, совесть, мнение, качество аудиторской службы.

Abstract. The article describes the current state of auditing, the problems that hinder it, the issues of its development. Opinions are expressed on a comprehensive study and analysis of financial and economic activities of business entities in accordance with current legislation, identification of problems and effective proposals and recommendations for their solution.

Key words: independence, honesty, conscience, opinion, quality of auditing service.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига янги замонавий техника-технологияларнинг кириб келиши асосида хўжалик субъектларининг молиявий мустаҳкамлигини ошиши кейинги йилларда аудиторлик фаолиятини янада ривожланишига пойдевор бўлмоқда. Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилди, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратди.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш, бу борадаги қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар, авваламбор, аҳолининг янги шаклланаётган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда юртимиздаги акциядорлик жамиятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг миллий молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга ўтказиш тажрибаси тўлиқ ўзлаштирилди. Бу ўз навбатида акциядорлик

жамиятларининг устав капиталларига хорижий инвесторларни жалб этиш ва корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, қатор муаммолар ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда,булар жумласига аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси пастлиги, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралаётганлиги, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жумладан, нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқараётганлиги аудиторларни махсус тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаки тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарликнинг ва аудиторлик хизматлари сифатининг зарурий даражасини, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мослигини таъминланмаётганлигини кўрсатиб ўтишни лозим топдик. Шу ўринда аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмаслиги, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаётганлигини кўрсатиб ўтиш шарт деб ўйлаймиз.[1]

Аудиторлар далолат бериш вазифасини бажарар эканлар бухгалтерия ҳисоботининг тўғрилиги ва объективлиги тўғрисида фикр билдириш имконини берадиган етарли даражада ишончли далилларни ўз вақтида тўплашни ўзларининг вазифаси деб биладилар. Демак, аудиторлар кўпгина ҳолатларни (масалан, текширилаётган хўжалик тизими ходимлари ва маъмуриятининг суистеъмолларини) ўзларининг вазифаларидан, шунингдек олинган топшириқ моҳиятидан келиб чиқмайдиган қўшимча деб ҳисоблашлари керак.

Бироқ бухгалтерия ҳисоботини тузувчилар, ундан фойдаланувчилар аудит (умумий аудит, банклар, фондлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, суғурта компаниялари аудити) давомида хизмат қандай бўлиши лозимлигига бироз бошқача қарайдилар. Масалан, аудиторлар маҳорат ва кўп гонорар олишга даъво қиладилар, бухгалтерия ҳисоботини тузувчилар ва ундан фойдаланувчилар ҳар қандай ҳолларда ҳам текширувчилардан улкан, муҳим суистеъмолларнигина эмас, майда суистеъмолларни, ҳисоботдан барча бузилишларни очиб ташлашга самарадорликни кутишлари мумкин. Бироқ, тажрибали аудитор, айниқса энди ишлай бошлаган аудитор бу соҳаларда ҳамиша самарали ишлай олмаслигини кўрсатмоқда.

Текшириладиган хўжалик тизимининг маъмурияти аудиторлар олдига эҳтимол тутилган суистеъмоллик фактларини ва уларнинг оқибатларини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 19.09.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

аниқлаш вазифасини қўйса - бу бошқа гап. Масалан, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи йирик базанинг маъмурияти ўз ҳудудида жойлашган иккита номустақил транспорт дўконида чакана савдо тўғри юритилаётганини текширишни илтимос қилди. (Бу аудиторларнинг мижоз билан келишилган тадбирлари бўйича хизмати дейилади). Бундай топшириқни бажариш учун, шубҳасиз текширувчилар алоҳида аудиторлик тестлари ва тадбирларини ишлаб чиқишлари назоратнинг товар ва кассани тўсатдан инвентаризация қилиш, миқдор ҳисобини тиклаш, шубҳа туғдирган алоҳида ҳужжатлар бўйича қайта текшириш ўтказиш каби алоҳида усуллардан фойдаланишлари лозим.

Мустақиллик - аудиторлик касбининг асосий тамойилларидан биридир. Аслини олганда бу профессионал фикрни билдиришга, яъни ўзининг ҳалоллиги, виждони софлиги ва касбига оид бурчини бажаришга холисона ёндашиш асосида аудиторнинг далолат бериши вазифасини бажаришига имкон берадиган муҳитдир. Бунга:

а) мутлақ мустақиллик амалда бўлмайдиган орзу, лекин шундай мустақилликка эришишга интилмай ўтказилган текшириш умуман ўз моҳиятини йўқотади;

б) текширувчиларнинг билим даражаси кенгайган сари текширишнинг самараси ортади ва мустақиллик даражаси камайган сари пасаяди;

в) деярли ҳамиша текширувчилар мустақиллигини пасайтирувчи омиллар вужудга келиши мумкин;

г) касбига доир фаолият билан шуғулланаётган аудиторларнинг мустақиликка эришишга интилиши, улар дуч келадиган салбий омилларни ишончли бартараф этишлари учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Жаҳон тажрибасида бир қанча омиллар ва вазиятлар таъсири натижасида аудитор мустақиллиги даражалари камайиб бормоқда. Уларни ҳаммасини санаб ўтиш қийин, шунга қарамай уларнинг орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўзи бажарган аудиторлик хизматлари учун ўз аудиторлик ташкилотларидан эмас, бевосита иқтисодий субъектдан ҳақ (молиявий ёрдам, қарз ва шу кабилар) олгани;

- иқтисодий субъект маъмурияти вакилларига яқин қариндошлилиги;

- кўп йиллар ушбу иқтисодий субъектни текширишда сурункасига қатнашганлиги ва бошқалар.

Амалда аудитор мустақиллиги мақсад бўлиши, аудиторлар ҳам уларнинг мижозлари ҳам, умуман жамият ҳам шу мақсадга интилиши керак. Бундай мақсадга маълум даражада эришса бўлади. Масалан, аудитор хизмати учун кўп холларда уни ёллаган мижоз шахсини ўзи ҳақ тўлашига қарамай аудитор бу ишни бажариш учун етарли даражада мустақил бўлиши мумкин ва лозим. Бундан ташқари аудиторга текширилаётган хўжалик тизими томонидан ҳақ тўланиши агар бу тизим маъмурияти жиноий ишларга ботиб қолмаган бўлса таклиф этилган мутахассисга алоҳида ишонч билдиради, ҳатто ўз хўжалиги жуда шубҳали, хатарли зоналарни муфассал, чуқур тадқиқ

этиш ташаббускори бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бошқача айтганда аудиторнинг мустақиллиги (хизмати учун мижоздан ҳақ оладиган нотариус ёки врачнинг мустақиллиги каби) умуман фуқаролик жамияти интилиши лозим бўлган мақсаддир, бу яқинлашиш маълум даражада мумкин ва жуда зарур бўлган мақсаддир.

Хулоса қиладиган бўлсак, Республикамизда аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва унинг натижаларини умумлаштириш ва баҳолашнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини амалдаги қонунчиликка асосан атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан самарали таклиф ва тавсиялар бериш бўлса, иқтисодиётда тутган ўрни мулкчилик шаклидан қатъий назар биринчидан, молиявий-хўжалик фаолиятининг ишончли, холисона ва мустақил аудиторлик текширувидан ўтказилишини таъминлаш, иккинчидан, амалдаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши аудиторлик хизматининг сифатли ўтказилишини рағбатлантиришдан иборатдир деб уйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 19.09.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 с.
3. Маматов З.Т. ва бошқ. Аудит: Ўқув қўлланма.-Т.: Тошкент Ислом Университети. 2002.-280 б.
4. Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.
5. Ризақулов А.А., Нарзиев Р. Аудит, - Т.: 1999.
6. Санаев Н.С., Нарзиев Р. Аудит. Ўқитувчи, 2001.

Ж.М. Уразматов– Гулистон давлат университети, “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ўзбекистон давлат бюджетини тўлдиришда қўшилган қиймат солиғининг тутган ўрни муҳилигидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғининг аҳамияти ва уни такомиллаштириш йўллари алоҳида ўрин тутади. Бу борада солиқ қонунчилигига қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур мақолада Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш, хорижий давлатларнинг солиқ ставкаларини таҳлили асосида солиқ ставкасини камайтиришда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида фикр ва мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: қўшилган қиймат солиқ, инсофли солиқ тўловчи,бюджет даромадлари, билвосита солиқлар, асосий восита, номоддий актив,яширин иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш, ҳисобварақ-фактуралар.

Аннотация. Исходя из роли налога на добавленную стоимость в пополнении государственного бюджета Узбекистана, особое место занимает значение налога на добавленную стоимость и пути его совершенствования. В этом направлении реализуются системные меры, направленные на совершенствование налогового законодательства. В данной статье рассмотрены вопросы совершенствования налога на добавленную стоимость в Узбекистане, повышения конкурентоспособности национальной экономики при снижении налоговой ставки на основе анализа налоговых ставок зарубежных стран.

Ключевые слова: налог на добавленную стоимость, добросовестный налогоплательщик, доходы бюджета, косвенные налоги, основные средства, нематериальный актив, теневая экономика, производство и воспроизводство, счета-фактуры.

Abstract. Based on the role of the value-added tax in the replenishment of the state budget of Uzbekistan, a special place is occupied by the value of the value-added tax and ways to improve it. In this direction, systematic measures are being implemented to improve tax legislation. This article discusses the issues of improving the value added tax in Uzbekistan, improving the competitiveness of the national economy while reducing the tax rate based on the analysis of tax rates of foreign countries.

Keywords: Value Added Tax, honest taxpayer, budget revenue, indirect taxes, principal instrument, intangible asset,hidden economy, production and reproduction, invoices.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳалол ва инсофли қатламлари кўпайиб бориши билан бир қаторда қўшилган қиймат солиғининг адолатли ҳамда шаффоф занжирини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғини давлат бюджетида тутган ўрнини ошириш учун тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритиши учун кенг ва қулай шарт-шароитлар яратиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: **“**Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади. Ислоҳотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди”-деб таъкидланади.

Мамлакатимизда солиқ тизимини ривожлантиришда унинг рағбатлантириш вазифасидан самарали фойдаланишни талаб этилади. Бунда солиқлар воситасида корхоналарнинг фаолиятини рағбатлантириш ва натижада улар иқтисодий фаоллигини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки корхоналарнинг иқтисодий фаоллигининг ривожланиши бир

томондан, унинг иқтисодий юксалишига, даромадларининг ошишига олиб келса, иккинчи томондан, солиқ тўловчи сифатида солиққа тортиладиган базанинг кенгайишига олиб келади ва бу охир оқибатда бюджет даромадларининг ошишини келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда билвосита солиқлар давлат бюджетининг даромадлар қисмида салмоқли ўринларни эгаллайди.

1-жадвал.

Билвосита солиқлар давлат бюджетининг даромадлар қисмида эгаллаган ўрни таҳлили

млрд.сўмда

№	Даврлар	Бюджет даромадлари	Билвосита солиқлар	Билвосита солиқларнинг улуши фоизда
1	2018	62 229,5	33 404,3	53,7
2	2019	102 627,6	47 029,8	45,8
3	2020	98 186,1	52 165,6	53,1
4	2021	120 231,7	60 145,9	50,0
	Жами	**383 274,9**	**192 745,6**	50,3

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилда давлат бюджети даромадлари 98186,1 млрд.сўм белгиланган бўлиб, шундан 52165,6 млрд.сўмини билвосита солиқлар ташкил қилиб 53,1 фоизда салмоқли ўринни эгаллаган. Шу сабабли билвосита солиқларнинг ҳисобини ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Демак, ҳозирда, мамлакатимиз солиқ тизими олдида бозор муносабатларини тўлақонли шакллантириш учун шарт-шароит яратиш билан бир қаторда, давлат бюджетини маблағлар билан таъминлаш ҳамда устувор йўналишдаги иқтисодий фаолиятни солиқлар воситасида қўллаб-қувватлашни талаб этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида, айниқса унинг энг муҳим турларидан бири бўлган қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш катта аҳамият касб этади.

Билвосита солиқлар механизмидаги муҳим муаммолардан бири сифатида солиқ ставкаларининг бироз юқорилигини келтириш ўринлидир.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бугунги кунда иқтисодиёти ривожланган давлатларда қўшилган қиймат солиғи ставкаси кам миқдорда белгиланганлиги гувоҳи бўламиз. Қозоғистон ва Қирғизистонда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоиз, Жанубий Корея, Индонезия ва Ливанда 10 фоиз, Швейцарияда 8 фоиз, Таиландда 7 фоиз ставкада солиқ амалиётини кўриш мумкин. Ушбу давлатларнинг иқтисодиёти бугунги кунда ривожланган давлатлар қаторидан жой олганлигини ва тадбиркорларнинг солиқ муносабатларида ижобий иштирок этиши бюджетнинг ортиб боришига хизмат қилади.[1](2-*жадвал*)

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси малака ошириш маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

2-жадвал.

Қўшилган қиймат солиғи тўлаётган давлатлар ва солиқ ставкалари

Давлат номи	ҚҚС, %	Давлат номи	ҚҚС, %
Венгрия	27	Хитой	16
Дания, Норвегия, Швеция	25	**Туркманистон, Ўзбекистон**	15
Греция Исландия	24 24,5	**Қозоғистон, Қирғизистон**	12
Уругвай, Португалия	23	Жанубий Корея, Индонезия, Ливан	10
Италия	22	Швейцария	8
Голландия, Бельгия	21	Таиланд	7
Буюк Британия, Франция, Австрия, **Россия, Белорусия**	20	Доминикан Республикаси	6
Германия	19	Сингапур, Саудия Арабистони	5
Латвия, Исроил, **Тожикистон**	18	Ҳиндистон	4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси малака ошириш маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар тармоғи кенгайиб бораётган бир вақтда ушбу корхоналарга 15 фоизлик солиқ ставкасини 10 фоизга тушириб белгилаш ҳам тадбиркор-ларни янада қўллаб қувватлашга асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижасида қанчадан қанча ҳали ҳам яширин иқтисодиёт орқали тадбиркорлиги амалга ошириб, охир оқибатида қонун олдида жавоб беришга тўғри келаётганларнинг олди олиниб, ёш тадбиркор-ларнинг ривожланиши ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларини дунё миқиёсида рақобатдошлиги таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 8 январь куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида “Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш!.”- деб таъкидлаганлари бежисга эмас.[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 8 январь куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги

Ўзбекистонда 2019 йил солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва солиқ юкини камайтириш юзасидан қўшилган қиймат солиғи ставкасини 20 фоиздан 15 фоизга туширилиши натижасида, 2019 йил якунлари билан қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сони (2018 йилда 6769 та -2019 йилда 82405 та) 75636 тага кўпайганини кузатиш мумкин.[1]

Давлат бюджети даромадларини купайтиришнинг иккинчи йўналиши эса солиқ солишнинг яширилган базасини аниқлаш ва солиққа тортишдан иборат.

Агар корхона ҳисобланган солиқ суммасини бюджетга ўз вақтида ўтказиб бермаса, бундай ҳолатда Давлат солиқ инспекциялари масъул ходимлари томонидан ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдорида пеня (молиявий жазо) қўлланилишига олиб келади. Бунда корхона раҳбариятига нисбатан маъмурий чора қўлланилмайди. Чунки, ушбу жараёнларнинг солиқ айланма сифатида белгиланиши солиқ тўловчининг ўз имкониятлари эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришни камайтиради, банкларнинг эса капиталлашувига салбий таъсир этади. Ваҳоланки, бугунги кунда банкларнинг капиталлашувини ошириш давлатимизнинг устувор иқтисодий сиёсати сифатида белгилаб олинган.

Қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш йўлларини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги таклиф ва тавсияларни таъкидлаш жоиз ҳисобланади:

Биринчидан, бугунги кунда иқтисодиёти ривожланган давлатларда қўшилган қиймат солиғи ставкаси кам миқдорда белгиланганлиги ушбу давлатларнинг бюджет даромадлари ва тадбиркорларнинг ошиб боришига хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар тармоғи кенгайиб бораётган бир вақтда ушбу корхоналарга 15 фоизлик қўшилган қиймат солиғи ставкасини 10 фоизга тушириш таклиф этилади;

Иккинчидан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат солиқ инспекциялари масъул ходимлари томонидан ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня (молиявий жазо) қўлланилиши бекор қилиш тавсия этилади;

Учинчидан, корхоналарнинг айланма маблағлари ортиб бориши билан даромадларнинг ҳам ортиб броишига хизмат қилиши мақсадида айланма маблағларига чегаравий миқдор 500 млрд.сўм қилиб белигилаш ва айланма маблағлари 500 млрд.сўмдан ошган қисмига солиқ ставкасининг имтиёзли шаклини жорий қилишни таклиф этилади;

Юқоридаги таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қўшилган қиймат солиғини такомиллаштиришда хорижий давлатларнинг солиқ амалиёти

устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил якунлари журнали.

тажрибасидан фойдаланган ҳолда, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня (молиявий жазо) қўлланилмаслиги, қўшилган қиймат солиғи тўловчи корхоналарга айланма маблағларининг чегаравий миқдордан ошган қисмига солиқ ставкасининг имтиёзли шаклини қўллаш каби таклифларнинг амалга оширилиши натижасида, тадбиркорларни янада қўллаб қувватлаш, инсофли ва ҳалол тадбиркорларнинг кўпайиши, қўшилган қиймат солиғи ундирилиши билан боғлиқ солиқдан қочиш йўлларини камайиши ва бюджет даромадларини оширишга хизмат қилади.

Yu.I.Turdibekov – SamDAQI katta o'qituvchisi

AVTOTRANSPORT VOSITALARINI BAHOLASHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI

Annotatsiya: Ko'char mulklar turli-tuman va ularni baholashda ularning o'ziga xos xususiyatlari inobatga olinadi. Maqolada avtotransport vositalari qiymatini baholashning o'ziga xos jihatlari to'g'risida ayrim fikrlar bayon qilingan.

Kalit so'zlar: baholash faoliyati, baholash yondashuvlari, xarajat yondashuvi, daromad yondashuvi, qiyosiy yondashuv.

Аннотации: Движимое имущество разнообразно и при его оценке учитываются его особенности. Статья дает представление об особенностях оценки автотранспортных средств.

Ключевые слова: оценочная деятельность, оценочные подходы, затратный подход, доходный подход, сравнительный подход.

Abstract: Moving property is diverse, and its characteristics are taken into account when evaluating it. The article gives an idea about the features of the assessment of vehicles.

Key words: appraisal activity, appraisal approaches, cost-based approach, income-based approach, comparative approach.

Hozirga vaqtda zamonaviy bozor iqtisodiyoti va huquqiy davlatning muhim institutlaridan biri – baholash faoliyati faol rivojlanmoqda. U jamiyatda normal iqtisodiy-huquqiy munosabatlarning shakllanishi, shuningdek mulkiy huquqlar ob'yektlarining qonuniy va mukammal iqtisodiy aylanmasini ta'minlash uchun zarur. Mamlakatda avtomobillashuv darajasining barqaror o'sishi natijasida avtotransport vositalarini iqtisodiy baholashga bo'lgan talab doimiy ravishda oshib bormoqda.

Hozirgi kunda mamlakatimizda 224 ta baholash tashkiloti va 1040 dan ziyod baholovchi faoliyat ko'rsatishmoqda[1]. Ular turli mulklarni, shu jumladan avtotransport vositalarini baholash bilan shug'ullanishadi. Avtotransport vositalarini baholash "Baholash faoliyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi yagona milliy baholash standarti asosida

[1] https://www.davaktiv.uz (O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi rasmiy sayti).

amalga oshiriladi.

Baholash metodologiyasi baholash usullari tizimi sifatida uchta yondashuvni o’z ichiga oladi: xarajat, qiyosiy va daromad yondashuvlari.

Xarajat yondashuvi ob’yektning aniq nusxasini qayta yaratish yoki joriy narxlarda yangi sifatida teng qiymatli o’rinbosar qiymatini aniqlash hamda jismoniy yemirilish, funksional va iqtisodiy eskirish bilan bog’liq qiymat yo’qotishni aniqlashga asoslanadi. Qayta jihozlangan avtomashinalarni, individual ijodkorlik uslubida ishlab chiqarilgan avtomashinalarni baholashda xarajat yondashuvidan foydalanish mumkin. Xarajat yondashuvidan loyihaviy qiymatni aniqlashda ham foydalanish mumkin, chunki bu holda baholash ob’yekti avtomobil zavodining eksperimental sexida yig’ilgan yangi rusumdagi transport vositasining yagona nusxasi hisoblanadi. Xarajat yondashuvi transport vositalarini ta’mirlash (tiklash) xarajatlarini baholashda asosiy hisoblanadi va ta’mirlash ishlari uchun smetalarni tuzish asosida amalga oshiriladi. Bunday holda, xarajatlarga asoslangan yondashuv baholash ishlarini axborot bilan ta’minlashga alohida talablar qo’yadi, chunki smetalarni tuzishda transport vositalari uchun ehtiyot qismlarning narxi, mehnat sig’limi va ta’mirlash ishlarining qiymati, soliqlar va boshqalar to’g’risida ma’lumot talab qilinadi.

Qiyosiy yondashuv hozirgi vaqtda birlamchi yoki ikkilamchi bozorda hukmronlik qilayotgan transport vositalarini sotib olish va sotish narxlarini tahlil qilishga asoslangan. Avtotransport vositalari iste’mol tovarlari bo’lgani uchun va oldi-sotdi bitimlari soni yetarlicha ko’p bo’lganligi sababli, narxlar to’g’risidagi ma’lumotlar barqaror va qulaydir. Baholovchi ma’lum bir transport vositasining amaldagi bozor narxi to’g’risida ma’lumotga ega bo’lmagan taqdirda, qiyosiy yondashuvidan foydalangan holda, ushbu transport vositasini funktsional va konstruktiv o’xshash bo’lgan transport vositalarining bozor narxlari tahlili asosida baholashi mumkin. Bunday holda to’g’ridan-to’g’ri taqqoslash usuli qo’llaniladi. Bundan tashqari, qiyosiy yondashuvda quyidagi usullardan foydalanish mumkin: vaznli narx ko’rsatkichlari usuli, korrelyatsion modellar usuli va ekspert baholari usuli. Ushbu uchta usul hozircha transport vositalarini baholashda keng qo’llanilmadi, chunki ular chuqur ilmiy asoslashni talab qiladi. Qiyosiy yondashuv avtotransport vositalarini baholashda asosiy hisoblanadi. Qiyosiy yondashuvdan foydalanishda dastlabki ma'lumotlar - mahalliy va import qilingan yangi va ishlatilgan avtomobillarning narxlari berilgan ko’plab spravochniklar, ishlab chiqaruvchilar, savdo tashkilotlari va dilerlarning prays-listlari, ixtisoslashgan bosma nashrlar.

Daromad yondashuvi kelajakda ob’yektni ekspluatatsiya qilishdan olish mumkin bo’lgan daromaddan kelib chiqib, bozor bahosini aniqlashga asoslanadi. Daromad faqat ma’lum bir ishlab chiqarish bilan ta’minlanganligi sababli, daromad yondashuvi ishlab chiqarish elementi bo’lgan mehnat vositalarining ayrim turlarini baholashda qo’llanilmaydi, lekin asosan faqat korxonalarni, sanoat majmualarini va boshqa biznes ob’yektlarini baholash uchun ishlatiladi. Daromad yondashuvi asosan pul oqimini diskontlash usuli va daromadlarni kapitallashtirish usulidan foydalanadi. Avtotransport vositalaridan ham daromad olinadi, ya’ni ularni ijaraga

berish orqali, yo'lovchi yoki yuk tashish xizmatlarini bajarish orqali avtotransport egasi daromadga ega bo'ladi. Shu sababli avtotransport vositalarini daromad yondashuvida baholash mumkin.

Avtomobil qiymatini baholash bo'yicha mutaxassisning ishi qiyin – chunki u ham xaridorning, ham sotuvchining manfaatlarini hisobga olishi lozim va bu manfaatlar hech qachon bir-biriga mos kelmagan. Baholovchi o'z bilim va malakasidan foydalangan xolda baholashni mustaqil, shaffof va odilona amalga oshirishi zarur.

Bugungi kunda avtotransport vositalarini baholash sohasida ma'lum muammolar mavjud, jumladan turli baholash tashkilotlari avtotransport vositalari qiymatini turlicha baholashadi va baholash natijalari ham turlicha chiqadi. Sababi – mamlakatda avtotransport vositalarini baholash bo'yicha uslubiyat ishlab chiqilmagan. Yagona milliy baholash standartining 9-bo'limi "Mashina va uskunalarni baholash (11-son MBS)" va "Mashina va uskunalarni baholash (11-son MBS) metodikasi" avtotransport vositalarini baholashga asosiy uslubiy qo'llanma hisoblanadi, lekin bu me'yoriy hujjatlar ko'proq ishlab chiqarish mashina va uskunalarini baholashga mos keladi, ammo avtotransport vositalarini baholashda foydalanishga noqulaylik tug'diradi. Chunki, avtotransport vositalari va mashina-uskunalar bir-biridan funksional vazifasi, konstruktiv tuzilishi, energiya iste'moli va boshqa tomonlari bilan farq qiladi va ularni bir uslubiyat asosida baholash ba'zi murakkabliklarni keltirib chiqradi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, avtotransport vositalari funksional tayinlanishi, konstruktiv tuzilishi va energiya iste'moli bo'yicha boshqa turdagi mulklardan farq qiladi, shu sababli avtotransport vositalarini baholash bo'yicha alohida uslubiyat yaratilishi lozim deb o'ylayman va bunda quyidagilar inobatga olinishi zarur:

- avtotransport vositalarining o'ziga xos xususiyatlarini inobatga olgan xolda baholash yondashuvlarini va usullarini belgilash hamda ularni qo'llash tartib-taomillarini ko'rsatib berish;
- avtotransport vositalarining jismoniy, funksional va tashqi eskirishini aniqlash bo'yicha uslubiy qo'llanmalar ishlab chiqish va joriy qilish;
- avtotransport vositalari bo'yicha yagona axborot bazasini shakllantirish;
- avtotransport vositalarini baholash bo'yicha dasturiy ta'minot yaratish;
- OTMlarda "baholash" ta'lim yo'nalishi bo'yicha turli mutaxassislarni, shu jumladan avtotransport vositalarini baholash bo'yicha mutaxassislarni tayyorlashni yo'lga qo'yish va x.k.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий баҳолаш стандарти. Т.: 2020.

2. Методические рекомендации по оценке стоимости автотранспортных средств и строительных машин/ Samarqand Xalqaro Biznes Maktabi, qimmatli qog'ozlar bozori mutaxassislarini tayyorlash bo'yicha Milliy Markaz; тай. Ганиев К.Б., Сафин Ф.Г., Зигуля С.В. – Т.: Konsauditinform – Nashr, 2010 – 166 б.

3. https://www.davaktiv.uz (O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi rasmiy sayti).

К.Б. Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СУБЪЕКТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЗАРУРАТЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришнинг объектив ва субъектив заруратлари, йўналишлари ва йўллари очиб берилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби, аудит, халқаро стандартлар.

Аннотация: В статье раскрыты объективные и субъективные предпосылки, направления и пути приведения бухгалтерского учета и аудита в соответствие с международными стандартами в субъектах сфер услуг.

Ключевые слова: сфера услуг, бухгалтерский учет, аудит, международные стандарты.

Abstract: The article reveals the objective and subjective needs, directions and ways to bring accounting and auditing in service entities in line with international standards.

Keywords: service, accounting, auditing, international standards.

Дунё мамлакатлари иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим ўрин тутади. Ушбу соҳанинг яратилаётган ЯИМдаги улуши ривожланган мамлакатларда 70-90 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда 40-55 фоизни ташкил этади.

Мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам энг истиқболли ва тез суръатларда ривожланувчи тармоққа айланди.Агар 90-йиллар бошида иқтисодиётда хизмат соҳасининг улуши 33% атрофида, 2010-2016 йилларда 43-48 фоиз бўлган бўлса, ҳозирги даврда унинг ЯИМдаги улуши қарийб 35 фоизга тенг. Республикамизда жами банд аҳолининг ярмига яқини ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Республикамизнинг яқин 10 йилликдаги тараққиёти рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурини амалий ижросига боғлиқ. Ушбу дастурга мувофиқ иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари ривожи негизида ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ) ётади. Бу бевосита хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам даҳлдордир.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йил кузда бошланган, 2020 йилда авж олган ва хонузгача давом этаётган коронавирус пандемияси хизмат кўрсатиш соҳасига АКТларни жадал кириб боришига ва бунинг эвазига айрим хизмат турлари ривожининг тезлашувига олиб келди. Чунончи, пандемия даврида банк-молия хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш,онлайн савдо хизматлари, етказиб бериш, масофавий таълим, тиббий, коммунал ва айрим бошқа хизматлар турлари пасайиш томонга эмас, балки, маълум даражада” илғорлаш томонга

юз тутди. Ушбу хизмат турларига АКТни жадал кириб бориши 2020 йилнинг 3-4-чоракларида маълум даражада саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳалари субъектларида моддий ишлаб чиқаришни тўхтаб қолмаслигига, одамларнинг меҳнат билан банд бўлиши ва даромад олишига имкон яратди. Буларнинг барчаси хизмат кўрсатишнинг иқтисодиётда муҳим рол ўйнаши ва катта аҳамиятга моликлигининг яна бир бор исботи бўлди.

Хизмат курсатиш сохаси иктисодиётнинг энг кенг тармокли сохаларидан хисобланади. Ушбу соханинг асосий тармоклари сирасига куйидагилар киради (1-расм).



1-расм, Хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий тармоқлари

Таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидан турли жиҳатлари бўйича фарқланади. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасига кирувчи тармоқларнинг ўзлари ҳам бир-биридан турли жиҳатлари бўйича фарқ қилади. Бундай фарқлар, чунончи, ушбу соҳага кирувчи корхоналар томонидан юритилаётган фаолият турларида, уларнинг мазмунини ташкил қилувчи хўжалик жараёнлари ва муомалаларида, олинаётган даромадлар, қилинаётган

сарф-харажатлар, кўрсатилаётган хизматлар таннархини шакллантириш тартибида, ҳисоб-китобларнинг шакллари ва бошқаларда ўз аксини топади. Ушбу ва бошқа жиҳатлардаги фарқлар сабабли хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари иқтисодий фаолият турлари классификаторида алоҳида гуруҳларга ажратилган, шунингдек уларнинг ҳар бирига махсус равишдаги фаолият турлари кодлари берилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг турлари, улар фаолиятининг кенг қирралиги, шунингдек ҳар бир хизмат турининг ўзига хос хусусиятлари ушбу соҳа корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ўзига хос субъектлари эканлигидан дарак беради. Хизмат кўрсатиш соҳасига кирувчи корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг ўзига хос жиҳатлари бевосита уларнинг предметини ташкил қилувчи объектларнинг таснифи ва тавсифида, ҳисоб объектларини тан олиш, ўлчаш ва счётларда акс эттириш усулларида, хўжалик жараёнлари ва операцияларини ҳужжатли расмийлаштиришда, ҳисоб-китоб ишларининг ташкилий шакллари ва бошқа жиҳатларида ёрқин намоён бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг ўзига хос хусусиятлари улар томонидан ушбу хусусиятларни ўзида мужассамлаштирувчи ўзига хос ички ҳисоб ва ички аудит сиёсатини ишлаб чиқишни ҳамда уларга амал қилишни тақозо этади. Чунончи, ички ҳисоб сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли корхонада танлаб олинган бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакли, хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини тан олиш мезонлари, улар ҳисобини юритишга асос бўлувчи ҳужжатлар тизими, ишчи счётлар режаси, бошланғич ҳужжатлар айланиши, архив иши, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, ҳисобни юритишга доир бошқа тартиб-қоидалар ҳамда тамойиллар аниқ ифодаланган бўлиши лозим. Ички аудит сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли корхонада танлаб олинган ички назоратнинг ташкилий шакли, хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини ички аудитдан ўтказиш режаси ва дастури, ички аудиторлар иш ҳужжатлари тизими, бошланғич ҳужжатлар айланиши, архив иши, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари таҳлили ва мониторинги ҳамда бошқа тартиб-қоидалар ўз аксини топган бўлиши лозим.

Шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари бошқа тармоқ субъектлари сингари молиявий ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишда миллий ва халқаро стандартларни қўллашлари лозим ҳисобланади. Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4611-сонли қарорида мувофиқ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш бўйича белгиланган вазифалар ҳамда чора-тадбирлар бевосита хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларига ҳам тегишлидир.

Ушбу муҳим вазифаларни бажариш учун соҳа субъектларида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Биринчидан, барча йирик бизнес ва солиқ тўловчилар ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари (акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар):

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)» ва «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» сертификатларидан (кейинги ўринларда — халқаро бухгалтер сертификати) бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йилдан бошлаб, давлат улуши бўлган хизмат кўрсатишга ихтисослашган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтиш жадвали ҳар йили тасдиқланиши ва 1 июнга қадар расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминлаши лозим.

Учинчидан, молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади.

Ҳозирги кунда банклар, кредит ташкилотлари, ломбардларда молиявий ҳисоб миллий стандартлар асосида юритилаётган бўлсада, бироқ молиявий ҳисобот шакллари МҲХСлари талабларига мос келувчи шаклларда тузилмоқда, Бошқача айтганда, мазкур ташкилотларда ҳисоб ва ҳисоботларни МҲХСларига мувфиқлаштириш бўйича маълум тажрибалар тўпланган. Ушбу ташкилотларнинг халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлари аудитнинг халқаро стардартларига асосан аудит текширувларидан ўтказилмоқда ва ушбу стандартлар талабларига мос келадиган аудиторлик ҳисоботлари ва аудиторлик хулосалари билан расмийлаштирилмоқда. Кўпгина йирик хизмат соҳаси субъектлари, масалан “Ўзтелеком”, «МТС», «Билайн», «Ўзбекистон Почтаси» каби кенг кўламдаги алоқа хизматларини кўрсатаётган корхоналарда, «Сувоқова», «Иссиқлик манбаи», «Электр тармоғи» каби коммунал хизматларни кўрсатаётган корхоналарда, шунингдек туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатаётган йирик комплексларда ҳисоб ва ҳисоботлар миллий стандартлар

асосида юритилиши билан бирга, йил якуни бўйича МҲХС асосида тузиладиган молиявий ҳисобот шаклларига трансформация қилинмоқда (ўтказилмоқда), Мос равишда, трансформацияланган молиявий ҳисобот шаклларига АХС асосида аудиторлик хулосалари олиниб келинмоқда.

Президентимизнинг ПҚ-4611-сон қарори билан тасдиқланган Йўл харитасига Молиявий ҳисоботларни МҲХС талабларига мослаштириш 2021 йилдан, то 2025 йилгача босқичма-босқич амалга оширилади. Ушбу йўл харитасида белгиланган вазифаларни ва чора-тадбирларни хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларига ҳам тўлиқ жорий этиш учун қуйидаги ишларни ҳам бажариш, бизнингча, фойдадан холи бўлмайди:

Биринчидан, измат кўрсатиш соҳаси корхоналарида даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалар (фойда ва зарарлар) кўрсаткичларини тан олиш ҳамда ҳисобини юритишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Чунончи, уларда даромадлар хизматлар тўлиғича кўрсатилгандан сўнг, босқичма-босқич, сарфланган харажатларга қараб тан олиниши ва мос равишда ҳисобда акс эттирилиши мумкин. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектлари томонидан даромадларни тан олиш ва ҳисобини юритишнинг ушбу усулларидан қайси бири танлаб олинганлиги ёки уларнинг ҳар бирини қайси турдаги ишлар (хизматлар) учун қўлланилиши миллий ва халқаро стандартларда аниқ ифодаланган бўлиши лозим.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг таннархи, шунингдек олинган фойда суммаси уларга сарфланган товар-моддий бойликлар қийматини баҳолаш усулларига бевосита боғлиқдир. Бундай усуллар бўлиб, 2-сон БҲХС «Заҳиралар» ва республикамизнинг 4-сон БҲМС «Товар-моддий заҳиралар»га мувофиқ ФИФО, АВЭКО, идентификациялаш усуллари ҳисобланади. Ушбу стандартларни хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида ТМЗлар қийматини баҳолашнинг танланган усулларини қўллаш хусусиятлари билан тўлдириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилиши буюртмачи ташкилотларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида буюртмачи корхоналар тўлов қобилиятини йўқотиш рискининг мавжудлиги хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида даргумон дебиторлик қарзларни бевосита ёки ташкил қилинадиган махсус резерв эвазига ҳисобдан чиқариш усулларини миллий ва халқаро стандартларда қатъий белгилаб қўйиш талабини қўймоқда. Чунончи, соҳа корхоналари ҳисоб сиёсатида дебиторлик қарзларни қадрсизланиши, даргумон қарзларни қоплаш учун резерв суммасини халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган усуллардан, чунончи соф кредитга сотиш ҳажмига ёки соф дебиторлик қарзлари суммасига нисбатан маълум миқдорларда ҳисоблаш усулларидан бирини танлаб олинганлиги аниқ белгиланган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, хорижий валюталарда хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналарда, масалан туристик фирмаларда, меҳмонхона мажмуаларида, уяли алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналарда кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар, одатда, хорижий валюталарда амалга оширилади. Ушбу ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги улар бўйича курс фарқларини вужудга келтиради. Шу сабабли хорижий валютадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича ижобий ҳамда салбий курс фарқларини тўғри ҳисоб-китоб қилиш, уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклига киритишнинг аниқ тартибини ҳисоб сиёсатида халқаро стандартлар талаблари асосида белгилаб олиш хизмат кўрсатиш ўта муҳим масалалардан биридир. Республикамизда қабул қилинган «Хорижий валюталарда юритилган хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида, статистик ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тўғрисидаги низом»[1] ҳамда 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»[2] бўйича вужудга келган салбий курс фарқларини икки усуллардан, яъни бевосита ва билвосита усуллардан бирида акс эттириш мумкин. **Бевосита усулда**, ижобий ва салбий курс фарқлари тўғридан тўғри молиявий фаолиятга доир даромад ва харажатлар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар тизимида (мос равишда, ижобий курс фарқлари 9540 «Ижобий курс фарқлари» счётида, салбий курс фарқлари эса 9620 «Салбий курс фарқлари» счётида акс эттирилади. **Билвосита усулда** курс фарқлари дастлаб 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётида (ижобий курс фарқларини) ҳамда 3190 «Бошқа келгуси давр ҳажатлари» счётида (салбий курс фарқларини) жамлаб борилади. Шундан сўнг курс фарқлари мос равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни узилишига қараб жорий ҳисобот даври молиявий фаолият даромадлари ҳамда харажатларига олиб борилади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари курс фарқларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг юқоридаги тартибларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ҳисоб сиёсатига киритиш лозим.

Бешинчидан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) уларнинг турли жавобгарлик марказларида, масалан сотиш бўлими, маркетинг бўлими, цехлар, ошхона, ресторан, омборлар ва бошқаларда хилма-хил бошланғич ҳужжатларни тузишни, улар айланишини ташкил қилишни, шунингдек бошланғич ҳужжатлар асосида тегишли ҳисоб регистрларини юритишни тақозо этади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси субъектларида ишлатиладиган бошланғич ҳужжатлар, уларни тузиш, тақдим этиш ва ишловдан ўтқазиш тартиби бир-биридан фарқланади. Мисол учун, кийим тикиш ателъесида тузиладиган бичиш-тикиш карталари ёки авиатранспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналарда тузиладиган «Рейсга хизмат кўрсатиш далолатномаси», туристик-меҳмонхоналарда ишлатиладиган «Туристлар ва меҳмонларга

[1] Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган, № 1411.
[2] Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181

хизмат кўрсатиш далолатномаси» айнан ушбу турдаги корхоналарга хос бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ҳисобланади. Бу ҳужжатлар, одатда, бошқа ташкилотларда қўлланилмайди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтгача республикамизда ушбу хужжатларнинг яхлит классификатори махсус тасдиқланмаган. Шу боис, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналари ўз ҳисоб сиёсатларида уларда фойдаланиладиган бошланғич ҳужжатларнинг аниқ шакл ва мазмунини тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб белгилашлари, шунингдек уларни тузиш, тасдиқлаш, бухгалтерияга тақдим этиш ва архивлаштиришгача бўлган айланиш графикларини кўрсатишлари мақсадга мувофиқ.Бу мазкур корхоналарда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузишда реалликни таъминлашнинг муҳим воситаси бўлади деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг хусусиятларига етарлича эътибор берилмасдан қолмоқда. Ушбу соҳаларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатлари фақатгина унинг айрим субъектлар, чунончи автотранспорт корхоналари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, маиший хизмат ва коммунал хўжаликлар мисолида ўрганилган холос. Буни ўша даврларда чоп этилган дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмалар номларидан[1] ҳам кўриш мумкин. Фикримизча, республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасига кирувчи алоҳида субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш хусусиятларини ўрганувчи фанларни шакллантириш, уларни кадрлар тайёрлаш ўқув режаларига киритиш вақти келди. Шунингдек, мамлакатимизда туризм, меҳмонхона бизнеси, уяли алоқа хизматлари, суғурта, биржа, брокерлик хизматлари, лизинг ва мулкни баҳолаш, консалтинг, инжиниринг, маиший-коммунал ва шу каби бошқа хизматлар соҳаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитига оид фундаментал дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни тайёрлаш зарурати мавжуд. Республикамизда бундай дарслик ва ўқув қўлланмаларни ҳозиргача мавжуд эмаслиги, уларга бўлган талабнинг мавжудлиги ушбу муаммонинг тез ҳал этилишини зарурат қилиб қўймоқда.

Фикримизча, юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал этилиши республикамизда хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқларинини янада ривожлантиришга, ушбу соҳа субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг назарий, методологик, ташкилий ва бошқа жиҳатларини тхалқаро даражага кўтаришга имкон беради.

[1] Қаранг: Соколов Я.В. Бухгалтерский учет в торговле. – М.: «Экономика», 1986; Калупов В.Г., Куприенко А.Н. Бухгалтерский учет в общественном питании. – М.: «Экономика», 1987; Соловьева В.М. и др. Бухгалтерский учет в жилищьно-коммунальном хозяйстве. – М.: «Стройиздат», 1987; Секретарева И.А. Бухгалтерский учет на авторанспортных предприятиях. М., МКИ, 1986..

У.А.Ширинов – СамИСИ катта ўқитувчи

АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА СЕГМЕНТАР ҲИСОБ, ҲИСОБОТ ВА СЕГМЕНТАР АУДИТНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мазкур мақолада алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сигментар ҳисоб ва ҳисобот ҳамда сегментар аудитнинг аҳамияти очиб берилган. Шунингдек сигментар ҳисоб, сигментар ҳисобот ва сегментар аудит тушунчаларига таърифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: алоқа, хизмат, сегмент, ҳисоб, ҳисобот, аудит, филиал, боғлама.

Аннотация: В статье разъясняется важность сегментарного учета и отчетности, а также сегментарного аудита при оказании услуг связи. Также были разработаны определения понятий сегментарного учета, сегментной отчетности и сегментарного аудита.

Ключевые слова: коммуникация, услуга, сегмент, учетная запись, отчет, аудит, филиал, ссылка.

Abstract: This article explains the importance of segmental accounting and reporting, as well as segmental audit in the provision of communication services. Definitions of segment accounting, segment reporting and segment audit have also been developed.

Keywords: communication, service, segment, account, report, audit, branch, link.

Бугунги кунда алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда юз берадиган опрерацияларнинг аксар қисми филиаллар ва боғламаларг тўғри келади. Чунки барча асосий ҳисоб китоблар ва хизматлар кўрсатиш айнан филиаллар ва боғламаларнинг асосий вазифасидир. Бу эса филиаллар ва боғламаларда рўй бераётган операцияларни назорат қилиш ва уларни бошқаришни талаб қилади. Бунинг учун эса филиаллар ва боғламаларда сегментар ҳисоботларни тузиш зарур.

Республикамизда асосий почта хизматлари “Ўзбекистон почтаси” АЖ, мобил алоқа хизматлари эса “Ўзтелеком” АК томонидан амалга оширил-моқда. Ушбу акциядорлик жамиятлари ва компаниялари республикамизнинг барча вилоятлари ва туманлари кесимларида ўзларининг филиаллари ва боғламаларига эга. Почта алоқаси хизматлари бўйича ягона миллий оператор бўлган “Ўзбекистон почтаси” АЖ ўз таркибида 14 та худудий филиал, 153 та район вашаҳар боғламалари, 13 та ишлаб чиқариш участкалари, 1820 та алоқа бўлимлари, шу жумладан 1320 та қишлоқ ва 2 та харакатланувчи почта алоқаси бўлими, шунингдек 1 та “Ҳалқаро почтамт”нинг ихтисослашган филиалига эга[1]. Худди шунингдек, “Ўзбектелеком” АК ўз таркибида 21 та филиалга ва 130 га яқин боғламаларга эгадир[2].

Алоқа хизматларини кўрсатувчи миллий компаниялар фаолиятининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, уларда юз берадиган опрерацияларнинг аксарият қисми филиаллар ва боғламаларга тўғри келади.

[1] https://www.pochta.uz/ru/filialy.html
[2] https://uztelecom.uz/

Чунки барча асосий ҳисоб китоблар ва хизматлар кўрсатиш айнан филиаллар ва боғламалар орқали амалга оширилади. Бу эса филиаллар ва боғламаларда рўй бераётган операцияларни назорат қилиш ва уларни бошқаришни талаб қилади. Бунинг учун эса филиаллар ва боғламаларда сегментар ҳисобни юритиш ва ҳисоботларни тузишда катта зарурат ҳисобланади.

Хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан сигмент ҳисобини юритиш тартиби, сегментар ҳисоботларни тузиш кетма-кетлиги, тамойиллари ва афзалликлари бўйича тадқиқодлар олиб борилган. Чунончи, хорижий олимлардан Berton L., Boersema John M., Susan J., Emmanuel C., Garrod N., Frost C., Clive R., Stanley J., Валошина С.В., Бакаев А.С., Бахрушина М.А., Клинов Н.Н., Раметов А.Х., Соколов А.А., Суйц В.П., Шанк Джон К. мамлакатимиз олимларидан эса Уразов К.Б., Ташназаров С.Н., Пардаев А.Х., Хасанов Б.А., Хасанова Р.Б. ва бошқалар.

Иқтисодчи олим А.А.Соколов **Бизнес сигментлари** корхона фаолият турлари сифатида, таркибий бўлинмалар, жавобгарлик марказлари ёки ташқи муҳитнинг қисмлари, сегментар ҳисоб учун белгиланган деб мулохаза юритган. **Сигментар ҳисобот** бу фаолиятнинг сегментлари томонидан тузилган ва улар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қиладиган ташкилотнинг молиявий ҳисоботнинг бир қисми бўлиб, ҳисоботнинг манфаатдор фойдаланувчиларига ташкилотга нисбатан мақбул бошқарув қарорларини қабул қилиш, шунингдек амалга ошириш учун керакли маълумотларни тақдим этиш ҳамда молиявий натижаларни, актив ва мажбуриятларни келажакдаги башоратларини қилиш.

Профессор А.Х.Пардаев **Бизнес сигменти** – бу корхонанинг маълум қисмини ёки нисбатан мустақил бўлинмасини муайян ваколатлар ва масъулият бериш мақсадида ажратишдир деб тарифлаган.

Рус иқтисодчиси Н.Ю.Базалейнинг такидлашича **Сигментар ҳисобот** ички ва ташқи ҳисоботнинг ажралмас қисми бўлган ва молиявий ҳисоботни батафсилроқ ва пухта ўрганишга имкон берадиган ва шу асосда тижорат ташкилоти фаолиятининг айрим сегментлари рационал ва самарали операцион бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тузилади.

Тадқиқотларимиз натижасида, **сегмент (лотинча segmentum**)нинг бир бўлак, яхлит нарсанинг бир қисми эканлигидан келиб чиқиб, сегментар ҳисоб ва сегментар ҳисобот қуйидагича таърифлар берилди:

***сегментар ҳисоб –** иқтисодий бирликнинг таркибий қисмлари фаолият турлари, улар даромадлари, харажатлари, фойда ва бошқа муҳим кўрсаткичларини турли ўлчов бирликларида миқдор жиҳатдан ўлчаш ва сифат жиҳатдан тавсифлашга мўлжалланган ички ҳисоб тизими.

***сегментар ҳисобот** деганда яхлит иқтисодий бирликнинг таркибий қисмлари фаолият турлари, улар даромадлари, харажатлари, фойда ва бошқа муҳим кўрсаткичлари бўйича тузиладиган ҳисобот тушунилади.

Халқаро молиявий ҳисоб амалиётида сегментар ҳисоботнинг турлари, таркиби, уни тузиш ва тақдим этиш тартиблари махсус 8-сон МХХС «Операцион сегмент»да белгиланган. Бундан ташқари ривожланган

мамлакатлар алоҳида сегментлар ҳисоби ва ҳисоботи бўйича стандартлар, низомлар ва қоидалар мавжуд. Чунончи, Россия Федерациясида “Сегментлар ҳақида маълумот” ПБУ 12/2000 , АҚШда SFAS 131 “Бизнес сигментлари ва тегишли маълумотларни ошкор этиш”, Хитой Ҳалқ Республикасида 35 сон “Сегмент бўйича ҳисобот”. Мамлакатимизда эса бошқарув сегментар ҳисоботининг турлари, таркиби, уни тузиш ва тақдим этиш тартиблари эса махсус меъёрий ҳужжатлар билан белгиланмаган.

Замонавий қарашга кўра хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимида сегментар ҳисоб ва ҳисоботнинг ўрнини қуйидагича белгиладик (5-расм).

Бошқарув ҳисобида яхлит иқтисодий бирлик ҳисобланган корхонанинг таркибий қисмлари сифатида унинг жавобгарлик марказлари, масалан, таъминот бўлими, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари, сотиш бўлими, савдо шаҳобчалари ёки марказлари (уйлари), турли бошқа хизмат кўрсатувчи бўлинмалари қаралади.



5-расм. Корхоналарнинг яхлит ҳисоб тизимида сегментар ҳисоб ва ҳисоботнинг ўрни.[1]

Мос равишда, бизнесдан олинган даромаднинг ўзи алоҳида фаолият турларидан, шу жумладан, одатий фаолият, янги инновацион фаолият, тугатилаётган фаолиятдан олинган даромад, ички бозор ва экспорт фаолиятидан олинган даромад, алоҳида товарларни сотишдан олинган даромад кабилардан ташкил топади. Бошқарув учун ҳар бир фаолиятнинг, маҳсулот турининг харажатгирлиги, фойдалилиги ўта муҳим ҳисобланади. Шу боис ҳам ҳар бир фаолият, маҳсулот тури бўйича «даромад-харажат-фойда» кўрсаткичлари занжирини ўзида мужассамлаштирувчи ҳисобот шаклларини тузиш ва улардан самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда бевосита фойдаланиш ўта муҳим ҳисобланади.

Сегментар ҳисоб ва ҳисобот аудити бўйича турли олимлар тадқиқот олиб боришган. Чунончи, С.В.Волошина, И.Н.Богатая[2], Е.Н.Варламовалар[3] ўз илмий тадқиқотларида сегментар ҳисобот аудити, аудит мақсади, аудит ўтказиш

[1]Муаллиф ишланмаси
[2] https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-segmentarnoy-otchetnosti-kak-obekta-audita
[3] https://cyberleninka.ru/article/n/segmenty-informatsii-dlya-tseley-buhgalterskogo-ucheta-i-audita

босқичларини тадқиқ қилишган.

Юқоридаги олимлар ўз тадқиқотларида сегментар аудит тушунчасига тўхталишмаган. Шу боисдан ҳам биз ўз тадқиқотларимиз натижасида сегментар аудит тучунчасига қуйидагича тариф бердик.

Сегментар аудит – бу ички ва ташқи аудитнинг яхлит иқтисодий бирликнинг таркибий қисмлари фаолият турлари, улар даромадлари, харажатлари, фойда ва бошқа муҳим кўрсаткичларини текширишга қаратилган таркибий қисми.

Сегментар аудитнинг мақсади бухгалтерия ҳисоботларининг сегментлар бўйича ишончлилиги ва тўғрилигини текширишдан иборат.

Сегментар аудитнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилаш мумкин: хўжалик юритувчи субъектларда сегментар ҳисоб ва ҳисоботни шакиллантиришнинг умумий методологиясини ўрганиш ва баҳолаш; рискларни (нарх, сиёсий, кредит, валюта ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда ажратилган сегментларни рўйхатини аниқлаш; сегментлар бўйича ҳисоботларни тўғрилигини текшириш; ички назорат тизимини баҳолаш; сегментар ҳисоб бўйича аудиторлик далилларини йиғиш; сегментлар бўйича маълумотларни тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш; ҳисобот бериладиган сегментлар бўйича маълумотларни тақдим этиш усулларини ўрганиш; молиявий ҳисоботларда сегмент маълумотларини тақим этиш ва ошкор қилишнинг тўғрилигини ва тўлиқлигини текшириш.

Сегментар ҳисобот аудитини ўтказишда аудитор бир қанча маълумот манбаларидан фойдаланади. Барча маълумот манбаларини 5 гуруҳга ажратишимиз мумкин.



4 чизма. Сегментар ҳисобот аудити маълумот манбалари[1].

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда сегментар аудитни тўғри ташкил этиш ва ўтказиш соха корхоналари молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги ва шаффофлилигини янада оширишга хизмат қилади.

[1]Муаллиф ишланмаси

О.Х.Холиқулов – СамИСИ таянч докторанти

ҚУРИЛИШ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАР ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ ҲИСОБИ ҲАМДА ҲИСОБГА ОЛИНГАН ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада республикамизда фаолият юритаётган қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар иш фаолиятини яхшилаш борасида уларга зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ҳисоб-китобида қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги операциялари бухгалтерия ҳисоби ёзувларида аниқ ҳолда акс эттирилган.

Калит сўзлар: Бухгалтерия ҳисоби, қурилиш машина-механизмлар, қўшилган қиймат солиғи, ҳисобга олиш, эҳтиёт қисмлар,иш хизматлар.

Аннотация: В данной статье операции строительных компаний, действующих в стране, по порядку учета налога на добавленную стоимость при расчете запасных частей, необходимых для повышения производительности строительной техники, четко отражаются в бухгалтерском учете.

Ключевые слова: Бухгалтерский учет, строительная техника, налог на добавленную стоимость, бухгалтерия, запчасти, бизнес-услуги.

Abstract: In this article, the transactions of construction companies operating in the country, according to the procedure for accounting for value added tax when calculating spare parts necessary to increase the productivity of construction equipment, are clearly reflected in the accounting records.

Keywords: Accounting, construction equipment, value added tax, accounting, spare parts, business services.

Рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда қурилиш машина-механизмлар иш фаолиятини ижобий йўлга қўйишда уларнинг эҳтиёт қисмлари сифати, яроқлилик ва хизмат муддатига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт. Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд[1].Чунончи қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар иш фаолиятида зарур бўлган турли хил эҳтиёт қисмлар, инвентар буюмлар, мойлаш материаллари ва бошқаларни қурилиш жараёнида ишлатилиши, уларни тўғри тақсимлашни ҳисобга олиш асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020.

бораётган даврда фаол тадбиркорлик, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек қурилиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Шунингдек қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлари иш фаолияти ҳисоби ва уларга керакли бўлган эҳтиёт қисмлар ҳисобини ҳам ижобий таъминлашда ҳам муаммолар мавжуд. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017-2021 йиллар учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурда қурилиш соҳасида машина-механизмлар иш (хизмат)ларни бажариш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда, қурилиш ташкилотларини моддий-техник ресурслари билан таъминлашдек устувор вазифаси белгиланди[1].

Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда 71156,5 млрд.сўмлик 2020 йил сентябр ҳолатига 65154,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган[2]. Ўзбекистон республикасида қурилиш машина-механизмлари иш фаолияти ҳисоби, уларни эҳтиёт қисмлари сарфи ҳисоби ва улар кўрсатаётган хизматлари фаолият соҳаларини мукаммал ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётимизни ривожлан-тиришда қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти ҳисобини бевосита уларга эҳтиёт қисмлар сарфи муҳимлиги ҳаммамизга маълумдир. Шу боис ҳам қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти ҳамда эҳтиёт қисмлар сарфи бўйича назоратни ижобий йўлга қўйиш ва ташкил этиш, республикамизда қурилиш фаолиятини ривожлантириш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий ва ҳалқаро стандартларига мос ҳолда қурилиш машина-механизмлар иш фаолияти ҳисобини жадал ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифалари бўлиб қолмоқда. Чунончи, қурилиш ташкилотларида юзага келган солиқ оқибатларини ҳам ҳисоб нуқтаи-назардан тўғри ҳисобга олиш муҳим саналади. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади[3].

2019 йил 1 январдан буён кўп корхоналар қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиб ҳисобланмоқдалар. Шунингдек, 2020 йилги ҳисобот йилини

[1] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

[2] https//.www.stat.uz-Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Қурилиш бўлими.20.11.2020 йил ҳолатига.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 24.01.2020.

ёпиш муддати 1 ойни ташкил этиши барча ҳисобчиларга маълумдир. Шу боис ҳам барча умумбелгиланган солиқ (қўшилган қиймат солиғи) тўловчи корхоналар ҳисобга олинган ҚҚС га тузатиш киритиш заруратига дуч келинганлиги ёки келгусида ҳисобга олиниши бўйича тузатишларга дуч келиши мумкиндир. Ҳар қандай хўжалик юритувчи ўз фаолияти давомида юзага келган қўшилган қиймат солиқ ҳисоб-китобини тўғри юритиш бу муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш учун қабул қилинган суммага тўғри тузатиш киритишга (ҳисобга олишдан чиқаришга) қуйидаги ҳолатларда тўғри келиши мумкин:

- сотиб олинган товар-моддий заҳира (қурилиш машина-механизм) лар ва кўсатилган хизматлардан солиқ солишдан озод этилган айланма учун фойдаланилганда;
- товар-моддий заҳира (мой ва мойлаш материал) лари табиий камайиш нормаларидан ортиқча бузилганда ёки йўқотилган ҳолатда. Агарда қонун хужжатларда бундай нормалар белгиланмаган бўлса, уларни корхона ички ташкилий хужжатларида мустақил равишда тасдиқлаш;
- товар-моддий заҳиралар (мой ва мойлаш материал) лари таббий камайиш нормаси фавқулотда ҳолатларда, яъни табиий офат, ёнғин, авария, йўл транспорт ҳодисаси ва бошқа шу каби муносабатлар билан уларни бузилишига ёки йўқотилишига нисбатан татбиқ этилмаслигини инобатга олинганда;
- қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар меъёрий-ҳуқуқий (қонун) ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда;
- солиқ тўловчи мақоми бекор қилинган (йўқотилган) да ёки солиқ тўлашдан озод қилинганда[1];

Солиқни тўловчи бўлмаган корхоналар тоифасига ўтиш санасида ёки озод қилиш санасида қўшилган қиймат солиғи билан сотиб олинган товар-моддий заҳиралар (қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисм) лари қолдиқлари бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишдан чиқариб ташлаш ва уни товарларнинг қийматига киритиш ҳисоб нуқтаи-назаридан тўғри ҳисобланади.

Товар-моддий заҳиралар қолдиқлари бўйича ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғига тузатиш киритишда тузатиш киритишдан олдинги охирги 12 ой учун харидларни инобатга олиш[2] муҳимдир.

Мамлакатимизда мавжуд қурилиш ташкилотларида солиқ солишдан озод этилган айланмалар учун фойдаланилган товар-моддий заҳира (қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисм) лар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш учун қабул қилинган суммага тузатиш киритиш бўйича амалий жиҳатини кўриб чиқамиз. ҚҚС тўловчиси бўлган қурилиш ташкилоти буюртмачилар объектларида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 37-боб. “Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби”.269-модда. 4-қисм.2020 йил.(янги таҳрир).

[2] Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 37-боб. “Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби”.269-модда. 3-қисм.2020 йил.(янги таҳрир).

Ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун у алоҳида-алоҳида усулдан фойдаланилади.

2020 йилнинг ноябр ойида “СУФАТ И Д” МЧЖ қурилиш ташкилоти 65 500,0 минг сўмлик қурилиш машина-механизмларга эҳтиёт қисмлар сотиб олди, шу жумладан ҚҚС 8543,5 минг сўм. Ноябр ойида солиқ солишдан озод этилган айланма мавжуд бўлмади, шу боис кирувчи қўшилган қиймат солиғининг барча суммаси 8543,5 минг сўм ҳисобга олинди. Декабр ойида “СУФАТ И Д” МЧЖ қурилиш ташкилоти уй-жой фондини таъмирлаш ва қуриш учун хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати билан шартнома тузди. Бундай ишлар учунҳақ аҳоли томонидан хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати орқали тўланади ва ҚҚС дан озод этилган[1]. Уларни бажаришда ноябр ойида олинган қурилиш материалларидан фойдаланилди, улар бўйича ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинган. Қуйида фойдаланилган материалларнинг қиймати ҚҚСсиз 25 000,0 сўмни ташкил этди. Шу билан биргаликда, улар бўйича 3 750,0 минг сўм (25 000 х 15%) миқдоридаги ҚҚС суммасини ҳисобга олишдан чиқариш ва бажарилган ишлар таннархига киритиш зарур. Бинобарин, бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммасига тузатиш киритишни бундай акс эттириш мақсадлидир (1-жадвал)

1-жадвал

Қурилиш ташкилотида ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш[2]

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1.	Май ойида материал-лар сотиб олинди	56956,5	1050-«Қурилиш материаллари»	6010-«Мол етка-зиб берувчилар ва пудратчилар-га тўланади-ган счётлар»
2.	Сотиб олинган материаллар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	8543,5	4410-«Бюджет-га солиқлар ва бошқа мажбу-рий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (тур-лари бўйича)»	6010-«Мол етка-зиб берувчилар ва пудратчилар-га тўланадиган счётлар»
3.	Сотиб олинган мате-риаллар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	8543,5	6410-«Бюджет-га тўловлар бў-йича қарз (тур-лари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бо-шқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўлови (тур-лари бўйи-ча)»

[1] Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 33-боб. “Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби”.243-модда. 1-қисм.16-банд. 2020 йил.(янги таҳрир).

[2] “СУФАТ И Д” МЧЖ 2020 йил бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида келтирилган.

4.	Материаллар бажарилган ишлар таннархига ҳисобдан чиқарилди:			
а.	ноябр ойида – ҚҚС солинадиган	40 000,0	2010-«Асосий ишлаб чиқа-риш»	1050-«Қурилиш материаллари»
б.	декабр ойида – ҚҚС-дан озод этилган	25 000,0	2010-«Асосий ишлаб чиқа-риш»	1050-«Қурилиш материаллари»
5.	Июнь ойида май ойида ҳисобга олин-ган ҚҚС суммасига тузатиш киритилди	3 750,0	2010-«Асосий ишлаб чиқа-риш»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Қурилиш ташкилотида ҚҚС бўйича ҳисоботда ҳисобга олишга тузатиш киритишни бундай акс эттириши керак[1]. ҚҚСдан озод этилган айланмалар учун фойдаланилган материаллар қийматини (25 000,0 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 3-«Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисоб-китоби» иловасининг 0601-сатри 3-устунида акс эттириш тўғри бўлади. ҚҚС бўйича ҳисобга олишга тузатиш киритиш суммасини (3 750,0 минг сўм) 3-илованинг 0601-сатри 4-устунида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади. Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар иш фаолиятида асосий ўринни уларни доимий равишда эҳтиёт қисмлар таъминоти муҳим ҳисобланади. Шу боис ҳам қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини кирими ва уларни сарфлари ҳисобини доимий назорати бухгалтерия ҳисобида муҳим саналади.

Д.С.Тошназарова - СамИСИ таянч докторанти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАННАРХ ҲИСОБИНИНГ ТАЪРИФИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада соҳага доир адабиётларни ўрганиш асосида таннарх ҳисобининг таърифи ишлаб чиқилган ҳамда таннархи ҳисобининг вазифалари белгилаб берилган.

Калит сўзлар: бошқарув ҳисоби, костинг, таннарх, таннарх калькуляцияси, таннарх ҳисобининг вазифалари

Аннотация: В этой статье разработаны научное определения на учет себестоимости, а также установлены основные задачи учета себестоимости на основе изучения литературы в этой сфере.

Ключевые слова: управленческий учет, костинг, себестоимость, калькуляция себестоимости, задачи учета себестоимости

Abstract: This article has developed a scientific definition for cost accounting, and also established the main objectives of cost accounting based on the study of literature in this area.

Key words: management accounting, costing, cost price, cost calculation, cost accounting objectives

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг Қарори “Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221].

Рақамли иқтисодиёт шароитида фаолият юритаётган ҳар қандай кичик ва йирик бизнес корхонаси фаолият самараси, эртанги истиқболи бошқарув ҳисобининг муҳим ва асосий тамойилларидан бири “харажат-ишлаб чиқариш ҳажми-фойда” кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигида ифодаланиши мумкин. Ана шу кўрсаткичлар орасида харажатлар бошқарув ҳисобини ташкил қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Бошқариш учун менежерларга фақат умумий харажатлар тўғрисидаги маълумотлар етарли бўлмасдан, балки амалга оширилган харажатлар тўғрисида деталли маълумотлар талаб қилинади.

Харажатлар тушунчаси таннарх тушунчасидан кенгроқ ҳисобланади. Харажатлар корхона ўз мақсадларига эришиш учун ва олдига қўйган вазифаларни ҳал қилиш учун амалга оширган сарф ва чиқимларнинг пулдаги ифодасидир.Таннарх эса маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш орқали маҳсулот қийматини яратиш билан боғлиқ харажатлардир. Бундай харажатларни ишлаб чиқариш харажатлари ҳам деб аташади.[1] Маҳсулот ёки унинг партияси, мижозларга банкда ёки шифоханаларда кўрсатилаётган хизмат таннархи, машина-соат, иш-соати ва унинг қиймати бошқарув харажатлари ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ҳозирда харажатлар ҳисоби тизим сифатида шаклланиб келмоқда. Таннарх ҳисоби тизими – бу таннарх обьектига доир бўлган ахборотларни ўлчаш, ёзувини амалга ошириш, таҳлил ва интерпретация қилиш ҳамда таннарх ҳисоботини тузишда қўлланиладиган мунтазам давр жараёнлар ва процедуралар мажмуасидан иборатдир.Таннарх ҳисобига доир адабиётларда таннарх ҳисоби тизимининг қуйидаги тўртта фаолиятларини келтириб ўтамиз: 1.Таннархни ўлчаш; 2.Таннархнинг ёзувини амалга ошириш; 3.Таннархни таҳлил қилиш; 4.Таннарх ҳисоботи.

Таннарх ҳисоби бошқарув (менежментлик) ҳисобининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у нафақат менежментни ахборот билан таъминлайди, балки менежментлик ҳисобининг бошқа таркибий қисмлари учун ҳам ахборот манбаи ҳисобланади. Шу боис, таннархи ҳисоби бошқарув (менежментлик) ҳисобининг фундаментини, яъни унинг асосини ташкил этади десак айнан ҳақиқат бўлади. Соҳа бўйича энг нуфузли ташкилот CIMA институти Таннархни ҳисоблаш (Costing), Таннарх ҳисоби (Cost accounting) ҳамда Таннарх бухгалтери (Cost Accountancy) тушунчаларига алоҳида тавсифлар келтирган:

“**Таннархни ҳисоблаш (Костинг)** – бу таннархни аниқлашда қўлланиладиган методлар (techniques and) мажмуаси ҳамда уни ҳисоблашни амалга ошириш жараёнидир (processes). Ушбу методлар маҳсулотлар ва хизматлар таннархини аниқлаш процедурасини тартибга солувчи принциплар ва қоидалардан иборат бўлади. Ушбу методлар турли маҳсулотлар ва

[1]S. N.Toshnazarov. “Boshqaruv hisobi” ma’ruza matnlari. 1-qism (Tannarx hisobi). Samarqand 2010.

хизматлар таннархини аниқлашда саноат тармоқларининг хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади."[1]

Бошқа манбаларда ҳам шу каби тавсифлар келтирилган: "Костинг – бу қуйидагиларни аниқлашда қўлланиладиган принциплар ва қоидалардир: (а) маҳсулотлар, мисол учун кимё маҳсулотлари, телевизор ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи ҳамда (б) хизматлар, мисол учун электр энергияси, транспорт ва бошқа ҳизматларни таъмин этиш таннархи."

Бизнинг амалиётимизда таннархни ҳисоблаш "маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархи калькуляцияси", рус тилида «калькульяция себестоимости продукции (работ, услуг)» деб юритилади. "Calculatio"[2] лотинча сўздан олинган бўлиб счет, яъни жамини чиқариш маъносини англатади. Европа ва АҚШдаги дарсликларида ҳамда халқаро стандартларда маҳсулот таннархини ҳисоблашда "калькуляция" атамасидан фойдаланилмаган. Таннарх ҳисоби масалаларни ўрганишда энг кўп қўлланиладиган атамалардан бири бу костингдир. Масалан, бошқарув ҳисобида костингнинг қуйидаги турларидан фойдаланамиз: "costing method**,** absorption costing**,** variable (direct) costing**,** process costing**,** activity-based costing**,** actual costing**,** standard costing**,** average costing**,** functional costing**,** historical costing**,** constraint based costing**,** continuous operation costing**,** contract costing**,** normal costing**,** job order costing**". Бу тушунчаларнинг ҳар бири битта мавзу. Ушбу атамаларни калкуляция деб таржима қилсак, унинг асл моҳиятини тўлиқ ифодалаб бера олмайди.** Шу сабабли, калкуляция атамасининг ўрнига **Костинг** тушунчасини қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таннарх ҳисоби (Cost accounting) – бу операциялар, жараёнлар, фаолиятлар ёки маҳсулотлар бюджетлари, стандарт таннархи ва ҳақиқий таннархини ўрнатиш ҳамда юзага келган четланишлар, рентабеллик даражаси ва фондлардан ижтимоий фойдаланиш таҳлилидан иборатдир.

Соҳанинг таниқли олими Уэлдон "Таннарх ҳисоби – бу менежмент томонидан назорат ва бошқарувнинг амалга оширилиши мақсадида тартибга солинган маълумотлар бўйича тақдимотни тайёрлаш учун харажатларни таснифлаш, қайд қилиш ва мутаносиб равишда тақсимлаш асосида маҳсулотлар ва хизматлар таннархини аниқлашдир."

Таннарх ҳисоби асосан ресурсларнинг, жумладан метериаллар, меҳнат ва машина ва асбоб-ускуналарнинг сарфланиши билан боғлиқ жараёнларни қамраб олиб, унинг мақсади менежментни улар томонидан баҳоларни белгилаш, маҳсулотларни танлаш, захираларнинг оптимал миқдорини белгилаш, уларнинг сарфланиши ҳамда омборларда сақланишига оид қарорлар қабул қилишлари учун маҳсулот таннархи, жараён таннархи, хизматлар, жумладан коммунал хизматлар таннархи, захиралар таннархи ва бошқалар тўғрисида ахборотлар билан таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

[1] Executive programme COST AND MANAGEMENT ACCOUNTING Printers/October, 2015/5000. 5-6-p.
[2] https://yandex.ru/yandsearch?clid=2039342

Юқорида келтирилган тавсифлар асосида таннарх ҳисобининг муҳим хусусиятларини мужассамлантирган таърифни ишлаб чиқамиз: “**Таннарх ҳисоби** – режалаштириш, нархларни белгилаш, маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириш ва кенгайтириш, харажатларни оптималлаштириш, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва менежментнинг бошқа соҳаларига оид қарорлар қабул қилиш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар, жараёнлар, фаолиятлар ва таннархнинг бошқа объектлари бўйича бюджетлар, стандарт таннарх ҳамда харажатларни тан олиш, таснифлаш ва тақсимлаш асосида ҳақиқий таннархини белгилаш, шунингдек, четланишлар ва рентабеллик таҳлилини ўтказишдан иборат тизимдир.”

Таннарх ва менежментлик ҳисобига оид дарсликда[1] таннарх ҳисобининг вазифалар (objectives)ларига қуйидагилар киритилган:

маҳсулотлар ва операциялар таннархига оидлигини белгилаш учун барча харажатларни таҳлил этиш ва таснифлаш;

ҳар бир бирлик маҳсулот, иш, операциялар, жараёнлар ва бўлимлар ва сервис хизматларининг ишлаб чиқариш таннархини белгилаш учун стандарт таннархни жорий этиш;

менежментга хўжасизлик (самарасиз фаолият) ва чиқимларнинг турли хил кўринишлари, жумладан, материаллар, вақт, харажатлар ёки машина ва асбоб-ускуналар ва дастаклар билан боғлиқ чиқимлар масштаби тўғрисида кўрсатмалар тақдим этиш. Қониқиш ҳосил қилмайдиган натижаларнинг сабаблари таҳлили натижаларидан бюджетларга тўғирлашлар киритишга ҳам қаратилиши мумкин;

молиявий йил давомида менежмент учун уйғун бўлган вақт интервалида, масалан, ҳар ҳафталик, ҳар ойлик, ҳар чораклик ва бошқа вақт оралиғида нафақат бутун бир ягона бизнес бирлиги бўйича, балким бўлимлар ёки маҳсулотлар бўйича ҳам даврий фойда ва зарарлар счети ва баланс ҳисоботлари маълумотларини тақдим этиш. Фойда ва зарарларнинг асл сабаблари деталли очиқланиши учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда жами сумма уни келтириб чиқарувчи кўрсаткичлар бўйича баён этилади;

ишлаб чиқаришда иқтисод қилишнинг манбаларини қўлланилаётган методлар, асбоб-ускуналарнинг турлари, маҳсулотлар ва компоновкаларни ўрганиш орқали ахтариб топиш. Ҳар кунлик, ҳар ҳафталик, ҳар ойлик ахборотлар оператив ва конструктив қарорлар қабул қилиш учун зарур ҳисобланади.

ҳақиқий таннарх тўғрисидаги рақамларни баҳоланган кўрсаткичлар билан солиштириш ҳамда менежментга улар томонидан келгуси рақамларни баҳолашларни, котировкалар учун тақдим этиш ва нархларни белгилаш (price-fixing policy) сиёсатини амалга оширишда ёрдам бериш;

[1] Executive programme COST AND MANAGEMENT ACCOUNTING Printers/October, 2015/5000. 5-6-p.

қаерда стандарт костни тайёрлаш орқали маҳсулот таннархи қанча бўлиш кераклиги кўрсатилиши лозим, қайсики бунда ҳақиқий таннарх стандарт кост билан солиштирилиши учун қайд қилиб борилади;

турли даврлар ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг турли ҳажмларида тақкосланадиган таннарх тўғрисидаги ахборотлар тайёрланиши;

захиралар ва бошқа материлларнинг узлуксиз ҳисоб тизими орқали (perpetual inventory) фойда ва зарарлар тўғрисидаги счет ҳамда бухгалтерия баланси захираларни муддатдан ташқари инвентаризациясини ҳамда омборхоналарни текшириш натижаларини олмасдан туриб тузиш ҳамда қисқа вақт интервалида тўғирлашларни киритиш имкониятлари таъминланиши керак. Бундан ташқари, ушбу тизим орқали ишлаб чиқаришни режалаштириш ва омбордаги ҳар хил камомадлар ва йўқотишларга барҳам берилиши ҳам таъмин этилиши лозим;

турли кўринишдаги қисқа муддатли қарорларни, жумладан, махсус харидорлар учун нарх квоталарини белгилаш, шунингдек иқтисодий тушиш бўлган даврда ҳам турли маҳсулотларга имтиёзлар бериш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Хулоса қиладиган бўлсак, таннарх ҳисоби бошқарув ҳисобининг асосий таркибий қисми сифатида қаралмоғи лозим. У менежментнинг қарорлар қабул қилиш ҳамда режалаштириши учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар, жараёнлар, фаолиятлар ва таннархнинг бошқа объектлари бўйича бюджетлар, стандарт таннарх ҳамда харажатларни тан олиш, таснифлаш ва тақсимлаш асосида ҳақиқий таннархини белгилаш, шунингдек, четланишлар ва рентабеллик таҳлилини ўтказишдан иборат тизим сифатида тавсифи ишлаб чиқилди. Соҳага доир илғор адабиётларни ўрганиш асосида таннарх ҳисобининг вазифалари белгилаб берилди. Ушбу вазифалар корхона ва ташкилотларда таннарх ҳисобини ташкил этиш ва таннарх бухгалтерлари олдида вазифаларни қўйишга асос бўлиб хизмат қилади.

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

Т.А. Труфанова– кандидат психологических наук, доцент кафедры кадрового управления ФГБОУ ВО “Тамбовский государственный университет им. Г.Р.Державина”

О ПРОБЛЕМЕ ФОРМИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЫ ВУЗА

Аннотация: Статья посвящена обсуждению проблемы формирования цифровой образовательной среды в вузе. Анализируются профессионально-психологические проблемы, с которыми сталкиваются ППС при внедрении информационных технологий в образовательную среду вуза и пути их решения.

Ключевые слова: информационная образовательная среда, учебный процесс, информационные технологии, профессорско-преподавательский состав (ППС).

Annotatsiya: maqola universitetda raqamli ta'lim muhitini shakllantirish muammosini muhokama qilishga bag'ishlangan. Axborot texnologiyalarini universitet o'quv muhitiga joriy etish va ularni hal qilish yo'lida PPP tomonidan duch keladigan kasbiy-psixologik muammolar tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: axborot ta'lim muhiti, o'quv jarayoni, axborot texnologiyalari, professor-o'qituvchilar tarkibi (PPP).

Abstract: The article is devoted to the discussion of the problem of the formation of the digital educational environment in the university. The article analyzes the professional and psychological problems faced by teaching staff when implementing information technologies in the educational environment of the university and the ways to solve them.

Keywords: information educational environment, educational process, information technologies, teaching staff (teaching staff).

Приоритетами государственной политики Российской Федерации на ближайшие годы являются построение цифровой экономики и цифрового образования, что зафиксировано в федеральных стратегических документах:

– Указ Президента Российской Федерации от 09.05.2017 № 203 «О Стратегии развития информационного общества в Российской Федерации на 2017 - 2030 годы»;

– Постановление Правительства Российской Федерации от 18.04.2016 г. № 317 «О реализации национальной технологической инициативы»;

– Распоряжение Правительства Российской Федерации от 28.07.2017 № 1632-р «Об утверждении программы «Цифровая экономика Российской

Федерации» (раздел 2 – «Кадры и образование»);

